



Азим
ҚОДИРОВ

Виздон ҳукми

Азим ҚОДИРОВ

Виждон ҳукми

Қисса



ТОШКЕНТ
«MASHHUR-PRESS»
2018

УЎК: 821.512.133

КБК: 84(5ў) 6

Қ - 53

Қ - 53 Қодиров, Азим

Виждон ҳукми. [Матн] қисса/ А. Қодиров.

– Тошкент: «Mashhur-press», 2018. – 128 б.

ISBN 978-9943-4687-5-7

УЎК: 821.512.133

КБК: 84(5ў) 6

Ушбу китобда вафо-садоқатнинг улуғлиги, хиёнат оилаларни пароканда қилиб, яна бошқа гуноҳларнинг туғилишига сабаб бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади. Мавжуд жазолар ичида энг оғриқлиси, адолатлиси эса виждон ҳукмидир. Турмушнинг мураккаб чорраҳаларида муҳаббатни, покиза туйғуларни асраб қолиш жуда муҳимлигини яна бир бор эсга солган ушбу қисса ўқувчи қалбидан ўз ўрнини топади деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-4687-5-7

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 168530-2019

ВИЖДОН ҲУКМИ

Сокин тун. Борлиқ ширин уйку оғушида. Атроф сув қуйгандек жимжит. Кечанинг фароғатбахшлигини узоқ-узоқлардан, аҳён-аҳёнда дайди итларнинг нохуш увиллаши бузиб турибди.

Қизик бир ҳолат. Бу ҳам табиатнинг ўзига хос сир-синоати ёхуд тилсими бўлса, ажаб эмас. Очиғи, кундан кўра тун донишманд кишидек улуғвор кўринади. Чунки туннинг ўзига хос сири бор. Ахир шоҳ асарлар, буюк ихтироларнинг аксарияти тунда яратилгани ҳақиқат-ку! Ижод аҳли, қўйингки, жуда кўп одамлар тунда ўз фикри-хаёлига ғарқ бўлиб, ўзига-ўзи ҳисобот беради. Куни билан қилган ишларини баҳолаб, эртанги режасини тузади. Умуман, туннинг ўзига хос таровати, латофати, сир-асрори, хусусияти бор. Яна бир томони шундаки, тун ўзининг илоҳийлиги билан ажралиб туради. Тонг отишини ҳеч кузатганмисиз? Улар худди туғишган ака-укадек ҳар куни бир-бири билан аразлашиб, бирининг ўрнини бири эгаллашга интилади. Қизик, ҳар куни шу ҳолат такрор бўлади. Гарчи улар ўртасида тортишув, баҳс қизғин тус олса-да, лекин улар бир-биридан ўпкаламайди. Қондошлик ҳурмати-ни жойига қўйишади. Чунки табиатнинг темир қонуни, коинотнинг ҳукмига қатъий риоя этишади. Бироқ қаттиқ ўйга толган инсон учун тун ўта бешафқат ва андишасиз. Раҳм қилмайди кишига. Баъзида туннинг ўтиши жуда қийин. Соат миллари ҳам аксига олгандек тошбақа қадам қилиб, жуда секин юради.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг раиси Ўлжаев шу кеча туни билан мижжа қоқмай тўлғониб чиқиб, туннинг бор азобини ўз бошидан ўтказди. Охир-оқибат тонг билан туннинг олишуви ниҳоясига

етди. Коинот қонунига биноан туннинг тонгга таслим бўлишдан бошқа чораси қолмади. Борлиқ узра оппоқ тонг шуъласи бор кучини йиғиб, аввал аста-секин ҳужум қилиб, сал вақт ўтиши билан ҳал қилувчи зарбани берди, тирикликнинг дебочаси бўлган оппоқ тонг бугун атрофга ҳукмронлик қилиб, ҳокимликни ўз қўлига олди.

Туни билан тикан устида ўтиргандай кечани бедор ўтказган Ўлжаев тонг отгандан сўнг енгил нафас олиб, яна ўз хаёлига ғарқ бўлди. Яна ўша ўй-фикр уни исканжасига олиб, вужудини қийнай бошлади. Бугун у мудҳиш қотилликни содир этган жинойатчига ҳукм чиқариши керак. Қандай жазо тайинлаш эса уни чуқур ўйга толдирарди. Вазият ўта мураккаб. Қотил бир эмас, икки кишининг умрига зомин бўлган. Устига-устак қурбонлар унинг яқин қариндоши, бири акаси, иккинчиси эса турмуш ўртоғи. Тўғри, у кўзини юмиб жинойатчига оғир жазо тайинлаши мумкин. Бунинг учун ҳеч ким уни муҳокама қилмайди. Қонун жиҳатидан ҳам у ҳақ бўлади.

Лекин масаланинг бошқа томони суд раисини ўйлантирарди. Бу қотиллик содир бўлишига жиддий сабаблар бор. Ор-номус, эркаклик ғурури устун келган. Қотил жирканч воқеа устидан чиқиб, ўзини идора эта олмаган.

Бироқ жинойатга жазо муқаррар. Қонун – қонун. Уни четлаб ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам, ҳуқуқи ҳам йўқ. Айниқса, адолат тарозисининг тарозибони бўлган судьянинг...

Дунёда ор-номус, ғурур деган инсоний туйғу бор. Қолаверса, ҳар бир инсон учун нафсониятини ҳимоя қилиш унинг виждони олдидаги муқаддас бурчидир. Ўзини билган ориятли инсон борки, ўз нафсониятини оёқости қилишга, уни топташга йўл қўймайди. Тўғри, қонун-қоида бор. Унга қараб иш тутиш ҳар бир киши-

нинг бурчи. Бунинкор этиб бўлмайди. Бироқ дунёда ёзилган ва ёзилмаган қонунлар бор. Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз. Осмондан тушганимиз йўқ. Хато қилишдан чегараланмаганмиз. Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, киши ўз жаҳлини жиловлай олмай, ҳар қандай жиноятга ихтиёрсиз равишда мажбур бўлиши мумкин.

Қора курсида ўтирган жиноятчи ҳам инсон. У қўлини қонга булғашга мажбур бўлган. Бекорга туғишганини, хотинининг хунига зомин бўлмагандир. Ҳеч ким “қотил” деган тамғани бир умр гарданига олиб юришни хоҳламайди.

Суд раиси Ўлжаевни ана шу каби саволлар қийнади. Йўқ, ҳукми ўқимайди. Асосий хулосани вилоят суди раҳбарияти билан маслаҳатлашиб, ўзининг бу ҳақдаги фикрини уларга айтиб, ундан кейин ҳукм чиқаради. Ўлжаев ишхонага ҳам кирмай тўғри вилоят марказига қараб йўл олди. Содир этилган қотиллик тафсилоти билан жиноят ишлари бўйича вилоят суди раисининг ҳузурига кирди.

– Маслаҳатингиз керак, ҳозирги кўрадиган ишим икки кишини ўлдирган қотил билан боғлиқ. Лекин у ўз ғурури, нафсониятини ҳимоя қилиш учун бу жиноятни содир этган. Унга қандай жазо бериш учун сиз билан маслаҳатлашгани келдим. Тўғри, жиноятчининг хатти-ҳаракати қонун нуқтаи назаридан узоқ муддатли қамоқ жазосига лойиқ. Бироқ у бу жиноятни қасддан ёки ғараз ва адоват учун қилмаган. Шу туфайли масаланинг шу томонини ҳисобга олиб, адолат юзасидан иш тутиб енгилроқ жазо тайинласаммикин?

– Нима деяпсиз, ҳамкасб? Қотилнинг хатти-ҳаракатини мутлақо оқлаб бўлмайди. Қонун ҳам бунга йўл қўймайди. Жазони енгиллатиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирманг. Қолаверса, биз раҳм-шафқат идорасида ишламаймиз!

Арман миллатига мансуб вилоят судининг раиси Агабабяннинг бу гапи Ўлжаевнинг жавабасини қўзғатиб юборди.

– Мен ёш бола эмасман. Тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин бизнинг вазифамиз адолат юзасидан иш қўриш. Халқ шунинг учун бизни бу лавозимга сайлаб қўйган. Раҳм-шафқат масаласига келсак, судьялар одамийлик юзасидан одилона иш тутишлари керак. Қолаверса, биз билиб-билмай жиноят қилган одамни бутунлай қоралашимиз нотўғри. Уни қилган жиноятига пушаймон қилдириш, кейинчалик бу ишга қўл урмаслиги учун замин яратиб бериш зарур.

Яна бир гап. Тергов даврида бир томонлама иш юритилган. Мендан кетгунча эгасига етгунча иш тутилиб, терговчилар жиноятнинг келиб чиқиш сабаби, унинг нима мақсадда содир этилганлиги, қолаверса, маҳалла, қўни-қўшниларнинг айбланувчи ҳақидаги фикр-мулоҳазаси мутлақо ўрганилмаган. Ҳисобот учун тергов шунчаки ўтказилган. Айбланувчига тазйиқ ўтказилиб, ундан қилган жиноятига иқдорлиги борасида тушунтириш хати олиниб, иш судга оширилган. Биз судьялар қораловчининг ҳам, оқловчининг ҳам фикрини ўрганиб одилона ҳукм чиқаришимиз керак. Шу туфайли ишни яна терговга қайтаришни маъқул кўраман.

– Кечирасиз, айбланувчи ўзингиз ёки турмуш ўртоғингизнинг яқин қариндоши эмасми? Бунчалик жон куйдирмасангиз. Ёки унинг яқинлари бирор-бир катта нарсa ваъда қилдими? Ахир ҳар бир жиноятчининг тарафини олиб инсонийлик қиламан десангиз, бу лавозимда ишламаганингиз маъқулми, дейман.

– Қаерда ва ким бўлиб ишлашимни жуда яхши биламан. Лекин касбим нуқтаи назаридан қонун олдидаги бурчим ҳаққи-ҳурмати жазо тайинлашда етти ўлчаб бир кесаман. Инсон шаъни, унинг ғурурини поймол қилишга асло йўл қўймайман. Мен сизнинг олдингиздан

ўтгани келдим. Бу ишни қайта терговга қайтараман. Бу бизнинг касб бурчимиз. Қолаверса, виждонимиз олдидаги ҳисоботимиз!

Вилоят судининг раиси Агобабян Ўлжаевнинг бу гапларидан кейин оғиз оча олмай қолди.

СЕВГИ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Бу кўҳна дунёнинг бир сир-синоати борки, олам яралгандан буён табиатнинг буюк мавжудоти, ҳар қандай тилсимни ўз билим ва иқтидори билан мағлуб қилган ҳазрати инсон шу пайтгача бир муаммонинг жумбоғини еча олмай лолу ҳайрон. Бу – тирикликнинг неъмاتي, зийнати, роҳату фароғати, севинчи, ғам-алами, ширин-аччиғи, шодлигию ташвишининг сабабчиси бўлган “Севги” деб аталмиш ҳақиқат, балки афсона. Севги борми, йўқми, ана шу жавобни топа олмай ҳанузгача ҳамма армонда.

Чунки севги деб аталмиш илоҳий куч манаман деган паҳлавонларни тиз чўктирган. Ақллини телба, телбани доно қилган. Алпомишу Фарҳодлар, Мажнунлар, Отабеклар унинг оловида ёниб кул бўлган. Бунинг сабабини ҳеч ким ва ҳеч қачон англай олмаган. Вожаб. Севги изтиробми, ҳузурми, ғам-ташвишми? Бу нима ўзи? Севгининг яна бир илоҳий кучи бор. У ёш ва чирой, бойлигу мансаб танламайди. Унинг кўзи кўр, дийдаси қаттиқ, раҳм-шафқати ҳам йўқ. Севги дардига мубтало бўлган инсонни бахтли ҳам, бахтсиз ҳам дейиш мумкин. Бахтлилиги шундаки, ўз севгисига эришган киши ҳаётда сармаст бўлиб умрининг охиригача роҳат ва фароғатда яшайди. Бахтсизлиги шундаки, севги дардига мубтало бўлган ошиқнинг бир умр бедаво дардга дучор бўлган бемордек бу хасталикни фақатгина дийдор қутқаришидан нажот кутиб умид билан яшашдан бошқа иложи ва йўли йўқ.

Энг қизиғи шундаки, ҳали ҳеч ким дунё яралгандан буён севиш, севилишни ман қилмаган. Севги шундай ажойиботки, у кимга ва қачон дуч келишини билиб бўлмайди.

Эҳ-е, дунё яралгандан буён севги ҳақида қанчадан-қанча ижодкорлар шеър битиб, асар ёзиб унинг бор бўйини инсониятга тақдим этмаган дейсиз. “Қора холингга бахш этгумдир Самарқанду Бухорони” деб ошиқ шоир икки буюк шаҳарни инъом қилганлигига нима дейсиз? Дунёни титратган жаҳонгирлар, подшоҳлар, паҳлавонлар севги олдида тиз чўкиб, унинг ёнган оловида куйиб кул бўлган. Ҳали ҳеч кимга севги исканжасидан чиқиб кетиш насиб этмаган. Токи инсоният тирик экан, севги қалбларда мангу яшайди. Энг қизиғи, севги ҳали мўйлаби сабза урмаган ёш ўспирин болага ҳам, сочларига оқ оралаб қолган қариянинг ҳам қалбига кириб, уни ўзига ром этиши мумкин. Камолиддин ҳам ёшлигидан севги дардига мубтало бўлди. У биринчи синфга борганда муаллимаси ўқишнинг биринчи куниеқ уни Наргиза исмли қизча билан бир партага ўтирғизди. Яратган эгамнинг қудрати билан шу кундан эътиборан унинг ишқи Наргизага тушди. Наргизанинг чиройи, унинг шаҳло кўзлари, кулиб турган юзи ва яноқлари ёш Камолиддиннинг қалбига ўт ёқарди. У эрталаб туриб онасининг қистовига ҳам қарамай чой ичмасдан мактабга чопар, синфга кирибоқ Наргизани ахтарарди. Гоҳида у кечикиб келса, ўзини қўярга жой топа олмай асабийлашарди. Эсида, Наргиза касал бўлиб бир ҳафта мактабга келмай қолганди. Ана ўшанда Камолиддиннинг аҳволини кўрсангиз эди. Унинг чехраси тунд, ҳеч кимнинг гапи ёқмас, инжиқ ва жаҳлдор бўлиб қолганди. Охир-оқибат унинг сабрига дарз кетди. Юрак ютиб, бир кўча нарида яшайдиган Наргизаларникига йўқлаб борди. Томоғини рўмол билан ўраб, эгнига атлас кўйлак илиб чиққан Наргизани кўриб муҳаббати ўн

чандон ошди. Бежирим хонатлас кўйлаги унинг чиройига чирой қўшганди.

– Томоғим оғриди, укол қилишди, роса оғриди. Душанба мактабга борсам керак, – Наргизанинг эркаланиб гапириши Камолиддинга хуш ёқарди. Буни қарангки, ўн беш дақиқа суҳбатдан кейин Камолиддиннинг кўнгли таскин топиб, чеҳраси очилди.

Тутаб турган чўғ, албатта, олов олади. Севги бора-бора кучайиб, балоғат ёшига етганда йигит Наргизасиз яшай олмай қолди. Фақат у қандай қилиб севгисини изҳор қилишни билмай азоб чекарди. Энди у ёшликдаги сингари Наргизага тегажоглик қилмас, уни авайлар, раъйига бориб, ҳар қандай йўл билан бўлмасин, кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Юқори синфда ўқиганларида пахта йиғим-теримига чиқишарди. Камолиддин эрта тонгданоқ нонушта қилмай далага чиқиб ўзи учун ҳам, Наргиза учун ҳам этак-этак пахта терарди. Лекин юрак ютиб унга дил изҳорини айтолмай хуноб бўларди. У бир нарсадан кўрқарди. Агарда Наргиза унинг севгисини рад этса, ҳоли нима кечади? Ана шу савол уни азобларди. Қўлидаги қимматбаҳо шишани авайлаган кишидек унинг чилпарчин бўлишидан кўрқиб Наргизага севиши ҳақида айтолмасди. Камолиддин гарчанд мард, кўрқмас, паҳлавон йигит бўлишига қарамай, бу масалага келганда хаста бемордек ожиз ва нотавон эди. Камолиддин яхши ўқирди. У синфда пешқадам ва сардор эди. Ҳамма фандан, айниқса, адабиёт фанидан унинг олдига тушадигани йўқ эди. У шоирларнинг шеърини ўқиб ўз дардига малҳам топгандек бўларди.

*Ишқ савдоси тушди бошима,
Айни балоғатга етган чоғима,
Тортадурман жафосин ҳамон,
Кетса-да танимдан қуввату дармон.*

Наргиза ҳам мактабда ўнтанинг биттаси эди. У мактабда бўладиган кечалар, ҳаттоки, қишлоқда катта-кичик тадбирларда ўзининг майин, ёқимли овози билан қўшиқ айтиб ҳаммани ром қиларди. Ўша куни қишлоқ ҳуснига хол бўлиб тушган янги мусиқа ва санъат мактаби очилди. Ушбу маросимга бағишланиб концерт намойиш этилди. Ана шу маросимда Наргиза қўшиқ айтди. Унинг оҳанрабо қўшиқлари барчани ўзига маҳлиё этиб, ҳали қўшиқ тугамасданоқ чапаклар янграр, уни қайта-қайта саҳнага таклиф этишарди. Камолиддин Наргизанинг ашуласига маҳлиё бўлиб тингларкан, хаёл уни ўз оғушига олди, у бу дарёга шунчалик чуқур чўккан эдики, ҳатто саҳнада тановар рақсини ижро этаётган қиз ҳам унинг кўзига Наргиза бўлиб кўринарди. Фақат ёнига келиб ўтирган Наргизанинг “Хўш, қалай, чиройли ўйнаптимиз дугонам?” деган саволи уни ўзига келишга мажбур қилди. Ўшанда у бир неча сония нима дейишни билолмай гангиб қолди ва ниҳоят ўзини қўлга олиб “Дугонанг Гули чиройли ўйнаркан!” дея олди, холос.

Наргиза билан Камолиддин ташқарига чиққанда тоғ орқасидан ой мўралади. Хавф-хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилди, чоғи, жамолини кўз-кўз қилгандек кўк нарвонидан аста-секин юқорилай бошлади. У гўё тун киришини кутавериб, ҳориб мудраётгандек эди. Тўсатдан шамол туриб булутларни етаклаб келди. Энди тўлин ой бамисоли ошиқ-маъшуқларга халақит бермасликка аҳд қилгандек гоҳ булутлар панасига яширинар, гоҳ уларнинг орасидан мўралаб атрофни ёритарди. Ёмғир ҳиди анқиди-ю, лекин ундан дарак бўлмади, ғазаби кўзиган шамол булутларни парча-парча қилиб қувиб юборди ва оғир ташвишдан холи бўлгандек жимиб қолди. Осмонда сузиб юрган ой энди бемалол борлиққа ўз нурини соча бошлади. Ойнинг шуъласи шунчалик равон эдики, Камолиддин севги-

лисининг рухсорини бемалол кўрарди. У Наргизанинг хусн-жамолини суқланиб томоша қиларкан, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ тўрга тушган беданани учириб юборишдан кўрққан овчи мисоли гапиришга журъат этолмасди. Икки синфдош мусиқа ва санъат мактабидан чиқиб анча юрганларидан сўнг қишлоқ тугаши билан ўнгга, қишлоқнинг ўртасидан оқиб ўтадиган Дамариқ устига қурилган ёлғизоёқ кўприкдан ўтишди-да, сўқмоқдан юриб Наргизанинг ҳовлиси томон кетишди. Камолиддин Наргиза билан ёнма-ён бораркан, ахён-ахёнда унинг кўзларига қараб қўярди. Бу кўзлар шунчалик қадрдон, мусаффо ва суюкли эдики, сира бошқа кўзларга ўхшамасди. Камолиддин учун Наргиза тобора эҳтиёжга айланиб борарди. Уни бир кун кўрмаса соғинадиган, кўнгли кумсайдиган бўлиб қолганди. Кундуз кунлари сира кўз ўнгидан нари кетмас, кечалари эса тушида кўриб, унинг ёди билан ётиб, у билан уйғонарди. Узун кечаларда унга пинҳона севгисини изҳор қилар, ризолик жавобини олиб, оқ ҳарир кўйлак кийган севгилисини қўлига кўтариб ҳаммага кўз-кўз қиларди. Тонг отиб, кун бошланиши билан қандайдир англаб бўлмас куч Камолиддиннинг тилини боғлаб дардини айтишга йўл қўймасди. Унинг юраги ожизлик қилиб озор чекар, орланар, ўзини-ўзи гоҳида койир эди. “Эртага, албатта, унга севишимни айтаман”, деб ўзига сўз берарди-ю, лекин нимагадир тили калимага келмай, бирор сўз айтишга юраги дов бермасди.

Ниҳоят, бедор ўтаётган тунларнинг бирида Камолиддин Наргизага ўз севгисини мактуб орқали изҳор этишга жазм қилди. Тун ярмидан ошганди, ўрнидан сапчиб турди-да, қалбидаги бор дардини оқ қоғозга тўкиб сочди. Ўзини Отабекка, Наргизани Кумушга қиёс қиларди. “Мен сизни севаман. Сизсиз менга ёруғ кунлар қоронғу, саратон, қаҳратон”, деб ёзди. Мактубининг ниҳоясида ўзи ёзган шеърини илова қилди.

Эй, париваш Наргизим, қилма мени овора,
 Ҳижронинг наштари-ла этма қалбим садпора.
 Ақлим олиб жонона, қилма мени девона,
 Қалбим аро асрорим этдим сенга ошкора.
 Раҳм айла аҳволима, роҳат бергил жонима,
 Арз айладим сабога, қўмсаб сени, нигора.
 Ночор бўлиб аҳволим, кетди тандан мадорим,
 Ўзингсан шифокорим, топгин дардима чора.
 Кўргин менинг ҳолимни, этма поймол оримни,
 Инобат-ла зоримни бир лаҳза эт наззора.
 Бўлиб сенга интизор, эй ситамгар суввора,
 Гар истасанг, этай тарк иймонимни, дилдора.
 Айлайин садқа сендан бу жонимни минг бора,
 Қил илтифот, эт барбод, аҳд-паймоним бир бора,
 Шунда таскин топгай Камол қалби, зора.

Камолиддин мактубни ёзиб бўлиб, уни қайта-қайта ўқиб чиқди. Сўнг уни костюмининг чўнтагига авайлаб солиб қўйди. Чироқни ўчириб тўшакка кирди. Лекин уйқуси келмади. Баланд осмонда милтиллаб турган юлдузлар қуршовида оҳиста сузаётган ой унинг хаёлчан юзини ёритди-ю, уйқусини баттар қочириб юборди. У эрталаб қандай қилиб мактубни бериш ҳақида ўйлай бошлади. Вақт алламаҳал бўлганда ширин хаёллар оғушида уйқуга кетди. Онаси Камолиддинни уйғотмаганда ҳалигача донг қотиб ухларкан. Ўрнидан турганда вақт алламаҳал бўлган, отаси ишга, акаси мактабга кетиб бўлган экан. У шошиб юз-қўлини ювиб, нонушта қилмай мактабга қараб югурди. Мактаб биносига кираверишдаги эълонлар тахтасига ёпиштирилган қоғозга кўзи тушиб қувониб кетди. Унда бугун кечкурун адабий кеча ўтказилиши тўғрисида ёзилганди. Айни муддао, хаёлидан кечирди у. Бугун мактубни унга, албатта, беради.

Адабий кеча роса мароқли ўтди. Камолиддин ўз шеърлари ҳамда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Нормурод Нарзуллаев шеърларини ёддан ўқиб берди. Тадбир тугагач Камолиддин Наргизани уйигача кузатиб борди. Қиш фасли мафтункор-да. Кўчалар оқ пояндоз тўшалгандек оппоқ, оғир қорни кўтаролмай эгилган дарахт шохлари синаман-синаман дегандек турибди. Ҳаво унчалик совуқ эмас. Манзара гўзал, тароватли. Камолиддинни бир ўй тинч қўймасди: “Мактубни берсамми ёки бор гапни шартта-шартта юзига айтсамми?” Бироқ қани энди ўша жасорат, қани ўша забон? Гўё кимдир уни сеҳрлаб қўйгандек тили калимага келмай, юраги қўлдан чиқишга уринаётган қуш мисоли потирлаб, гуп-гуп этиб урарди. Наргиза ҳам жим, нималар ҳақидадир хаёл суриб борарди. Балки Камолиддиннинг ҳолатини сезаётгандир, нўноқлиги учун унинг устидан кулаётгандир? Бу унинг ўзига, ёлғиз Оллоҳга аён эди. Камолиддин ўзини босиб олишга уринди. Ахир ҳеч бўлмаганда унга хатни бериш керак эди-да. Улар Наргизанинг ҳовлисига етиб келишди. Наргиза хайрлашмоқчи бўлиб Камолиддинга қўл узатди:

– Кузатиб қўйганинг учун раҳмат, – дея кулиб уйи томон бир қадам ташлади. Камолиддин шу онда Наргизанинг кетишини хоҳламас, эрталабгача унинг ёнида бўлишни истарди. Шу онда Камолиддинда жасорат пайдо бўлиб, Наргизанинг момикдек юмшоқ қўлини ушлаб кафти орасига олди. Наргиза бир сесканиб қўлини тортиб олмоқчи ҳам бўлди, лекин қандайдир ғайритабиий куч бунга изн бермади.

– Наргиза, – деди Камолиддин овози титраб.

– Эшитаман, – деди Наргиза.

Камолиддин ўзини йўқотиб дудуқланди, гапларини айтолмай қолди.

– Совқотдингми, Камол, қалтираяпсан.

– Йўқ, совқотганим йўқ, ўзим шундай... Ҳа, мановини ол, – деб кечқурун ёзган хатини Наргизанинг қўлига узатди, – ўқиб жавобини айтарсан...

Камолиддин ўша хатни берган кеча мижжа қоқмай чиқди. Нима бўларкан? Унинг бу хатти-ҳаракатини Наргиза қандай баҳоларкан? Ёки уни аҳмоқликда айблаб, хатни синфдошларига ўқиб бериб шармандасини тортармикан? Ана шу ўй-хаёл унга тинчлик бермасди. Гуноҳ иш қилиб қўйган ёш боладек эртаси куни қўрқиб мактабга борди. Синфга киришга юраги дов бермай, дарс бошланишини кутди. Ўқитувчидан бир сония олдин кириб жойига ўтирди. Агарда Наргиза синфдошларига мактубни ўқиб берган бўлса, ўқитувчи синфга киришда кулгига қолмайди. Хайрият, ҳеч ким унга эътибор қилмади. Лекин Наргиза ҳар кунгидек эмас. У энди синфдошига нисбатан эмин-эркин, дўстона муносабатда бўлолмасди, у оғир, уятчан, вазмин бўлиб қолганди. Ажабо, бир кечада киши шундай ўзгарармикан? Бу дарс Камолиддин учун бир асрдек ўтиши қийин бўлди. Атига қирқ беш дақиқалик дарс бир умрга тенгдек эди. Наргиза хафа бўлдимикан? Бунчалик маъюс. Дўст тутган кишисининг севги изҳор қилишини номарднинг иши деб ўйлаётгандир. Агар шундай деб ўйлаган бўлса, ўн йиллик қадрдон дўстлик косаси чил-чил синади. Ниҳоят, дарс тугади. Камолиддиннинг елкасидан тоғ ағдарилган бўлса-да, у Наргизанинг мактубга қандай жавоб беришини ўйлаб ваҳимага тушарди. Дарслар тугагунча Камолиддин минг бир азобда қийналиб юрди, охир-оқибат дарс тугаб, ҳар галгидек улар иккаласи қишлоқнинг овлоқ, ёлғизоёқ йўлидан юриб, Наргизаларнинг уйи томон аста-секин қадам ташлаб кета бошладилар.

– Хўш, – деди Камолиддин гўё биров эшитиб қолишидан чўчигандек паст овозда, – хатни ўқидингми?

Наргиза жавоб бериш ўрнига қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Камолиддиннинг жаҳли чиқди. Наргиза мени

мазах қиялпти деб қалби қаварди. Бир сўз айта олмай анча фурсат довдираб қолди.

– Ма, ол, кечаги берган мактубингни, – дея Наргиза унга хатни узатди. Энди Камолиддинда шубҳа қолмаганди. Унинг авзойи бузилиб бир зумда тўмтайиб қолди. Тарвузи қўлтиғидан тушган кишидек ўзини йўқотиб қўйиб, қалбидаги ўн йилдан буён ёниб турган севги гулхани ўчгандек туюлди. Орқасига бурилиб кетмоқчи бўлди-ю, бироқ қандайдир ғайритабиий куч кетишига йўл қўймади. Наргизанинг қўлидаги қоғозини юлиб олиб, кафти орасига сиқди-да, алам билан қаттиқғижимлай бошлади.

Наргиза синфдошининг ҳолатини пайқади, чоғи, унинг кўзларига меҳр тўла нигоҳини қадади.

– Қуруқ қоғознинг нимасига жавоб беришим керак, Камол? – деди у жилмайиб. Биргина шу луқма таранг вазиятни афсунгардай бир зумда юмшатиб, Камолиддиннинг шубҳасини парчалаб юборди. У ўзининг ноҳўя ўйларидан хижолат тортди. Умидсизлик, тушкунлик гирдобидан ишонч соҳилига қайта чиққандек қувониб кетди ва ўзи ҳам Наргизага қўшилиб мириқиб кула бошлади. Дарҳақиқат, Наргизага аталган мактуб унинг чўнтагида турарди. Ҳаммаси аён, кеча шошгандан ўзи ёзган севги мактубининг ўрнига қуруқ қоғозни конвертга солиб бериб юборган экан. Камолиддин ўсал бўлиб гангиб қолди. Бу ноқулай ҳолатдан уни яна Наргизанинг ўзи қутқарди.

– Хўш, нима гапинг бор! Дангал айтавермайсанми, Камол! Хат ёзишга бало борми?

Камолиддин бу шаддод, шўх ўн йиллик партадошига кутилмаганда юрагидаги бор гапни очиқ-ойдин айтди.

– Мен сени севаман, – деди у гўё муқаддас сирни ошкор қилаётгандек эҳтиёткорлик билан. Эҳтирос билан айтилган бу сўзларни эшитган Наргизанинг шаҳ-

ло кўзлари чақнаб кетди. Қалби терак баргидай титрай бошлади. Чунки у ҳам Камолиддинни севарди. Камолиддиннинг оғзидан севиши ҳақидаги гапни эшитиб йиллар давомида кутган, кечалари ухламай у ҳақида ўйлаб тўлғаниб чиққан кечаларини ёдга олди. Бугун у бахтли, чунки унинг орзуси рўёбга чиқди. Шу онда у Камолиддинни сенлаганидан уялиб кетди.

– Нега жавоб бермайсан, Наргиз?

Наргиза анча сукут сақлагандан кейин ийманиб, қизларга хос ҳаё ва ибo билан секингина ярим овозда:

– Қайдам, мен ҳам севаман, шекилли, – деди.

Қизнинг бу гапидан сўнг Камолиддин хазина топан одамдек севинчи ичига сиғмай суюниб кетди.

– Раҳмат, Наргиз, ана шу жавобни сендан кутгандим, – деди-ю, хайрлашишни ҳам насия қилиб ёш боладек ортига ўгирилиб чопқиллаб кетди. Шу онда унинг кўнгли танҳоликни кўмсар, “Мени Наргиз севаркан”, деб оламга жар солгиси келарди. Камолиддин қишлоқ оралаб бораркан, қувончини баҳам кўрадиган дўстларни қидирарди. Кўнглига яқин кимсани топмагач, тоғ орқасидан аста-секин кўтарилаётган куёш билан, атрофга зеб бериб, кўнгилларга ором бахш этиб, қийғоз гуллаган дов-дарахтлар билан сирлашди...

Наргиза ҳам уйига келиб наридан-бери чой ичиб ўз хонасига кирди, лекин уйқуси келмасди. Ёшлик, севги туйғулари ҳаёлини исканжага олиб ширин ўйларга кўмарди. Олис осмонда милтиллаб турган юлдузлар қуршовида сузаётган ой унинг юзини ёритди. У Камолиддин ҳақида ўйлай бошлади. Ҳа, Камолиддин Наргизанинг биринчи муҳаббати! Нақадар тотли сўз, унинг тоза севгиси Наргизанинг қалбига кириб борди, қатъийлик билан қаддини ростлади ва йўлида учраган барча тўсиқларни енгиб ривожлана борди. Улар бир-бировларига жиловлаб бўлмайдиган куч билан интилишди. Уларнинг назарида дунё гўё ёлғиз улар учун яратилгандек эди. Улар

ўн йилдан бери бирга, бундан кейин ҳам доимо бирга бўлишади. Вақт алламаҳал бўлганда Наргизанинг узун киприклари жипслашди ва у уйқуга кетди.

Камолиддин бугун одатдагидан анча эрта уйғонди. У ҳовлига чиққанда кечаси билан савалаб ёққан ёмғир тинган, сийраклашган булутлар нафармон осмонда кезиб юрар, кучсиз, оромбахш шамол эсиб турарди. Ҳадемай булутларнинг йиртиғидан қуёш мўралади. Унинг шуъласи бутун борлиқни эгаллаб олди. Табиатнинг бу ажойиб ва сержило гўзаллигидан сеҳрланган Камолиддин бир неча дақиқа хаёл суриб турди. Сўнг ўзига келиб, қўйлагини ечди-да, мис обтовадан муздак сув қуйиб, ювиниб яхшилаб артинди. Хонасига кириб кийинди. Бугун у бошқача. Кайфияти аъло, ўзини қушдек енгил ҳис қилмоқда. Бунга сабаб Наргиза эди. Чунки у ўн йилдан буён гоҳ қўрқиб, гоҳ ҳадиксираб, гоҳ умидсизликка тушиб ўз севгисини изҳор қилолмай хавотирда юрарди. Энди эса ҳар хил бўлмағур хаёллардан озод, елкасидан тоғ ағдарилган кишидек енгил. Ҳовлисидан чиқиб атрофга суқланиб бокди. Тоғ ёнбағирларини ҳисобга олмаганда ҳаммаёқда қор эриган, қишнинг қиличи синиб, баҳор борлиққа ўз ҳукмини ўтказа бошлаганди. Ўрик, шафтоли, олча куртак урган. Бодом гуллаган. Биллурдек мовий осмонда қуёш осилиб тургандек қушларнинг сайраши бирам ёқимли. Кечаси шаррос ёққан ёмғирнинг дарахт шохларида маржондек тизилган томчилари узилиб, қўлмакка тушганида ажиб бир оҳанг кашф этиб, қушларнинг қўшиғига жўр бўлгандек туюларди. Шу тариқа Камолиддин табиат билан сўзлашгандек бўлди. Табиатда тил ҳам, муҳаббат ҳам борлигига иймон келтирди. Бу ажиб тасаввуридан ўзи қувониб кетди. Ҳадемай қишлоқ адоғи кўриниб, Чиганоқ дашти бошланди. Камолиддин дашт орқали Наргиза билан келишган манзилига борарди.

Abdulla Godinij nomidagi
viloyat AKM

- 7 -

INV № 168530-2019

лар солинган қоқма гилам тўшалгандек сержило ва мафтункор. Юзларини мулойим сийпалаб эсаётган ёқимли шабада, ўт-ўлан ҳидлари Камолиддиннинг димоғига уриларди. Қўй-эчкиларнинг маърашига чўпонларнинг “ҳей-ҳей”лаб қўйларни ҳайдаши ҳамоҳанг бўлиб куй мисоли қулоққа чалинардди.

Камолиддин келишилган жойга етиб келди. Бироқ Наргизадан дарак йўқ. Наҳотки келмаса? У ташвишлана бошлади. Лекин безовталиги узоққа чўзилмади. Нигоҳи сўқмоқ йўлдан келаётган Наргизага тушди. Унинг наздида гўё қишлоқ томондан қуёш кўтарилиб оламни нурафшон қилгандек, қалбига илиқлик бахшида этгандек бўлди.

Ошиқ-маъшуқлар қўл ушлашиб Қорадарё билан Наҳрипай туташган сўлим гўша томон боришаркан, эндигина қийғос гуллаган дов-дарахтларнинг таровати уларни ўзига маҳлиё этар, оромбахш шабада силкитиб турган анвойи гулларнинг хушбўй ҳиди сархуш қилар, лойқаланиб оқаётган Наҳрипайнинг шовуллаши қулоқларга роҳат бахш этар эди. Улар бу гўзал ва ажойиб манзарани мириқиб томоша қилишгач, энсиз кўприк устидан Наҳрипайнинг нариги қирғоғига ўтишди. Ва кўм-кўк майса устига жойлашиб олиб сувнинг ўйноқлаб оқишини кузата бошлашди. Камолиддин Наргизага суқланиб боқаркан кўнгли орзиқиб кетди. Гулдор адрасдан одми қилиб тикилган қўйлак ва қизил бахмал нимчада Наргизанинг чиройи соф тилланинг жилоси янглиғ ялтирарди. Бугун унинг кўзлари ўзгача, юзлари шафтоли гулидек нафис, лаблари офтоб ҳароратидан баҳра олиб пишган гилосни эслатарди.

Камолиддин ўрнидан оҳиста туриб жимгина Наргизага яқинлашди ва қўлидан тутди...

Ёзги имтиҳонлар ҳам тугади.

Қизиқ бир ҳолат, мактабни битирган кунийёқ ҳар бир йигит ва қиз яшин тезлигида улғайиб қолади, энди

унинг шўх-шодонлигидан асар ҳам қолмайди. Ҳаёт деб аталмиш бетўхтов оқаётган дарёга тушиб, унда сузиб кўзлаган манзилига етиб бориши учун ўн йил олган билими асқотади. Энди ўқитувчи эмас, улардан ҳаётнинг ўзи имтиҳон олади.

Камолиддин яхши ўқиди. Шу туфайли ҳам Тошкентда олийгоҳга кирди. Наргиза эса қишлоқда очилган компьютер курсида ўқиди. Севишганларнинг ҳижронли кунлари бошланди. Яхшиямки, уларнинг бахтига замонавий қўл телефонлари чиққан. Ҳар куни Наргиза билан Камолиддин “СМС” орқали гаплашиб туришарди. Байрамларни Наргиза сабрсизлик билан кутарди. Сабаби Камолиддин шу кунлари, албатта, қишлоққа келарди.

Дунёда ажиб ҳис-туйғу бор, у ҳам бўлса ҳижрон. Бу туйғу ҳам оғир, дардли, ширин ва тотли. Чунки севган кишингни сабрсизлик билан кутганингда ўтаётган ҳар бир дақиқа асрга тенгдек туюлади. Дақиқа, соат, кун, ойларга чўзиладиган ҳижрон ошиқнинг севгисини мустаҳкамлайди. Унинг муҳаббатини тоблайди. Қизиғи, ҳижрон адоғига етиб, дийдор фурсати етгач, бир зумда соғиниш, изтироб ва қўмсашлар унут бўлиб, айрилиқ азобидан асар ҳам қолмайди. Айниқса, икки севишган қалб узоқ муддатли айрилиқдан сўнг дийдорлашса бутун борлиқни унутиб, бор аламини ҳижрондан олгандек бир-бирига тўймайди. Камолиддин тўртинчи курсни битириб ёзги таътилга қишлоққа келганида Наргиза билан ҳар галгидек Нарпай бўйидаги овлоқ тоқзорда учрашишди ва ёшлик эҳтиросига эрк беришди.

ИСНОД

Тўйчи раис бир ой мобайнида биринчи маротаба уйига кеч кирмай етиб келди. Ҳўжаликнинг юки оғир. Катта жамоанинг уволу савоби унинг гарданида. Тўй-ҳашамми, азами, икки минг хонадоннинг хурсандчилиги, ғам-ғуссасига шерик. Буни турмуш ўртоғи

Рисолатбону ҳам, фарзандлари ҳам яхши билишади. Тўйчи раис ҳар куни хўроз қичқирмасдан эрта тонгда далага чиқиб кетиб ярим тунда ҳориб-чарчаб келади. Уни болалари ойлаб кўрмасди. Фақатгина хотинидан болаларининг хулқи, уларнинг ўқишини сўраб қўярди, холос. Рўзғорнинг барча ташвиши, болаларининг кийиниши, ўқиши, бозор-ўчар, ҳаттоки ҳовлини таъмирлаш ҳам Рисолатбонунинг гарданида. Хамир қориш, нон ёпиш, сигир соғиш, нонушта, тушлик ва кечки овқат тайёрлаш, умуман бор ташвиш унинг зиммасида.

Эрининг бугун барвақт келганидан суюниб, дилида анчадан буён туғиб юрган бир маслаҳатли гапни келишиб олишга ният қилди. Муддаосини айтишда эса қайнонаси Орзи кампирни ишга солди. Кечки овқат еб бўлингач, дастурхонга фотиҳа ўқилди. Болалар бирин-кетин ўз хоналарига кириб кетишди. Боғ ўртасида қўйилган чорпояда Тўйчи раис, унинг онаси, турмуш ўртоғи чой ичишиб, қишлоқдаги янгиликлар, қўшнилар тўғрисида суҳбат қура бошлашди. Шу пайт Орзи кампир гап бошлаб қолди.

– Ўғлим, менинг тўрт кунлигим борми-йўқми, уни яратган билади. Бир оёғим уйда, бир оёғим гўрда. Бир кун соғ бўлсам, уч кун касалман. Худога шукур, берган ёшига шукур. Мен ҳам неvara келин кўрсам, эварамнинг жажжи овозини эшитсам, армоним қолмасди. Пишган мевани вақтида узмасанг, шираси кетиб, мазаси йўқолади. Камолиддиннинг ҳам мўйлаби сабза уриб навқирон йигит бўлиб қолган. Дам ғанимат, фурсат ғанимат. Ўлимдан олдин ҳамма ишни эртаси яхши. Тўй қилиб неварамнинг орзу-ҳавасини кўзим тириклигида кўрай дейман-да. Мени десанг Камолиддинни уйлантирасан. Келиним Рисолатбонуни ҳам қўли бўшайди. Йўқ дема, тўй билан иморатникини Худо беради.

Тўйчи раис ҳайрон бўлди. Вақтнинг ўтишини қаранг, кечагина пилдираб юрган болакай бугун куёв-

ликка лойиқ бўлибди. Иш билан бўлиб сезмаган экан. Онасининг гапини сукут билан эшитиб, хотини Рисолатбонуга юзланди.

– Камолиддин тенгиларнинг ҳаммаси уйланди, болалик ҳам бўлишган. Ўғлингиз тўртинчи курсни битириб, хўжаликка амалиёт ўташ учун йўлланма олиб келибди. Етти ой шу ерда бўлади. Йўқ деманг, ўғлингизни уйлантирайлик. Томдан тараша тушгандек ҳеч кутилмаганда бу гап уни ўйловга солиб қўйди. Анча сукутдан кейин оҳиста гап бошлади.

– Камолиддинга келин ҳам топиб қўйгандирсизлар?

– Ҳа, Ҳайдар новвойнинг қизи Сайёра жуда одобли, тарбияли, ўн қўли ўн хунар. Чиройи ҳам кам эмас. Тагли-тугли, иймонли оила. Ота-онасининг ҳам зоти-зурриёти яхши. Қишлоқдаги обрўли оилалардан бири. Шунини кўз остимга олганман. Розини бўлсангиз, шу хонадонга оғиз солсам.

Бу гап раисга ҳам маъқул тушди.

– Ҳайдар новвой ориятли, сахий, қўли очиқ, бамаъни одам. Оиласи меҳнаткаш, ҳалол. Қишлоқнинг яхши-ёмон кунини ўзини ҳеч қачон четга олмайди. Менга маъқул.

– Сизлар топган келинларингиз куёвтўрага маъқул тушармикан? Ахир яшайдиган у-ку!

– Қайси бир замонда ота ўғлидан сўраб иш қилган, – деди Орзи кампир. – Камолиддин ҳали паст-баландни, яхши-ёмонни, одамларнинг насл-насабини қаердан билсин? Зар қадрини заргар билади, чилангар қаердан билсин? У ҳали одам танигунича етти қовун пишиғи бор. Ҳар қандай йигитни ҳам бошини иккита қиламан, де, қалпоғини осмонга отади. Сенда кўрдим ўғил билан маслаҳат қилишни. Раҳматли отанг ҳеч кимдан сўрамай Рисолатбонунини келин қилганди. Ёмонлик кўрдингми? Ҳозиргиларга ҳайронман! Қиз билан йигит уч-

рашсин, кўнглига қараб иш қилайлик, севишган экан, севганига берамиз деб расво қилишди. Насл-насаби, етти пушти, зоти-зурриётини сўрамай қўйишди. Севишган деб навини сўрамай, ёш новдаларни хор қиямпиз. Ўлдим-куйдим деб турмуш қурган севишганлар икки кун ўтмасдан безор бўлиб, бир-бирини отишга ўқ тополмай ажрашиб кетишяпти. Илгари бундай эмас эди. Зотида банги, ўғри, қаллоб, бемор бўлса, бошқача айтганда, мохов бўлса қиз ҳам олишмасди. Йигитни ҳам унаштирмасдилар. Бугун фарқи қолмади. Севги деган бало қаердан чиқди ўзи? Бизлардан ҳеч ким сўрагани йўқ “Фалончига тегасанми?” деб. Отанг раҳматли билан эллик беш йил умргузаронлик қилдик. Бирор маротаба сан-манга борганимиз йўқ. У эрлик вазифасини, мен хотинлик вазифамни ҳалол бажардик. Эр ярим пир деб билиб унинг ҳурматини жойига қўйиб яшадим, ундан бесўроқ отамникига бормаганман. Ҳозиргиларни эса тили бир қулоч, оёғи олти. Ҳафта ўтмай ота-онасиникига йўл олади. Ношуд ота-она ҳам бунча серқатнов бўлдинг деб дашном бермайди. Чиққан қиз чиғириқдан ташқари. Отангнинг ҳовлисида қадам босиб чиқдингми, энди сен отангнинг хонадонида бегонасан. Келин бўлиб тушган жойинг сен учун бир умрлик муқаддас маскан. Шунинг учун ҳам “Тушган жойингда тош бўл, болам” деб айтишади.

– Онажон, ҳозир замон бошқа, илгариги вақтлар ўтиб кетди. Ёшларни олдидан ўтиш керак, эртага улар биздан домангир бўлмасин.

– Замонга ҳеч нима қилгани йўқ. Ҳамма бало одамларнинг манманлигида, билганингни қил, ҳозиргиларга гапир-у, қоч. Саксонга сабоқ, тўқсонга товоқ беришадди, – деб фотиҳа ўқиб Орзи кампир жаҳл билан чорпоядан тушиб кетди.

– Рисол, ўғлинг уйдаими? Чақир! Онамнинг гапи тўғри, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи у туғил-

гандан кейин яхши исм қўйиш, билим бериш, суннат қилиш, уйлантириш каби мажбуриятлар бор. Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин. Оталар зиммасидаги ана шу муқаддас вазифани айримлар унутиб қўйишяпти. Вақтида Камолиддинни бошини иккита қилиб қўяйлик!

Боғ ўртасида қўйилган чорпояга Камолиддин секин келиб ўтирди.

– Қалай, ўғлим, амалиётни энди бошлайсанми? Илм бошқа, амалиёт бошқа, улар ака-укадек. Бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Энди сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг. Ҳаётнинг ўз қонуни бор, вақти-соати етгандан кейин ҳар бир йигит-қиз турмуш қуриши керак. Биз катта энанг, онанг билан келишиб, сени уйлантиришга қарор қилдик.

– Ҳайдар новвойнинг қизи Сайёрага, – дея гапга аралашди Рисолатбону. – Кўҳликкина, меҳнаткаш қиз. Қишлоқда ўнта бўлса, биттаси. Хўп десанг совчиликка борамиз!

Қўққисдан, ҳеч кутилмаганда айтилган онасининг бу гапи Камолиддинни довдиратиб қўйди. Нима дейишни билмай анча сукутга кетди. Шу дам ҳовлининг тўрида “Оямулло, оямулло” деган овоз суҳбатнинг бе-лига тепди.

– Тур, қара, Найман қишлоқдаги лўли келди, чоғи. Гапни чувалатмай нонми, ширинликми бериб, тезда изингга қайт, – деб Тўйчи раис хотинига буйруқ қилди.

– Лўлилар ҳам худонинг бандаси. Улар тинч-тотув хонадонга келишади. Берадиган арзимас эҳсон учун. Шу ҳовлининг эгаси, моли-ҳолига сиҳат тилаб дуо қилишади, – дея ўзига-ўзи гапириб Рисолатбону овоз чиққан томон йўл олди...

– Оғзингга талқон ютганмисан дейман? Розимисан ёки йўқми, бир гапингни айт! – деди лўлиларни жўнатиб келган Рисолатбону.

Камолиддин икки ўт орасида қолган эди. У ота-онасига Наргиза билан бўлиб ўтган воқеани қандай қилиб айтиш йўлини билмай эзиларди. Бор ҳақиқатни айтса, отасининг жаҳли тез, уриб юбориши ҳеч гап эмас. Онаси ҳам жим турмаса керак. Лекин бор гапни айтмаса бўлмайди. Чунки ғишт қолипдан кўчган. Ҳаё онасига қора чизик тортилган, у синган. Уни ямашнинг иложи йўқ.

Камолиддин анча сукутдан кейин ўзида куч топиб секингина ерга қараб сўз қотди.

– Сайёра яхши қиз, уни биладан, лекин мен кўшни кўчада яшайдиган синфдошим Наргизани яхши кўраман. Аҳдлашиб қўйганмиз! Биринчи синфдан биргамиз.

– Ким дединг, ким? Нариги кўчада яшовчи Ойша ўйинчининг қизи эмасми сен айтадиган Наргизанг, – дея худди омборга ўт тушгандек жаҳл билан гап бошлади онаси Рисолатбону.

– Ҳой, бола, эсингни еганмисан? Унинг оиласи, онасининг қанақалигини бутун қишлоқ билади-ку! У шаҳардаги эрига хиёнат қилиб, Акрам магазинчига иккинчи хотин бўлиб тегиб, шу қишлоққа келиб қолган. Акрам магазинчи шу ҳовлини олиб бериб хотин қилмоқчи эди. Лекин букрини гўр тўғрилайди деганларидек Ойша ўйинчи суюқоёқлик қилиб тўйларга чиқиб бор нағмасини кўрсатди. Шундан кейин Акрам магазинчи уни ташлаб кетди. Насл-насабининг тайини йўқ ўйинчининг қизини икки дунё бир бўлса ҳам олиб бермайман. Хаёлингга келтирма, – дея жаҳл билан гапирди онаси.

– Сенда ор-номус, ғурур борми ўзи? Мени исноддан ўлдирасан-ку! Бадбахт! – дея зарда билан гап бошлади Тўйчи раис. – Икки қулоғинг билан эшит, халқимизда бир гап бор: “Онасини кўр, қизини ол, милкини кўр, бузини ол”. Ақл-хушинг жойидами ўзи? Қишлоқда шунча

қиз туриб, сенинг ишқинг келиб-келиб шу манжалақининг қизига тушдими? Осмон узилиб ерга тушса ҳам сенга Ойша ўйинчининг қизини олиб бермайман! Ота рози, Худо рози. Агар айтганимни қилмай, ўйинчининг қизини оладиган бўлсанг, у дунёю бу дунё сендан рози эмасман. Ахир ўйлаб кўр, қишлоқда нима деган одам бўламан мен. Бошимга қалпоқ кийиб, белимга белбоғ тақиб юрибман. Айтганимни қилмасанг, сендек ўғлим йўқ! Оқ қиламан сени.

Вазият бундай кескин тус олишини билмаган Камолиддин ўзини йўқотиб қўйди. Тили калимага келмай қолди. Бу ҳолатдан қандай чиқиш йўлини излай бошлади. Чўкаётган одам хасга ёпишади деганларидек, ноилож қолган Камолиддин Наргиза билан ўзининг ўртасида бўлган яқинликни айтмасдан бошқа иложи қолмади.

– Йигитман, ваъдамга вафо қилишим керак! Хоҳлайсизларми, йўқми, Наргизага уйланаман. Уни севаман, у ақлли қиз. Онаси билан нима ишим бор? У ўз йўлига. Лафзимдан қайтолмайман. Уйланиш керак бўлса, фақат Наргизага уйланаман. Эртага фарзандим туғилса, уни етим қилиб қўёлмайман, виждоним чидамайди, илтимос, мени тушунинглар.

Етти ухлаб тушига кирмаган бу воқеа Тўйчи раисни ҳам, Рисолатбонуни ҳам гангитиб қўйди. Ақлли, эсли-хушли ўғлининг бу қилмиши ота-онани бепичоқ сўйиб чалажон қилиб қўйди. Воқеадан хабар топган Орзи кампирга худо куч-қувват бердими, шахт билан ўз хонасидан чиқиб боғда ўтирган Камолиддиннинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

– Уятсиз, беҳаё! Ахир бизларни тириклайин гўрга тикдинг-ку, жувонмарг. Шунчаликка ҳам борасанми, йигит ўлгур, – дея жазаваси тутди Орзи кампирнинг. Етти пуштимга ўт қўйдинг-ку! Оқ бошдан ўтин, саёқ юрган хотиннинг қизидан келин чиқмайди. Отангинг

обрўйини ўйламадингми? Раис деган номи бор. “Танлаб-танлаб тозига учради” деб қишлоқ одамлари отангининг устидан кулмайдими? Қуриб кетгур, орқа-олдингга қараб қиз танламайсанми? Иснодга қолдирдинг оиламизни.

– Эна, севгининг кўзи кўр! Мен Наргизани севсам нима қилай? Бошқасини тасаввур ҳам қилолмайман. Агар қайта туғилсам яна Наргизани танлардим.

– Ойша ўлгур йигитни иссиқ-совуқ қилибди-да. Жодугар! Унинг қўлидан келади. Келин, оғзингни очма, Калкўрғонда Ўлмас мулла бор. Нафаси ўткир, эртага унга бориб дам солиб қайтарма қил, – дея Орзи кампир келинига буйруқ қилди.

Бўладиган бу машмашадан бошини ушлаб қолган Тўйчи раис вазиятни ўнглаш учун мурасага ўтди.

– Ўлимдан бошқасининг йўли бор, иложини қилса бўлади. Онасини гапга оламиз. Ўйинчи, отарчи аёлнинг худоси ҳам, пайғамбари ҳам пул. Қизини кўндир, қанча кетса ҳам, майли. Уят ўлимдан қаттиқ. Давлатим кетса-кетсин, обрўйим кетмасин. Сен эртага Тошкентга жўна. Муаллимнинг билан гаплашиб амалиётни бошқа вилоятга ол! Тушундингми?

– Йўқ, ғирромлик қилолмайман. Севгимга хиёнат қилмайман ўлдирсангиз ҳам. Овора бўлманг!

– Охирги гапинг шуми? Ўғлим, ҳаёт сен ўйлагандек, ҳинд фильмларидек эмас. Азал-азалдан ота-боболаримиз тенг тенги билан, тезак қопи билан деб беҳуда айтишмаган. Бир кун келиб бу қилган ишингдан афсус қиласан. Кейинги пушаймон ўзингга душман. Ҳеч қачон беда экиб, шоли ололмайсан. Ёшлиқ қилаяпсан. Бир марта хато қилдинг, иккинчи хатога йўл қўйма. Олма олмадан узоқ тушмайди. Икки қулоғинг билан эшит! Бўрининг боласи бўри бўлади, лекин шер бўлиб туғилмайди! Майли, билганингни қил. Лекин менинг ҳовлимда тўй бўлмайди. Қаерда ким билан тўй қиласан,

бу – ўзингнинг ишинг. Эсингда бўлсин, отанинг қарғиши ўқ. Бир кун эмас бир кун буни исботини кўрасан.

– Қарғиш олган боланинг икки дунёда ҳам косаси оқармайди. Дуо билан кўкарасан, қарғиш билан сўласан, – дея Орзи кампир набирасига гапириб, уни шаштидан туширмоқчи бўлди. Йўқ, фойдаси бўлмади. Шунда Орзи кампир бир ҳикоятни набирасига сўзлаб берди. Ёш йигит дунёдан ўтибди. Уни қўни-қўшнилари дафн этиб келишибди. Шу кунгача йигитнинг гўридан тинмай олов чиқармиш. Буни кўрган гўрков бу не сир-синоат деб маҳалла домласига мурожаат қилибди. У киши ҳам бундан ҳайрон бўлиб, “Қани, гўрига сув сепинглар, унда ҳам ўчмаса тупроқ ташланглар”, деб маслаҳат берибди. Домулло айтганини қилишса ҳам гўрдан чиқаётган олов кучайса-кучайибдики, лекин пасаймабди. Шунда қишлоқда яшаётган диний билим соҳиби донишманд кекса чолга маслаҳатга келишибди. Қария вафот қилган йигитнинг маҳалласидаги оқсоқол бир кишини топиб келишни буюрибди. Донишманд чолнинг айтганини қилишиб, шу кўчада яшайдиган бир мўйсафидни олиб келишибди. Кўпни кўрган зукко қария қазо қилган йигитнинг хулқи, оиласидаги муҳити, ота-онаси ҳақида батафсил гапириб беришни илтимос қилибди.

– Топиш-тутиши яхши эди йигитнинг. Лекин хотинининг гапига кириб, онасини беҳурмат қилар, ҳаттоки бир куни унга қўл кўтариб урганди ҳам. Муштипар она шундан дили қавариб, кўч-кўронини олиб қариндошлариникига кетибди. Шунда ҳам нодон ўғил онасидан хабар олмабди. Энг ёмони, бир кун келиб отамдан қолган бойликни бер деб кампирнинг ўлимлигига деб йиғиб қўйган пулини олиб кетибди. “Берган сутим кўр қилсин, у дунёю бу дунё куйиб ўтмасанг, рози эмасман” деб қарғаган экан...

– Бўлди, гўрда оловнинг ўчмаслигининг сабабини билдим. Ўша кампирни топиб, қабристонга олиб бориб

ўғлининг гуноҳидан ўтишини сўранглар. Агар онахон ношуд ўғлининг қилмишини юрагидан чиқариб дуо қилса, олов ўчади. Агар дуо қилмаса, у ўчмайди.

Худди шундай иш тутишибди. Онахоннинг хузурига бориб вазиятни тушунтиришибди. Лекин нафсонияти топталган, хўрланган, ўз фарзандидан таёқ еган кампир кечиришни хоҳламабди. Шунда “Агар сиз ўғлингизнинг гуноҳини кечирмасангиз, абадул-абад олов ўчмайди”, дейишибди.

Онахон фарзандининг гуноҳини кечириб, сидқидилдан дуо қилган экан, шу заҳоти гўрдаги олов ўчибди... Бу ривоят, лекин унинг замирида ҳақиқат бор. Майли, қўшганинг билан қўша қари. Ҳаёт сеники, лекин бир нарсани унутма, рози-ризалик билан қилинган иш хайрли бўлади. Авваламбор, нафсингни тиймай гуноҳ иш қилдинг, иккинчидан, ота-онангни рози қилмай уйланыпсан. Бир кун келиб бу маҳмадоналигининг жабрини тортасан.

ЎЛЖАНИ ҚЎЛДАН ЧИҚАРМА, ҚИЗИМ!

Наргиза ҳақиқатан ҳам ўйинчи Ойшанинг қизи эди. У онасининг ўтмишидан хабардор бўлса-да, лекин туққан онадан ҳеч ким ҳали юз ўгирмаган. Ойшанинг онаси татар, отаси ўзбек эди. Унинг отаси Рустам таксичи бўлиб одамларнинг хизматида бўлган инсон эди. Темирйўл вокзалининг ресторанида официантка бўлиб ишлайдиган Ойшанинг онаси Равила ҳар куни ишдан кеч қайтарди. У шаҳарнинг бир чеккасида яшаганлиги учун мажбур бўлиб машина ёллаб уйига етиб борарди. Рустам ҳайдовчи асосан кечқурун кира қиларди. Шаҳарга келган меҳмонларни манзилига етказиш, саёҳатга кетаётганларини темирйўл вокзалига олиб бориб қўярди. Ана шундай кунларнинг бирида Рустам ҳайдовчи официант Равила билан топишди. Аввалига дўстликдан бошланган муносабат севгига айланиб,

улар бир-бирисиз яшай олмай қолишди. Рустам қишлоқдаги икки боласи билан хотинини ташлаб Равиланикига кўч-кўрони билан кўчиб келди. Улар никоҳ ўқитиб эр-хотин бўлишди. Ўртада Ойша туғилди. Ойша она меҳрига, отасининг эркалашларига зор бўлиб ўсди. Чунки онаси Равила официанткалиги учун ҳар куни эрта тонгда кетиб, ярим тунда ишдан қайтарди. Отаси Рустам тонг отгунча ишлаб, куни билан уйқуни урарди. Ёлғиз қизалоқ ўз ихтиёри билан ўсиб, уни тергайдиган бирор киши бўлмагани учун хоҳлаган иши билан банд бўлиб кунини ўзи билганича ўтказарди. Дунёда бекорчиликдан мудҳишроғи йўқ. Барча безориликнинг онаси бекорчилик. Ойша ҳам бекорчилиги учун маҳалладаги тарбияси бузуқ болаларга қўшилиб мактабга ҳам ёлчитиб бормай, кунини кўчада ўтказарди. Қизининг тарбияси билан мутлақо қизиқмаган Равила ўн олти ёшда ҳомиладор бўлиб қолган Ойшани беҳаёликда айблаб, уни ҳовлисида ҳайдаб юборди. Ойша Асад исмли йигит билан ўйнаб қўйгани учун уникага беникоҳ, бетўй, зўравонлик қилиб кириб яшай бошлади. Орадан кўп ўтмай Наргиза дунёга келди. Буни қарангки, янги келган чақалоқнинг кўзлари шахло, кун деса кун, ой деса ойдек чиройи бор эди. Табиат ундан ҳеч нарсани аямаганди. Энди тили чиқиб, юришни ўрганганидан сўнг Ойша боласини қайнонасига ташлаб, банги эри Асад ҳеч қаерда ишламаганлиги учун, рўзгор ўтказиш учун тўйларга чиқа бошлади. Ҳарқалай асосан кўчада эмин-эркин ўсган Ойша янги касбга тезда мослашди. Ўз чиройи, кўз сузиши, қош ўйнатиши, жилваси ва мақоми билан ҳар қандай эркани ўзига асир қилиб мафтун этарди. Пул ўлсин. Аста-секин тўйларда айрим ношуд одамларнинг хунук қилиғи, ароқ солинган стаканга пулни қистириб, аввал ўйинчига ароқ ичишни мажбур қилар, ундан кейин унга пул тутқазарди. Бора-бора Ойша ароқ ичишга ўрганиб қолди. Ойшанинг

жазманлари кундан-кун кўпайиб борди. Ойша шаҳарда ном чиқарган Акрам магазинчининг қўйнида ётганида эри Асад уни ушлаб олди. Ойшани соғ жойи қолмагунча роса дўппослаб, ёш қизи Наргиза билан кўчага ҳайдаб чиқарди. Ана шунда Акрам магазинчи одамгарчилик қилиб кўчада қолган Ойша ва унинг қизи Наргизани қишлоқдан ҳовли сотиб олиб берди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек Ойша ўтаётган кунига шукур қилмай тўйларга чиқиб, яна енгилеҳлик қилаётганлигидан хабар топган Акрам магазинчи ҳовлини унга ташлаб кетди, қайтиб қорасини кўрсатмай қўйди...

Бугун эса Наргиза билан Камолиддин ўртасида бўлиб ўтган номаъқул ишдан хабар топган Ойша ўйинчи қизини пухталай бошлади.

- Ўтган ишга саловат. Хушторинг раиснинг ўғли экан. Бу ёғига маҳкам бўл. Камолиддинни маҳкам ушласанг, ҳеч қаерга боролмайди. Ҳамма гап сенда.

- Нималар деяпсиз, ойи? Биз Камолиддин билан бир-биримизни севамиз. Менсиз у, усиз мен яшаёлмайман. Унинг айтишича, уйдагилари рози бўлишмабди. Қийин бўлса ҳам шаҳарда бирор-бир уйни ижарага олиб яшамоқчимиз. Тўғри, у ҳали ўқийди. Бир иложини қилармиз, мен ишларман, эртага она бўламан, ахир...

Наргизанинг кундан-кун кўйлаги торайиб, одамлардан қочадиган бўлиб қолди. Улар ҳар куни ўзларининг овлоқ жойида учрашар, Камолиддин уйидаги гапларни унга айтар, Наргиза эса кундан-кун бола каттараётганини унга ҳасрат қиларди. Бунини қарангки, уларнинг хуфия учрашувлари қишлоққа ошкор бўлди. Ёшлар қандай йўл тутишни билмай гангиб қолишди.

СУЛТОН СУЯГИНИ ХҲҲҲҲҲҲҲҲ

Камолиддин билан Наргизанинг муносабати бутун қишлоққа аён бўлди. Илгари чекка-чеккаларда одамлар бир-бири билан шивирлаб севишганларни муҳокама қилиб юрган бўлсалар, энди бу мавзунинг тагига олов ёқиб, аланга олдирдилар. Ҳаммадан ҳам қишлоқда гап яшин тезлигида тарқалади. Бекорчиликдан ахборотчиликни касб қилиб олганларга худо беради. Шими чиқса бўлди, бас. Унга кўйлак-иштон кийгизиб, ёлғонни чиндек, чинни кўпиртириб роса олиб қочишади. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек Наргизанинг ҳомиладорлигидан энди ҳамма хабар топди. Давраларнинг тўрида ўтириб кўпчиликка гап бермайдиган, кимсан Тўйчи раиснинг онаси қулоғига ҳам бу гаплар етиб келди.

– Ўғлим, ҳар қанча қилса ҳам пушти камарингдан бўлган фарзандингни боласи бўлади? Бош ёрилса дўппи остида. Тўй қилиб бермасанг, шарманда бўламиз. Бўлган иш бўлган, осмон баланд, ер қаттиқ. Боланг қилғиликни қилиб қўйган, энди иложинг йўқ. Яратган эгамнинг хоҳиши шу бўлган. Болангнинг уволига ҳам, савобига ҳам сен шериксан. Элга бошсан, йўқ дема, жон болам. Айтганимни қил. Эртага совчи юбор. Расм-русумини қил. Одамзот бир марта дунёга келади. Ҳамманинг ҳам орзу-ҳаваси бор. Майли, ўқимасин. Ҳар ким табиати тортган овқатни ейди. Ўғлингнинг ишқи шу қизга тушибдими, наилож. Ўзи пиширган ош, айла-ниб ҳам, ўргилиб ҳам ичаверсин. Шаҳзоданинг ишқи қурбақага тушган экан. Ҳаёт-да бу, ўғлим. Ўйланма, тўйни қил. Ахир ўртада бегуноҳ гўдак бор. У сенинг зурриёдинг, одамлар гапирса гапирар. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Дунёда увол, савоб деган нарса бор. Яратган эгам кўриб турибди. Билатуриб жабр қилиш энг катта гуноҳ. Бизнинг авлодимиздан ҳалигача

ғирром ва номард киши чиқмаган ва чиқмайди ҳам. Бу даргоҳдан ҳеч ким норози бўлмаган... Тўйчи раис оро йўлда қолди. Нима қилишни, қандай иш тутишга ҳайрон. Наҳотки, ақлли, эсли-хушли ўғли шундай номаъқулчиликка қўл урган бўлса. Хом сут эмган банда-да дея ўзига таскин бериб ҳақиқатан севгини кўзи кўр-да, деб қўйди. Наргизанинг онаси Ойша ўйинчини бутун қишлоқ билади. Наҳотки шуни ўғли билмаган бўлса, ҳаммадан ҳам хотини Рисолатбонуга қийин бўлди, у бу гапни эшитиб бир кунда сўлиб қолди. Эркалатиб, ардоқлаб ўстирган Камолиддин қовун тушириб қўйди. Катта ўғли Достоннинг қайнота ва қайнонасининг олдида нима деган одам бўлади? Келиб-келиб энди Ойша ўйинчи билан қуда бўладими? Ёру биродарлари, қўни-қўшнилар нима дейди, ахир. Ана шуларни ўйлаб тўй ҳақидаги гап чиққан кунидан икки ҳафта ичида ўзини адои тамом қилиб озиб-тўзиб кетди. Кечалари ухлай олмай тунни бедор ўтказа бошлади.

Энг ёмони, Камолиддин уйидагилари билан чаппа тескари бўлиб қовоғидан қор ёғиб бағри-дили очилмай қолди. Наҳотки, уни ҳеч ким тушунмаса! Ахир дунёда севги деган муқаддас туйғу бор-ку! Унинг онаси зот-зурриёти билан нима иши бор? У Наргизани севади. Ана шунинг ўзи кифоя. Бошқа нарса уни қизиқтирмайди. Қассобга мой қайғуси, эчкига жон қайғуси деганларидек Камолиддиннинг севгилисининг дийдори-га етишдан кўра бошқа дард-алами, ташвиши йўқ.

Охири Тўйчи раис таслим бўлди, тақдирга тан берди. Оиланинг иккинчи фарзанди Камолиддин билан Наргизанинг тўйини қилиб беришдан бошқа иложи қолмади...

ШУМОЁҚ КЕЛИН

Инсоннинг кўнгли нозик. У дарз кетса, уни тўғри-лаш қийин. Игна билан қудуқ қазсанг ҳам, хафа қилган одамингнинг кўнглини ололмайсан. Янги келинни Тўйчи раиснинг оиласи хушламай кутиб олди. Ҳарқалай ёшларнинг сабрсизлиги туфайли муқаддас урф-одатимизга тўғри келмайдиган аҳвол рўй берган эди. Келиннинг ҳомиладор бўлиб куёвникига келиши, айниса, қишлоқ жойда ноодатий бўлиб, у катта гуноҳ ҳисобланарди. Шу туфайли ҳам қайнона ва қайнотанинг Наргизага муносабати ҳаминқадар эди. Лекин ёшлар бахтли эди, улар бир-бирининг висолига етганлари, кўп йиллик орзулари рўёбга чиққанлигидан бениҳоя хурсанд эдилар. Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам деганларидек, уйдагиларнинг уларга бўлган муносабати уларни заррача ташвишга солмасди. Ёшлар севги оғушида маст эдилар.

Буни қарангки, ҳеч кутилмаганда тўйдан бир ой ўтгач, “пахта иши” деган машмаша бошланди. Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Пахта ишининг вабоси қишлоққа ҳам етиб келди. Ярим кечада юзларига ниқоб кийиб олган барзангилар Тўйчи раисни қўлига кишан солиб олиб кетишди. Унга терговчи нима деса имзо чекасан, бўлмаса, бу ердан ўлигинг чиқади, деб ҳар куни пўписа қилишарди. Хизматга тухмат деганлари шу бўлса керак. Туну кун даладан бери келмаган, уч-тўрт ойлаб болаларини кўрмаган, ҳафталаб оёғидан этигини ечмай на ётиш, на ейишида ҳаловати бўлмаган раис билан бирга қамалган бош ҳисобчи ва хазиначини ҳам барзангилар тинч қўйишмади. Берилган зарбанинг оғриғига чидолмай:

– Ака, бу кетишда бу ердан ўлигимиз чиқади, райкомга бир миллион сўм пул бердик, – деб ёзиб берайлик.

– Худодан кўрқмайсанми, номард. Қандай қилиб бировга туҳмат қиласан. Эртага виждонинг олдида қандай қилиб жавоб берасан? Кўра-била туриб бировга жабр қилиш энг катта кечирилмас гуноҳ-ку! Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ.

Тўйчи раиснинг хотини Рисолатбону ва онаси Орзи кампирни эринг ўжарлик қилиб, кўрсатма бермаяпти, деб ҳибсга олиб, қийноққа солишди. Марказдан келганларнинг хушомадгўйлари тилло, пулларни топиб бер, деб қари кампир ва унинг келини Рисолатбонуга қўл кўтариб, юз-кўзини кўкартириб юборишди.

– Одам боласимисан? Бизда пул, тилло нима қилсин? Сени ҳам она туққан-ку! Шунчалик ҳам бераҳм бўласанми? Саксонга кирган кампирнинг гапига ишонмайсанми? Худонинг қаҳрига учрама. Қилаётган жабр-ситамингнинг бир кун жавоби бўлади. Афсуски, Орзи кампирнинг айтган гаплари терговчига заррача ҳам таъсир қилмади. Рисолатбону билан Тўйчи раисни юзлаштиришди. Хотинининг аҳволини кўриб раис айбини бўйнига олса, деб ўйлашган эди.

– Дадаси, ўзингизни тутинг, ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди. Бу кунлар ҳам ўтади.

Рисолатбонунинг аҳволини кўриб Тўйчи раис қуюшқондан чиқиб кетди.

– Эркакмисан, хотин кишига ҳам қўл кўтарасанми, номард, мараз, – деб Тўйчи раис ўзи ўтирган курсини олиб терговчига қараб улоқтирди. Бир зумда тўс-тўполон бўлиб кетди. Навбатчиликда турган соқчилар югуриб келиб раиснинг қўлини қайириб, йиқитиб, аямай дўппослаб тепа бошлашди. Боши қонаган терговчи ваҳшийлашиб деди:

– Энди бошингга ит кунини соламан, турмада чиритаман сени. Сичқоннинг инини минг тангага сотиб оласан, ифлос.

– Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор, бошга тушганини кўз кўради. Нима қилсанг мени қил, онам билан хотинимга нима дейсан, хумпар? Марказдан келганлар ҳам кетар, сен шу ерда қоласан. Уларга ҳам, сенга ҳам боққан бало бор. Шу гапим эсингда бўлсин.

Эрини дўппослашаётганини кўриб чидай олмаган Рисолатбону соқчиларга ташланиб, уларнинг юз-кўзини юлиб, стол устида турган чойнакни олиб терговчининг юзига қараб отди.

– Олиб чиқ бу ваҳший эр-хотинларни, – деб бақирди терговчи.

Орзи кампир қамоқдан чиққандан кейин узоққа бормади. Ўғлининг ғам-аламини кўтаролмай, ор-номуси топталганига чидай олмасдан вафот этди.

Рисолатбону ҳам дардманд бўлиб қолди. Чап қўли билан оёғи ишламай “Инсульт” деган дардга гирифтор бўлди. Одамзотнинг ҳаёти ҳам худди йилнинг тўрт фаслига ўхшаркан. Шодлик ҳам, ғам-ташвиш ҳам бир келса қўшалок келаркан.

Терговчи айтганини қилиб Тўйчи раиснинг бошига итнинг кунини солди. Турмада махсус маҳбусларни жазолайдиган, ҳеч қандай шарт-шароити йўқ қарцерга ташлашди. Даҳшатлиси, ярим тунда бақувват йигитлар келиб, уни ўлакка қилиб роса дўппослашарди.

– Райком Тошмурод Қаландаровга колхознинг касасидан беш минг сўм ёзиб бер – олам гулистон. Нима кетади сендан? Ёзиб берсанг ҳам, ёзиб бермасанг ҳам райкомга нақд ўн беш йил, ўзингга осон бўлади.

– Биламан, сен шўрликка ҳам қийин, агар катталарингни айтганини қилмасанг, лавозимингдан айриласан, сендақалар учун лавозим ор-номусдан ҳам, қонундан ҳам, ҳаттоки иймондан ҳам устун. Сендақалар ҳали кўзи очилмаган мушук боласидек унга ёпишиб олгансанлар. Гўё сизларни лавозимларингдан олишса осмон узилиб, сизларни босиб қоладигандек. Бировга туҳмат

қилмайман, мени Бухоронинг минорасидан ташласан-гиз ҳам ёлғон гувоҳлик бермайман.

Бу гапни эшитиб, терговчи ҳам ғазаб тўнини кийиб унинг юз-кўзига ура бошлади.

– Худодан эмас, мендан қўрқ, ахир шўрингга шўрва тўкилади-ку! Бўлмаса ўлигинг қамоқдан чиқади. Омон қайтишинг гумон. Худо дейсан, ёрдам берармикан ўша худойинг? Сен учун мен худоман. Истасам бор қиламан, бўлмаса йўқ қиламан.

– Худога шак келтирма. Ҳаддингдан ошма. Сен ҳам оқ сут эмган бандасан. Бу дунёда ҳамма нарсанинг жавоби бор.

– Ёзмайсанми, ўзингдан қўр. Айтганимни қилмади деб протокол тузаман.

– Билганингни қил. Мен виждонимга қарши бормайман.

Тўйчи раис ҳам қамоқдан чиқиб яримжон бўлиб қолди. Дард филни ҳам пашша қиларкан. Узун бўйли, басавлат Тўйчи раиснинг ўтган икки йил ичида аввалги гавдасидан асар ҳам қолмаганди. У озиб-тўзиб кетди. Унинг виждонини бир нарса кемирарди. Қамоқдалигида у учун азият чекиб, шаъни топталиб, ноҳақликларни кўтара олмай дунёдан ўтган онасини ўйлаб эзиларди. Онаси қишлоқдаги аёлларнинг маликаси эди. Узун бўйли, қош-кўзи қоп-қора, нақш олмадек юзи, унинг ёнидаги холи бир чиройига ўн чирой қўшиб турарди. Бамаъни, ақлли ва доно, ўз обрў-эътибори билан ҳурмат топган аёл эди. Онасини охирги йўлга кузата олмаганидан армонда эди. Устига-устак Тўйчи раиснинг турмуш ўртоғи Рисолатбону ҳам бедаво дардга дучор бўлиб қолди. Ўзининг ҳам қон босими кўтарилиб, бош оғриғи тез-тез хуруж қиладиган бўлиб қолди. Шундай пайтларда дўсти Акрам самоварчи:

– Полвон, уят бўлади, бу ётиш сенга ярашмайди, – деб уни ҳар куни чойхонага олиб чиқиб кетарди.

Акрам самоварчининг холасининг қизи Рисолатбону унинг хотини эди. Бошқача айтганда Тўйчи раис Акрам самоварчига почча эди.

Рисолатбону ёшлигида жуда чиройли қиз эди. Қишлоқда унга ошиқ бўлмаган йигитнинг ўзи йўқ эди. Рисолатбону босиқ, қатъиятли, одоб-ахлоқи билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган қиз эди. Ҳаммаси ўша мактабда ўтган адабиёт кечасидан бошланди. Мактабнинг ўнинчи “А” синфнинг сардори Тўйчи бўлса, тўққизинчи “Б” синфнинг сардори эса Рисолат эди. Беллашув кескин ўтди. Мушоирада иккала синфнинг ўқувчилари бўш келишмади. Ҳайъат аъзолари баҳолаш ва ўрин беришда иккиланиб қолишди. Чунки кучлар тенг келган эди. Шунда ютуқни қўлга киритиш раисларга боғлиқ бўлиб қолди. Ким кўп шеър ва ғазал айтса, ғолиблик ўшанга насиб этарди. Айтишув тўхтовсиз бўлди. Гарчанд бир синф паст бўлса-да, Рисолатбону бўш келмай Тўйчидан устун кела бошлади. Лекин Тўйчи кўп китоб ўқиганлиги, кўп шеър билганлиги туфайли ғолибликни қўлга киритди. Ана ўшанда Тўйчининг ишқи Рисолатбонуга тушиб қолди. Зеҳнли, зукко йигит Рисолатнинг ҳам юрагидан урди. Аввалига кўз уриштириш, салом-алиқдан бошланди. Янги йил кечасида ўтказилган тадбирда улар бирга шеър айтишди. Тадбир тугагандан кейин Тўйчи Рисолатни уйига кузатиб қўйиб дилидагини тилига чиқарди.

– Мен сизни севаман, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг. Сизсиз кундузим қоронғу, ҳаётим маъносиз, Рисолат, ишонинг менинг гапимга. Севгимни рад қилманг, Рисолат.

– Сизни ишонтира олмайман, ихтиёрим ўзимда эмас, уйдагиларда. Улар нима деса шу.

– Рисолат яқинда кейин мактаб тугайди. Тошкентга қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирмоқчиман. Ота-онамнинг ёлғиз фарзандиман, бахтим чопиб

ўқишга кирсам, онамни совчиликка юбораман. Уйдаги-ларингиз йўқ демайди?

– Жуда ўзингизга бино қўйиб юбордингиз, Тўйчи ака. Улар рўйхуш берган тақдирда ҳам мен розилик бермай оёқ тирасам, нима дейсиз?

– Содиқ қулингизга раҳм-шафқат қиларсиз, жоним. Ишқ ўтида ёниб кул бўлишимга йўл қўймасиз!

– Билмадим, яхши йигит, билмадим, – дея кулиб-кулиб хайрлашди Рисолатбону.

Оиласини, фарзандларини кўрмай тонг оқариши билан ҳар куни уйдан чиқиб ҳориб-чарчаб ярим тунда кириб келадиган Тўйчи раисга ҳаёт нотантилик қилди. Жон бериб, жон олиб ишлаганлиги эвазига ҳаёт уни “тақдирлади”.

Қишлоқнинг етти ёшдан етмиш ёшигача раиснинг жанозасида тик туришди. Унинг ортидан бўзламаган одам қолмади. Чунки у раислик даврида ҳаммага яхшилиқ қилган. Бировга ер берган, бировнинг тўйига ёрдам қилган яхши ва ёмон кунида хўжалик аҳлига камарбаста бўлган инсон эди. Умуман эл-юртнинг корига яраган унинг оғирини енгил қилган, етмаганига енг бўлган.

БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК ЭГИЗ!

Кексалар “Фарзанднинг, келиннинг пойқадами кутлуғ бўлсин”, деб дуо қилишади. Балки Наргизанинг айби йўқдир, лекин у шу хонадонга келин бўлиб тушгандан кейин оиланинг бошига қора кунлар ёпирилиб келди. Пахта иши деган вабо чиқиб, дастлаб қайнотаси Тўйчи раисни, ундан кейин қайнонаси Рисолатбонуни, ҳаттоки Орзубону кампирни ҳам ҳибсга олишди. Энди рўзғорнинг юки Камолиддин билан унинг акаси Дилмуроднинг зиммасига тушди. Яхшиям, ёшлигида тумандаги ҳайдовчилар тайёрлайдиган курсда ўқиб ҳужжат олган экан. Камолиддин қурилиш ташкило-

тига ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. Дилмурод эса туман марказидаги озиқ-овқат дўконига сотувчи бўлиб ишга кирди. Ҳаёт давом этарди. Кеч тушиши ва тонг отиши ҳаётнинг темир қонуни. Шу зайлда ойлар кунларни қувиб ўта бошлади. Бу оиланинг бошига тушган қора кунларнинг шарпаси аста-секин тарқала бошлади. Лекин унинг таъсири дилни хира қиларди. Бу орада Наргизанинг кўзи ёриб ўғил кўрди. Наргиза сал фурсат ўтиб, рўзғордан нолиб жанжал чиқарадиган, пашшадан фил ясаб қайнонаси Рисолатбону билан сан-манга бориб қоларди. Раиснинг вафотидан кейин бу рўзғордан қут-барака учди. Ахир бир кун жанжал бўлган жойда қирқ кун барака учади деганларидек бу хонадоннинг илгариги файзи қуёш булут орқасида яшириниб сўнгандек йўқолди. Ота-боболаримиз уйда жанжал бўлса, балоси тоғу тошларга кетсин деб келишмовчиликка нуқта қўйишга ҳаракат қилишади. Ҳар куни бўладиган жанжаллар бир куни кимгадир касри уриши, бир фалокатни шу оила бошига солиши мумкин. Буни қарангки, Наргизанинг: “Мен сенга раиснинг ўғлисан, сен билан яшасам, бир умр тўкинликда яшайман, деб ўйлаб турмушга чиққанман. Шу туфайли сенга кўнгил қўйганман. Ўшанда ҳайдовчига тегаман, унинг қачон ойлик олишини кутиб-кутиб, тишимнинг кирини сўраман деб сира ўйламаганман. Эр бўлсанг, бизни боқ. Қаердан пул топиш эса сенинг муаммонг! Одам дунёга бир маротаба келади. Ёшлик ҳам бир маротаба берилади. Ўйнаб-кулиб тўкинликда яшамасанг, қариганда бойликнинг нима кераги бор?” – деди. Шунда Камолиддин жаҳл билан хотинига: “Шукр қил, сабр-қаноатли бўл!” – деди.

Оқибатда Наргизанинг ношукурлиги касри унинг ўғли Улуғбекка урди. Болакай тут ейман деб дарахтдан йиқилиб тушиб, умуртқа поғонасига шикаст етди, юролмай қолди. Ўғлини дарддан халос қилиш учун Ка-

молиддиннинг бормаган жойи, учрамаган шифокори қолмади.

– Бу жуда оғир дард, орқа мия қисилиб, ундан қон тўпланган. Унинг сўрилиши учун узоқ муддат талаб этилади. Агар бемор даволанмаса, ҳаёти хавф остида қолиб, ўлим билан тугаши мумкин. Дори-дармон беришни тўхтатиб қўймаслик керак. Бу касалликни хорижда ёки Россияда малакали шифокорлар даволаши мумкин.

Энди Камолиддин чуқур ғамда қолди. У кўзининг оқу қораси, еру кўкка ишонмайдиган ўғлини қандай бўлмасин даволатиши керак. Лекин битта ойлик билан ўғлини хорижга олиб чиқиб даволашга имконияти йўқ. Начора, осмон баланд, ер қаттиқ. У боши берк кўчага кириб қолди. Ноилож қолган Камолиддин савдода ишлайдиган акаси Дилмуроддан йўл харжи учун қарз олиб Россияга ишга жўнашга мажбур бўлди.

Ҳаёт қизиқ экан, эртага нима бўлишини ёлғиз Яратганнинг ўзи биларкан. Бугунги бойвачча эртага гадо бўлиши ҳеч гап эмас экан. Кеча раиснинг ўғли, егани олдинда, емагани кетида бўлиб камчилик кўрмай ўсган Камолиддин мусофирчиликда пул топишга мажбур. Камолиддин мактабда аъло баҳоларга ўқиганлиги, рус тилини яхши билиши унга қўл келди. У қўрқмай Россия томон йўл олди. Раҳматли бувиси “Мусофирнинг қорни тўйса ҳам, кўнгли тўймайди”, “Бировнинг юртида шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўл” деб кўп гапирарди. Лекин керак бўлса, қирқ йиллик терак ҳам йиқилади деганларидек Камолиддиннинг бошқа чораси йўқ эди. Хотини Наргизанинг рўзғордан камчилик топиб кунора можаро қилиши, ўғлининг тўшакка михланиб қолганлиги уни ўзга жойларга кетишга мажбур қилди.

МУСОФИРНИНГ ҚОРНИ ТҶЙСА ҲАМ, КЎНГЛИ ТҶЙМАЙДИ!

Камолиддин ўтган йили ёзда қишлоққа келган синфдоши Умарнинг Новокузнецкий шаҳрида ишлаётганлиги, меҳнати оғир бўлса-да, яхши маош олиши ҳақидаги гапларини эслади. У Умарнинг уйдагилардан қўл телефонини олди. Камолиддин Умар билан қўшни бўлиб, бирга ўйнаб-кулиб улғайганлар. Умар шўх, бир қоп ёнғоқ, чаққон, гапга чечан, меҳнатсевар, чапани йигит эди. У ҳарбий хизматни тугатиб келгач, бир муддат ҳўжаликдаги қурилиш бригадасида устачилик қилиб косаси оқармади. Қарамоғида қари отаси, онаси, турмуш ўртоғи, болалари бор. Бир товукқа ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек устачилик билан унинг косаси оқармади. Устига-устак катта ўғлини суннат тўйи қилиб қарзга кириб кетди. Бировдан кам бўлмай деб, хотамтойлик қилиб уч кун тўй бериб, охирида кўпқари айтиб катта солим қўйди. “Чумчуқ лайлак бўламан деб бути йирилган экан”, бир тўй қилиб Умарнинг бўлгани бўлди. Шунинг учун Умар қарзини узиш, юзини ёруғ қилиш учун тўрт йилдан буён мусофирчиликда юрибди.

Умар синфдоши Камолиддиннинг қилган кўнғироғидан ҳайратга тушди. Кимсан Тўйчи раиснинг ўғли Россияга ишга келса-я! Ахир Камолиддин ақлли, эсли, ҳушли, фаросатли, мактабда аъло баҳоларда ўқиган, олийгоҳда таҳсил олган эди. Уни нима жин урди экан? Ёки Наргиза билан ажрашгани учун ғамини унутиш учун бу ерга келаяптимикиан?

Новокузнецкий Сибирнинг ўта совуқ, қиши анчагача чўзиладиган жой. Энг қизиғи, бу ерда тонг отиши тушга бориб тақалади, кун ёришиши амримаҳол. Ёруғ кун эса бир тутам эди.

Айни Наврӯз арафасида Камолиддин йўлга отланди. Жонажон қишлоғини, айни баҳор келиб, бутун борлиқ яшилликка бурканган, янги келинчакдек ясанган ўлкасини ташлаб кетиш қанчалик қийин. Ҳали оиласи йўқ, болалари ҳам йўқ йигит уйдан ҳатлаб чиқиб ҳарбий хизматга кетаркан, кўзларида бир зумга ёш йилтиллайди. Камолиддиннинг эса севиқли хотини, икки нафар фарзанди бор. Айниқса, унга касалманд ўғлини ташлаб кетаётганлиги оғир ботди. Онаси Рисолатбону эса унга ялиниб-ёлворди.

- Тиш берган худо ризқини ҳам беради, ўғлим. Ўзимизда ҳам зўр дўхтирлар бор, қарз-ҳавола қилиб ўғлингни четга олиб даволатсанг бўлади. Аста-секин ишлаб қарзингни узарсан. Кетма, жон болам. Менинг аҳволимни кўраяпсан, ярим жон бўлиб қолганман. Бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда. Аканг билан икковингга ана шу ҳовли етиб ортади. Шу уйда отангнинг чироғини ёқиб ўтиринглар, болам.

- Ойижон, ҳали ёшман, билагимда куч бор. Рози бўлинг, бироз ишлаб келай. Ҳар куни ўғлимга қараб эзиламан. Унинг нажот истаб, мўлтираб менга қараши юрак-бағримни кемириб, қалбимга ханжардек ботади. Бунинг устига келинингиз қилиқ чиқарган. Тўрт-бешта дугоналарининг шоҳона яшаши, гап-гаштак ўйнашига ҳавас қилиб, пул топ, деб кунаро можаро қилади. Нима қилай, онажон, менга осон тутманг. Қадрдон қишлоғимни, болаларимни, сизни ташлаб кетиш менга жуда оғир.

- Кетишга қатъий қарор қилган экансан, худо йўлингни оқ, йўлдошингни ҳақ қилсин. Сафаринг беҳатар бўлсин, болам.

НОВОКУЗНЕЦК

Кечки соат ўнларда Камолиддин ўтирган самолёт тўрт соат деганда Тошкентдан Новокузнецк аэропортига келиб қолди. Ҳаво кемаси қўнишидан олдин стю-

ардесса шаҳарда ҳаво ҳарорати эллик градус совуқлиги, қуюқ туман, йўллар сирпанчиқлигини хабар қилди. Ҳақиқатан ҳам самолёт эшиги очилгандан кейин ичкарига урган совуқ ҳаво этни жунжиктириб, бутун танага ўз ханжарини суқиб олди. Ҳавонинг бу даражада совуқлиги Камолиддиннинг етти ухлаб тушига кирмаган эди. Дўсти Умар ҳам бу ҳақида унга айтмаган экан. Камолиддин анча юпун кийинган, енгил плашда эди. У аэропорт биносидан чиқиб, дўсти Умарни кута бошлади. У бор-йўғи совуқнинг зўрига ўн дақиқа чидай олди, холос. Совуқ унинг эту тирноғига музлатиб, мазасини қочирди. Эсаётган изғирин унинг этини ялаб, бир сония ичида мўйлабига музлатиб ташлади, тиши-тишига тегмай қалтираб қолди. Камолиддин совуққа чидай олмай ўзини аэропорт биносининг ичкарисига урди. Бу ерда ҳам ҳавонинг захри баланд эди. Устига-устак оёғидаги кузги туфлидан совуқ ўтиб, аъзойи баданига игна санчгандай бўлди. Биринчи куниёқ унинг бўлгани бўлди. Совқотмаслик учун сакраб қонини юри-тишга ҳаракат қила бошлади. Чамаси икки соатлардан кейин дўсти Умар аэропортга кириб келди. Камолиддин уни кўриши билан кўзидан ёш чиқиб кетди.

– Кечирасан, ўртоқ, йўл сирпанчиқ, устига-устак машина бузилиб қолди. Шунинг учун кечикдим. Водийга айлангани келгандек енгил кийиниб олибсан. Бу ер Сибир, туф деса тупугинг ерга тушмай музлаб қолади. Оббо, сен-ей. Юр, машинага чиқ, манави самогондан ичиб ол, ичинг исийди, танангда қон айланади.

Камолиддин ноилож дўсти олиб келган самогон бутилкасидан ичиб юборди. Улар йўлга чиқишди. Машинанинг ғилдираги яхмалақда айлана-айлана қийинчилик билан жойидан қўзғалди. Ёққан қорнинг қалинлиги бир метрдан зиёд. Шу туфайли ҳам ҳайдовчи машинани эҳтиёткорлик билан секин ҳайдаб борарди. Эсаётган кучли изғирин ҳай-ҳай демаса машинани ағда-

ради. Ҳаммадан ҳам дарахтларнинг шохларидаги яхлаб қолган новдалари тарвуздан ҳам катта бўлиб осилиб ётарди. Машинада сал исиб уйқуга кетган Камолиддин анча фурсатдан кейин уйғониб, шаҳар узра катта-катта трубалардан бурқсиб чиқаётган тутунлар бутун борлиқни эгаллаб олган. Қора ва кўкимтир буғлар ҳавони бузиб, эркин нафас олишга халақит берарди. Шу ерда яшовчилар бундай ҳавога кўникма ҳосил қилиб эркин нафас олишарди. Лекин эндигина келган Камолиддинга ўхшаганлар бу ҳавога ўргана олмай, бошига оғриқ кирарди.

– Жўра, Новокузнецкнинг ҳавоси оғир. Чунки заводлар, кўмир ишлаб чиқарадиган шахталар кўп. Дастлаб келганимда мен ҳам бир ойлар чамаси ҳавога кўника олмай қийналгандим. Ҳечқиси йўқ, ўрганиб кетасан ҳавосига, совуғига чидасанг, ишлаб кетасан.

Гурунг анча қизиб шаҳар четидаги Умар яшайдиган вагончага келиб қолишганини билмай қолишди. Умар ҳайдовчини рози қилиб дўстини вагонча томон бошлади.

– Мана шу ерда яшаймиз, марҳамат. Биз ўн кишимиз. Тожик, қирғиз, ўзбек болалар. Ҳаммаси яхши йигитлар, танишиб оласан.

Камолиддин вагон уйга кириши билан бу ердагилар уни кучоқ очиб кутиб олишди. Камолиддин ҳам узоқ Сибир ўлкасида ўз юртдошларини кўрганидан севиниб, Ўзбекистондан олиб келган Самарқанд нони, майиз, ёнғоқ, туршак, шўрданақ, помидор, бодринг каби ноз-неъматларни дастурхонга қўйди. Буни кўрган йигитларнинг кўзлари қувнаб, юртининг нафаси уфурган неъматдан тотишди. Фарғоналик Ғуломжон деган йигит қулинг ўргилсин ошни дамлаб қўйган экан.

– Умар ака, анча ҳаялладингизлар, ош ланж бўб қолди-ёв. Қани, дастурхонга марҳамат, – деди қашқадарёлик Толиб деган йигит.

– Бу ер Ўзбекистон эмас, ош ҳам думба ёки зиғир ёғидан тайёрланган эмас. Иложи йўқ. Олинг, меҳмон, – деб илтифот қилишди.

Бир-икки пиёла ароқ ичгандан кейин йигитларнинг гапхалтаси очилди.

– Икки йил бўлди шу жойларга келганимга. Йигирма ёшга қаридим. Ҳавосининг дастидан тишларим тушиб, бобойга ўхшаб қолдим, – деб гап бошлади сирдарёлик Усмон. – Пул-ку топаяпмиз, лекин соғлиқни йўқотаяпмиз. Билмадим, топган пулимизга соғлиғимизни сотиб оламизми, йўқми? Уйи куйсин мусофирчиликнинг. Одам ҳисобида кўришмайди. Қиморда катта пул ютқазганим учун бу ерларда юрибман. Қарз бўлмаганимда занжир билан боғлаб қўйса ҳам бу юртда бир дақиқа турмасдим.

– Ҳозир Ўзбекистонда ҳаво илиб, атроф кўм-кўк бўлиб кетгандир. Бу ерда май ойида қор ердан кетмай, қаттол қиш бўлади, – деб гапини давом этди Усмон.

Ким билан суҳбатлашманг, ҳаммасининг бошига мушкул иш тушиб, боши берк кўчага кириб қолгач, мусофирчиликни бўйнига олган. Водийлик Ғанижон ошни сайратиб юборибди. Қўли дард кўрмасин. Қизғин суҳбат анчагача давом этди. Юртдошлар Камолиддиндан Ўзбекистон ҳақида сўраб-суриштириб, энтикиб-энтикиб суҳбат қуришарди.

– Хўш, қаерда ишламоқчисан? Шаҳарнинг ўзида қоламан десанг, алюмин заводда иш бор. Ойлиги зўр, лекин соғлиқ учун зарарли, – деди дўсти Умар. – Электр симларини тортадиган махсус қурилиш ташкилоти бор. Мен ўша ерда ишлайман. Ўн беш кун кўчма вагон-машиналарда қуюқ ўрмонлар, бийдай дала-даштлар, тоғ тепаликларида темир столба ўрнатиб, электр симини тортамыз. Шароити оғир, лекин ойлиги яхши. Ғанижон ишлайдиган нефтчиларнинг қурилиш бригадаси бор. Улар ҳам тоғ, ўрмонларда, қаер тўғри келса,

ўша ерда ариқ қазиб катта-катта трубаларни ташлашадди. Бу ерда пайвандловчи ҳайдовчилар керак. Маоши яхши-ю, лекин иши хавфли ва оғир. Ўйлаб кўр, дўстим. Эртага мен вахтага чиқиб кетаман, – деди Умар.

– Биз билан юра қолинг. Тягачга ҳайдовчи керак. Бошлиғимиз айтганди, – деб гапга аралашди Ғанижон. – Кўрмаган жойларингизни кўрасиз. Ҳақиқий Сибир, унинг ажойиб табиати билан танишасиз. Қуюқ ўрмон, одам яшамайдиган қишлоқлар, ҳақиқий қаҳратонни кўрасиз. Мен ошпазман, овқатнинг гўшти, товоқнинг каттаси сизники бўлади, – деб ҳазил қилди. Иш нақд бўлгани учун Камолиддин Ғанижон билан кетишга рози бўлди. Эрталаб шаҳар четидаги пештоқига “Нефти газ” деб ёзилган ташкилотга келишди. Ҳақиқатан ҳам бу ерда “Тягач” русумли оғир юк машинасига ҳайдовчи керак экан. Корхона бошлиғи Камолиддиннинг бир-икки оғиз сўзидан ақлли, фаросатли йигитлигини билди. Шу куниёқ уни вахтага жўнаб кетадиган бригадага қўшди. Икки соатлар чамасида битта автобус ҳамда иккита юк машинасида ортилган иш анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, бир юк машинада уланган кўчма вагон-уй билан йўлга чиқишди.

Ҳақиқатан ҳам Сибир ўлкасининг табиати бой экан. Шаҳардан чиқиб, беш километр йўл босиб ўтилгандан сўнг қуюқ ўрмон бошланди. Бу ерда шаҳарнинг шовқин-суронидан асар ҳам йўқ. Бутун атрофда сокинлик. Аҳён-аҳёнда дарахтларнинг шохидаги қарғаларнинг қағ-қағ этган овози тинчликни бузиб турарди. Кетма-кет ёққан қор туфайли ўрмон оппоқ либосга бурканган. Унинг чиройи кўзни қамаштиради. Қарийб уч соатдан кейин бепоён ўрмоннинг ичкарисига кириб, ёлғизоёқ йўлдан буғу, тулки, бўри каби ҳайвонлар машинанинг олдини кесиб ўтарди. Табиатнинг сирли-синоатли ишлари бор. Миллионлаб туб дарахтлар кўчатини ҳеч ким бу ерга эрмаган, лекин қалин ўрмон ҳосил

бўлган. Баъзи дарахтлар ўн қаватли уйнинг баландлигидай.

Қарийб беш соатдан кейин улар “Сосновка” деб ёзилган қишлоққа кириб келишди. Камолиддин тягач хайдовчиси Андрей исмли йигитдан машинани қабул қилиб олди. Андрей машинага олтмиш градус совуқда музламайдиган антифрис солинган бўлишига қарамай кечаси туриб бир-икки маротаба моторни ишлатиб қўйиш лозимлигини, бўлмаса мотордаги мой яхлаб қолишини тушунтирди.

Шу кундан эътиборан Камолиддин учун қизғин иш бошланди. Ҳақиқатан ҳам оғир экан. Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти музлайдиган қуюқ ўрмонлар орасидан катта ҳажмдаги газ қувурларини тортиб ўтиш керак. Энг қийини тягачники экан. Ботқоқ, лой, энг ёмони, алдамчи кўм-кўк ўт бўлиб турган кўлмакдаги “топъ”ларга дучор бўлиш. Чунки бу “топъ” кўлмаклари аста-секин ўз домига тортиб кетади, ундан омон чиқиб бўлмайди. Экскаватор машиналар, бутун техникага иш фронтини очиб бериш тягачнинг гарданида. Шу туфайли бригаданинг олдида юрадиган “разветкачи”лар кўрсатмаси, улар чизиб берган йўлдан юриш керак. Бир метр адашсангиз, бас, фалокат юз бериши мумкин. Бу ернинг совуғига чидаб бўлмайди, туфлаган туфук ерга тушмай музлайди. Совуқнинг қаҳрини енгиш учун ҳам бу ерда ишловчилар ароқ ичиб жон сақлар эканлар. Лекин Камолиддинга ичиш мумкин эмас. У катта йўлдан адашса бутун бригада фалокатга учраши мумкин.

Одамзод ҳаммасига чидаркан. Жазирама иссиққа ҳам, қаҳратон қишга ҳам бардош беради. Ҳар қандай фаслда жасорат кўрсатиб ишлайди. Камолиддин бир ҳафта роса қийналди. Бахтига Ғанижон бор экан, ишдан кейин унга иссиқ чой дамлаб, ғамхўрлик қиларди.

Дунёда одамзоднинг қадами тегмаган жой, одамзоднинг қилмаган иши қолмаган. Қуюқ ўрмон ичидан

газ қувури ётқизиш айтишгагина осон. Ботқоқ, сердахт, ҳатто пиёда юришнинг иложи бўлмаган жойдан чуқур қазиб, катта ҳажмдаги труба ташлаш мураккаб иш. Хохловка қишлоғининг адоғида қувур тортилаётган пайтда бир кўнгилсиз воқеа рўй берди. “Резветкачи” Петро тушликда ароқдан жиндай зиёд отганлиги учунми ёки уни қуюқ қор қопланиб ётганлиги чалғитганми, “топъ” ботқоқлигига тўғри келишди. Камолиддиннинг бахти бор экан, ярим метр тягачини чап томондан ҳайдаб кўлмакка тушмади. Лекин унинг ортидан келаётган “Урал” юк машинасининг ҳайдовчиси Николай ичганлиги учун унинг ортидан изма-из ҳайдамай “Топъ” кўлмагига тушиб кетди. Бутун бригада оёққа турди. Бригада бошлиғи Андрей бутун калонани тўхтатиб, ҳаммани Николайни қутқаришга жалб қилди. Табиатнинг ақлбовар қилмайдиган сир-синоати бор. Аҳён-аҳёнда бўлса ҳам ўрмонларда учраб турадиган “топъ” кўлмаклари исталган нарсани ўз домига тортиб кетиши сабабини ҳали-ҳануз ҳеч ким аниқламаган. Сал ҳаракат қилинмаса, унинг исканжасидан қутилиб бўлмайди. Яхшиям, Николай машина кабинасидан бир илож қилиб чиқди. Йигитлар дарахт шоҳини ташлаб бор-йўқ кучи билан уни қуруқликка тортиб чиқаришди. Лекин “топъ” машинани ўз домига тортиб кетди. Бригада ҳамшираси Настя ёрдамга келди. Худо Николайни бир асради.

Янги йил арафасида эса ажабтовур бир воқеа рўй берди. Тушга яқин ҳеч қутилмаганда кучли изғирин кўтарилиб, қор уюмлари бутун борлиқни батамом эгаллаб олиб, ҳеч нарсани кўриб бўлмай қолди. Кабинада йўлни кўришнинг иложи қолмади. Камолиддин машинани ноилж тўхтатди. Шу пайт унинг изидан келаётган озиқ-овқат ортилган юк машинаси унинг орқасидан келиб урилиб, олди қисми пачоқ бўлди, радиатордан сув отилиб машина тўхтаб қолди. Андрей-

нинг микрофон орқали берган буйруғига асосан калонна тўхтаб, изғирин тинишини кутди. Ўн олтинчи куни вахта ўз ишини якунлаб, вагон-уйга қайтди.

– Бобойга ўхшаб соқол қўйиб олибсан, – деб дўсти Умар Камолиддинга ҳазил қилди. – Қалай, иш ёқдими? Совуқ қандай? Ана шундай қийин аҳволда пул топамиз, лекин уйимиздаги хотинлар буни билишмайди. Уларнинг хаёлида бу ерда пул ариқдан оқади-ю, биз уни челаклаб оламиз. Кеча хотиним жанжал қилди. “Бирон-тасини топиб олгансан, ойликнинг чўғи ҳар галгидан кам, болалар катта бўлиб қолишган. Катта-катта ейман, кияман дейди. Қизингга совчи келаяпти. Унга, куёвга бош-оёқ сарпо қилиш керак. Буларнинг ҳаммаси пул. Тараллабедод қилиб юрманг, ишланг” дейди. Бу хотинларга бошинг билан қудуқ қазисанг ҳам билишмайди. Юр, бирор жойга бориб кўнгил очайлик, бу ерда қизлар кўп, уларни ҳам, ўзимизни ҳам хурсанд қиламиз. Ёшлик ўтиб кетади, ўйнаб-кулиб қолиш керак.

Беш боланинг отаси ҳам шундай калтафаҳм бўладими? Камолиддин чарчаганлигини баҳона қилиб унинг таклифига рози бўлмади.

Ярим кеча Камолиддинни ширакайф Умар уйғотди.

– Иккита жонон топдим, ўз уйлари бор экан. Юр, эрталабгача маишат қиламиз. Улар бизни пастда кутиб туришибди.

Ҳаммамиз хом сут эмган бандамиз. Умарнинг тижирлиги ҳамда уйдан келганига бир йилча бўлиб қолган Камолиддиннинг кўнгли юмшаб дўсти билан ташқарига чиқди. Қизларнинг бири унга ёқиб қолди. Гарчанд рус миллатига мансуб бўлса-да, қош-кўзи қоп-қора, лекин сочи сариқ. Қиз сутга чайиб олгандек оппоқ, юзлари нақш олмадек қип-қизил. Шунча вақт сабр қилиб юрган Камолиддиннинг қизни кўриб феъли айниди. Улар қишлоқнинг четидаги Вероника исмли қизнинг уйига боришди.

– Шундай чиройли йигит Сибирда адашиб нима қилиб юрибди? – деб гап бошлади Сусанна. – Бу ернинг совуғига биз чидаймиз. Чунки шу ерда туғилиб ўсганмиз. Мен дўконда сотувчи бўлиб ишлайман. Юртингиз ҳақида гапириб берсангиз, Камолиддин, сизларда жуда ҳаво иссиқ дейишади. Қандай чидайсизлар? Мен иссиқда яшашни тасаввур қилмайман.

– Сизлар шундай совуқда қандай чидаб яшасанглар, биз ҳам иссиқда шундай чидаб яшаймиз, – деб гап бошлади Камолиддин. – Ўзбекистонга бормабсиз, бу дунёга келмабсиз. Унинг нозу неъматларини айтмайсизми? Тилими тилни ёрадиган қовунлари, бир тишласанг таъми бир умр эсда қоладиган мевалари, одамларнинг бағрикенглиги, меҳмондўстлигини айтмайсизми? Тўйларимизда юзлаб одамлар қатнашади. Уларнинг хурсандчилигини сўз билан таърифлаш қийин.

– Тўйларда юзлаб кишиларга нима учун бепул ош берасизлар? – деб ҳайрон бўлди Сусанна. Узоқ Сибир ўлкасининг қуюқ ўрмонларидаги Михайловка қишлоғида туғилиб ўсганлиги учун Сусаннага Камолиддиннинг Ўзбекистон ҳақида айтган гаплари қизиқ туюларди.

– Сусанна, Ўзбекистонга, албатта, боринг, пушаймон қилмайсиз. Бизнинг одамларимиз мулойим, хушгап, меҳмондўст. Улардан фақат меҳр-мурувват кўрасиз.

– Сизнинг муомалангиздан кўриб турибман. Хушгаплигингиз, маданиятли эканлигингизнинг ўзи айтиб турибди. Аёлларга нисбатан ҳурмат билан қилаётган муносабатларингиз шундан далолат бериб турибди.

Бошида тортиниб ўтирган Камолиддинни Сусаннанинг очиқлиги, хушчақчақлиги, соддалиги, бир гапириб ўн кулиши ром этди, унинг қулфи дилини очди. Дастлаб қиттак-қиттак ичишди. Кейин майин мусиқада рақс туша бошладилар. Эрталаб улар юз йилдан буён танишдек, бир-бирининг пинжига кириб, қучоқлашиб чой ичишди...

ОНАСИНИ КЎР, ҚИЗИНИ ОЛ

Донишманд халқимиз бирор мақолни бежиз айтмайди. Мақоллар юз йиллар давомида ўз исботини топиб келгани учун ҳам яшаб, халқнинг тилидан тушмайди. Айтайлик, халқимизда “Онасини кўр, қизини ол” деган мақолнинг негизида катта маъно ва инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат ётади. Наргизанинг онаси Ойшани билгани сабабли ҳам Тўйчи раис ўғлига ўйинчининг қизини олиб бермайман, деб қаттиқ туриб, норози бўлганлигида жон бор эди. “Олма олмадан узоқ тушмайди”, “Куш уясида кўрганини қилади” деганлари рост экан. Наргиза турмушга чиқишдан олдин вазмин, иболи қиз эди. Лекин кейин ўзгариб кетди. У раисга келин бўламан, еганим олдинда, емаганим кетимда, шоҳона яшайман, ҳарқалай Камолиддин раиснинг кичик ўғли, ҳовли-жой, бутун бойлиги унга қолади, деб режа қилганди. Камолиддин билан илк танишган куни Наргиза бор гапни яширмай онасига айтганди.

– Қизим, йўқчиликни, камчиликни, хўрликни, зорликни мен кўрганман. Бир сўм топгунимча она сутим оғзимга келган. Тўйда рақс тушиб, унга ўтирган айрим бойваччалардан пул олиш ўлимдан қаттиқ бўлган. Улар ароқ солинган пиёладаги ароқни ичсанг, мана бу пулни оласан, деб мени роса беобрў қилишган. Бошлиғимиз ҳам бизларни кўпроқ ана шу бойваччалар олдида ўйнашга мажбур қиларди. Аёлни яратмасин экан. Агарда насл-насабли, бадавлат оила маликаси бўлсанг, берди худо. Бўлмаса бир умр косанг оқармай хор-зор бўлиб тирноғинггача куйиб бу дунёдан ўтасан. Камолиддин сенга кўнгил қўйибдими, дўппингни осмонга от. Тўйчи раиснинг давлати етти пуштига етади. Камолиддин эса унинг эркатои кенжаси. Раиснинг бор давлати, катта боғ-роғи, ҳовлиси охир-оқибат сеники бўлади. Тўйчи раисни ҳам, Рисолатбонуни ҳам, Орзу кампирни ҳам

боғлаб қўйгани йўқ. Бахтинг чопганида уни маҳкам ушла, бўш кетма. Жиловни қўйиб юборма. Манман деган эркак ҳам хотин олдида таслим бўлади. Дунёда эркак киши учун ота-онадан ҳам, қавм-қариндошдан ҳам, ака-укадан ҳам хотини яқини бўлади. Иложини қилсанг, Камолиддин гаҳ десанг қўлингга қўнади.

Ўша куни Ойша ўйинчи қизига аёлларга хос ҳийла-найрангнинг барчасини ўргатди. Наргиза бир юзу бир хил ноз-карашма билан йигитни ўзига батамом асир қилиб, уни фикри-хаёли, ақли-хушини ўғирлаб ўзиники қилиб олди. Бошқача қилиб айтганда, уни Мажнунга айлантириб қўйди. Камолиддин “Уйдагилар рози бўлмаепти” деганида Наргиза уни қармоққа илинтириш учун ўз қизлик иффатини ҳеч нарсадан тап тортмай ҳадя қилди. Режа амалга ошди, она-боланинг тузган қопқонига Камолиддин илинди. Бўлиб ўтган бу воқеадан кейин Тўйчи раис тақдирга тан бериб тўй-томоша қилиб беришдан бошқа иложи қолмади.

Бироқ чархпалакнинг чархи тескари айланиб, кутилмаганда Тўйчи раис оиласининг бошига қайғули кунлар тушди. Ғараз билан қилинган иш бир куни келиб ўз касрини кўрсатади. Наргизанинг ниятлари саробга айлангандан кейин бор аламини эридан ола бошлади. Устига-устак ўғилчаси касалманд бўлиб қолди. У ҳар куни бир баҳона топиб, уйда жанжал кўтарарди. Беш кунлик дунёда шоҳона яшашни, бир кийиб бир ечишни, ҳеч кимдан кам бўлмаслигини, қишлоқнинг олди бўлишини, дугоналарининг олдида ажралиб туришни хоҳлаб эрини кўп пул топишга мажбур қиларди. Ҳар гал “Қаранг, акангизнинг яшашини, хотинининг юришини, миниб юрган машинасини кўринг, сиз бир умр ишласангиз ҳам бирингиз икки бўлмайди, косангиз оқармайди. Баракаси йўқ йигитсиз. Ўзига тегишли ҳовлини қаср қилиб олган. Бир оғиз айтсангиз, сизни ҳам

ёнига олади. Ҳарқалай йўлини топиб туман марказидаги баҳайбат супермаркетнинг директори бўлиб олди”.

– Йўқ, мен ҳалол яшаб, ҳалол луқма ейман. Бировнинг ҳақи – балонинг ўқи. У бугун бўлмаса, эртага, албатта, тешиб чиқади.

– Мактабда ҳам гапга уста эдингиз. Чиройли гап билан қорин тўймайди. Ким айтади сизни раиснинг ўғли деб.

Камолиддин хотинининг ана шу кунаро қиладиган можароларидан қочиб дўсти Умарнинг олдига кетган эди. Ҳар қанча қийин бўлса ҳам ҳар ой уч юз-тўрт юз АҚШ доллари уйига жўнатарди. Лекин Наргиза эридан келган пулни ўғлига ишлатмай, ўзининг айшу ишратига сарф қиларди. Туман марказида яшовчи ўз тенги суюқоёқ хотинларни топиб, улар билан дўст киришиб бирга ўтириб, бирга турадиган бўлиб қолди. Бир куни Наргиза дугоналари билан навбатдаги зиёфатдан ширакайф бўлиб чиқиб, қайинакаси Дилмуроднинг ишхонасига борди. Қабулхонада котиба: “Бир оз ўтириб турунг, Дилмурод Тўйчиевич бандлар. Сиз кимсиз? Нима масалада келгансиз?” деб уни сўроққа тутди. Яхшиям, келган меҳмонни жўнатиш учун Дилмуроднинг ўзи йўлакка чиқди. У келинини кўриб, ҳузурига таклиф этиб алоҳида дам оладиган хонасига бошлади. Бедана тухумидан тортиб икра, қази, мева-чевалар бор. Стол устида турган қимматбаҳо коньяк очилган. Бўшаган икки бутилка коньяк шишаси столнинг тагида юмалаб ётарди.

– Келинг, келинмулло, келинг, қани, марҳамат, – дея Дилмурод Наргизани ичкарига таклиф қилди. Котибага “Бугун эртароқ кетаверинг, қоровулга тайинланг, ҳеч кимни киритмасин”, деб тайинлади.

Дам олиш хонасига чўғдай гилам солинган. Қимматбаҳо диван, кресло, телевизор қўйилган. Подшоҳларнинг хилхонасидек ҳашаматли.

– Келинг. Камолиддин билан гаплашиб турибсизми, соғлиғи қалай экан? Иш билан бўлиб сўрай олмайман. Жияннинг аҳволи яхшими?

– Акамулло, бир товукқа ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек укангиз юборган бир-икки сўм пул доридармонга кетаяпти. Рўзғор ўтказишга қийналаяпман. Мени шу ерга сотувчиликка ишга олсангиз.

Шайтон деган махлуқ не-не манаман деган ақлли кишиларни ҳам йўлдан адаштириб, ўз йўлига солмаган дейсиз. Дилмурод ҳам шу куни шайтоннинг гапига кирди. У рўпарасида ўтирган париваш келинининг оқ билаклари, сутга чайиб олингандек оппоқ бадани, қоп-қора кўз-қошлари, бир гапириб ўн кулиши, ҳар қандай эркакни адои-тамом қиладиган сеҳрли нигоҳи Дилмуроднинг ақлини олиб ўзига ром этди.

– Ўйлаб кўрамиз, келин, бир келиб қолибсиз. Коньякдан қиттак олинг, иш бўлса, бир гап бўлар.

Наргиза дугоналари билан ҳам ичганлиги учун қайтармай олди. Икки-уч қадаҳ ичилгач, ўртадаги ибод, тортиниш чекиниб, Дилмурод Наргизани диванга яйраб ўтириш учун таклиф этди, ўзи ҳам унинг ёнига ўтирди.

– Ёш умрингизни хазон қилиб ишлаб нима қиласиз? Менинг топганим етти пуштимга етади, сизга ўзим ҳомийлик қиламан, ҳарқалай бегона эмассиз, – дея Дилмурод Наргизанинг билакларидан оҳиста тутди. У бу ҳурилиқо туғишган укасининг хотини эканлигини батамом унутиб, уни ўзига тортди. Эрининг кетганлигига бир йилдан ошганлиги, коньякнинг таъсирида Наргиза ҳам Дилмуроднинг хатти-ҳаракатига монелик қилмади. Лаззатли онлардан сўнг қайинака ва келин бир муддат уялгандек бўлишди. Лекин тезда ўзларини оқлашга ўтдилар.

– Камолиддин ҳам шунча пайт “тинч” юрмагандир. Бирор-бир рус қизини топиб, айшу ишрат қилиб юрибди-да. Ҳарқалай эркак-ку. Наргиз, ўйламанг, орамизда бўлиб ўтган воқеани ҳеч ким билмайди. Энг муҳими,

бизларнинг бу ишимиз ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига қирмайди. Мана, рўзғор учун беш юз минг. Ишлатиб туринг. Етмаса, келасиз.

– Мен ҳам тирик мавжудотман, темир ёки робот эмасман. Одамнинг соғлиги учун бу ҳам жуда керак. Агар биров билан гап бўлсам, насоғи сизга ҳам тегади. Шу туфайли ҳам рози бўлдим, ака, – дея у яна унинг кучоғига кирди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, Дилмурод билан Наргизанинг пинҳона учрашувлари кундан-кун авж олиб одат тусига кирди. Наргиза болаларини онаси Ойша ўйинчига қолдириб қайинакаси билан бирга дам олишларга кетарди.

Қайинака билан келиннинг “муҳаббат можаролари” ҳақидаги гаплар аста-секин шоён бўла бошлади. Гарчанд улар пинҳона учрашиб юришса-да, ошиқ-маъшуқларнинг учрашувлари болалаб кетиб, Дилмуроднинг хотинининг қулоғига етиб борди. Наргизанинг овсини Ҳикоят енг шимариб жангга кирди. У дастлаб эрига ҳужум қилди.

– Ўз туғишган укангизнинг хотини билан дон олишиб юргани уялмайсизми? Эл-улус, қишлоқдошлар, қўшнилари, қавм-қариндошлар нима дейди? Эшитган қулоққа ёмон. Эртага укангиз билиб қолса, унинг юзига қандай қарайсиз? Сизда шарм-ҳаё, ор-номус, одамийлик борми? Шунчалик ҳам пасткаш бўладими киши? Укангиз келса сизни ҳам, хотинини ҳам соғ қуймайди. Эсингизни йиғинг вақтида, бу йўлдан қайтинг, дадаси.

– Сенда ақл борми? Одамларнинг ёлғон-яшиқ гапларига ишониб валдирайверасанми? Улар кўролмаганликларидан ҳам ҳар хил уйдирмаларни тўқиб чиқаришади, – деб Дилмурод ўзини оқлай бошлади.

– Одамлар туҳмат қилаяпти, деб ўйлайлик ҳам. Лекин мен йигирма йиллик ёстикдошингизман. Юриштиришингиз, муомалангиз ўзгариб қолган. Бошқаларнинг гапи билан ишим йўқ. Хотин кишини икки дунёда

алдаб бўлмайди. У эрининг ҳидидан билади. Мени алдай олмайсиз. Ойша манжалақининг қизи суюқоёқ Наргизанинг кунини кўрсатаман. Аёл номига иснод келтирди у таги паст.

– Қани, бир оғиз гапириб кўр-чи? Бу кунингдан у кунингни баттар қиламан. Сени сўйиб ташлайман. Беш боланг етим қолади. Сенга нима етмаяпти? Еганинг олдингда. Емаганинг кетингда. Маликалардек яшайсан. Ношукурлик қилма. Беванинг бошини силаш савоб. Ахир унинг ногирон ўғли бор.

– Уялмай-нетмай савоб ҳақида гапирасизми? Бир оилани бузаяпсиз. Ўз жигарингизнинг оиласини бузаяпсиз. Ойингизнинг юзига қандай қарайсиз?

– Сенинг ишинг бўлмасин. Уволу савобига мен жавоб бераман. Касалманд ойимни, болаларингни ўйласанг, бу ишни қилмайсан. Наргизага бир оғиз гапирмайсан. Тамом-вассалом!

Ҳикоят бақир-чақирнинг фойдаси йўқлигини сездди. Эри Наргизанинг чиройи, қадди-қоматига асир бўлган. Осмон узилиб ерга тушса ҳам фойдаси йўқ. Ундан ажрала олмайди. Ҳикоят худонинг ўзи бир кун инсоф берар деб яратганнинг ихтиёрига ташлаб қўйди. Қолаверса, болаларининг тақдирини ўйлади. Дунёда энг катта бойлик сабр-қаноат деб ўзини овутди. Турмуш ўртоғини йўлга солиб олган Дилмуродга худо берди. Илгари у қочиб-писиб бировларнинг уйида, кўпинча Ойша ўйинчининг хонадонида Наргиза билан учрашиб юрган бўлса, энди у ярим кечаси девор ошиб укасининг уйига ўта бошлади.

ҲИЖРОННИНГ ДАВОСИ ДИЙДОР. ЛЕКИН...

Камолиддин роппа-росса икки йил ишлагандан кейин Умар билан бирга қайтишга отланди. У дўстига:

– Уйдагиларга “сюрприз” қиламиз. Қачон ва қай вақтда боришимизни сир тутамиз. Кутилмаганда уйга кириб борамиз. Борадиган кунимизнинг вақтини айтсак, уйдагиларнинг тинчи йўқолади, ҳар бир сонияни санаб қийналадилар, – деб икки дўст самолётга чипта олишди.

Камолиддин ватанига қайтиш учун чипта олганидан сўнг кўзидан уйку қочди. У ҳар куни туш кўрар, тушида Наргиза билан боғу роғларда қўл ушлашиб юрарди. Бир куни тушида Камолиддин Наргиза билан тоққа лола сайрига чиқишибди. У Наргизани қувлаб бораркан, беҳосдан оёғи тойиб йиқилиб, жарликка осилиб қолибди. У кутқаришни сўраб Наргизага қўл чўзса, Наргиза юзини буриштириб чаппа қараб кетаётган эмиш. Камолиддин бардош бера олмай жарга қулабди. У кўрган тушидан чўчиб уйғонди. Хайрият, туш экан-ку, деб ўзини тинчлантирди. Мусофирликда юрган киши яхши шароитда бўлса ҳам, ўзининг киндик қони тўкилган масканига учиб боргиси келади. Хайрият, уйига қайтадиган кун ҳам келди. У эрталаб барвақт уйғониб, гарчанд ҳали учишга ўн соат бўлса ҳам ёш болалардек ўрнидан сакраб туриб нарсаларини йиғиштира бошлади. Ҳаттоки томоғидан овқат ўтмади. У болалардек хурсанд эди...

– Ҳой жинни, аэропортга саккиз соат олдин бориб нима қиламиз? – деб Умар бемалол соқолини ола бошлади. – Борасанда ўша ҳурилиқо хотинингнинг олдига. Ундан кўра йўл олдидан қиттак-қиттак қилиб олайлик.

Шу онда Камолиддиннинг кўзига Умар ёмон кўрииб кетди. У нима дардда-ю, дўсти нима дардда. Кўнгилга ароқ сиғармиди?

Ҳақиқатан ҳам улар аэропортга эрта келганликлари учун роса эзилиб ўтиришди. Шошганда вақтнинг ўтиши жуда қийин. Самолётга чиққунча Камолиддиннинг бўлгани бўлди. Улар ўтирган самолёт кечаси соат ўн бирларда Тошкентга келиб қўнди. Самолёт қўниб,

стюардесса унинг эшигини очганда кабинага ёқимли ҳаво кирди. Худди ҳушсиз бемор ётган кишига ҳаво юборилиб, унга жон ато этгандек бўлди. Камолиддин ўз киндик қони тўкилган юртнинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас ола бошлади.

Улар юкларини олиб чиққанда соат ўн иккига яқинлашганди. Насиб этса, улар икки соатда уйига етиб олишади. Аэропортдаги киракашлар билан савдо қилишга ҳам тоқати бўлмай, ҳайдовчининг айтган нархига рози бўлиб дўсти билан машинага ўтирди. Ҳайдовчи ҳам чаққон йигит экан, уларни кўз очиб юмгунча қишлоққа олиб келиб қўйишди.

Камолиддин ўзининг қадрдон қишлоғига етиб келгач, ўтган икки йилда бўлган ўзгаришларга ҳам эътибор бермай, дўсти Умар билан хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, ҳовлисининг боғ томондаги деворидан ошиб тушди. Юраги ҳаприқиб, ўзининг уйи томон оёқ учида юриб бора бошлади. Чамаси икки-уч қадам қолганда уларга ажратилган хилватхонанинг чироғи ёқилганини кўриб эса ҳайрон бўлди. У ердаги шарпалар хаёлини баттар бузиб юборди. У ўзини Наргиза касалманд ўғлига қараётган бўлса керак, деб тинчлантириб, хилватхона томон юра бошлади. Хилватхонага яқинлашгач, у ердан келаётган овоз уни даҳшатдан музлатиб қўйди.

– Мен сизни ҳар куни бесабрлик билан кутаман. Кеча олиб берган билагузугингизга ҳамманинг ҳаваси келди, бегим, – деган таниш овоз Камолиддиннинг қонини қайнатиб юборди. Унинг кўзи хонасидан чиқиб кетди. Шахт билан хилватхона эшигини очди. Не кўз билан кўрсинки, унинг жойида туғишган акаси Дилмурод билан хотини Наргиза ётарди.

Камолиддиннинг қўққисдан кириб келиши тушига кирмаган акаси Дилмурод ва хотини Наргиза тахта бўлиб қотиб қолишди. Уларнинг тили калимага келмай, жойларидан қўзғалмай қотиб қолишди. Бу ҳолат-

ни кўрган Камолиддин чидай олмай қаҳр-ғазаб билан акасига ташланди.

– Ҳайвон, шу даражада ҳам пасткашмисан? Наҳотки ўз укангнинг хотинига кўз олайтирдинг? – деб акасининг юз-кўзи аралаш аямай тепиб кетди. Бу манзарани кўриб чинқириб туриб қочмоқчи бўлган хотинининг сочидан тортиб, уни ҳам аямай ура бошлади. Таёқ жонидан ўтган акасининг кайфи тарқаб укасидан кечирим сўраш ўрнига ўдағайлай бошлади:

– Уддасидан чиқсанг, хотин ол эди, номард. Боқа олмасанг, кийинтира олмасанг, бу ҳурилиқонинг уволига қолиб нима қиласан? Сен эркак бўлсанг, хотинингни икки йил ёлғиз ташлаб кетасанми? Хотинларини тул қолдириб уларнинг уволига қолаётган сенга ўхшаган йигитчалишларнинг касофати бу. Бу бечоралар нима қилсин? Улар ҳам тирик жон. Дунёнинг неъматидан баҳраманд бўлишлари керак. Сен ҳам бекор юрмагандирсан? Нечта малласоч билан айш-ишрат қилиб келгансан?

Акасининг бу гапи Камолиддинни қуйишқондан чиқариб юборди. У ўзини тия олмай ошхонадан пичоқ олиб чиқди. Сўнгра акасининг бўғзига пичоқ тортиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Шу орада ҳали мастлиги тарқамаган Наргизанинг кўзи очилди. Камолиддиннинг қўли қонлигини кўриб, эрига бақариб кетди:

– Ўз акангни ўлдирдингми, номард?! Авлодинг, оиланг, сенинг йигитлик шаънингга доғ тушмасин деб бегона эркак билан эмас, аканг билан бўлгандим. Рўзғорга ёрдам қилди, болаларингга оталик қилди. Яхшилиқни билмаган, онкўр.

У эрига ташланиб ўткир тирноқлари билан унинг юз кўзини юла бошлади. Шармандалиқни қилиб, яна сиртига сув юқтирмай беҳадларча уни айблаётган хотинининг гапи Камолиддинни ваҳшийлаштириб юборди. У хотинига ҳам кетма-кет пичоқ ура бошлади. Бу воқеа

шунчалик тез рўй бердики, уни англаб етиш, мушоҳада қилишга Камолиддиннинг ақли ожизлик қилди.

Бўлиб ўтган бу воқеа эрталаб яшин тезлигида бутун қишлоққа, туман ва вилоятга тарқалди. Рўй берган қотилликни ҳар ким ўзича мушоҳада қила бошлади. Кимдир “Даъюс акасини, бевафо хотинини ўлдириб тўғри қилибди” деса, айримлар “Шунчалик ҳам одам ваҳший бўладими? Болаларини ўйламабди-да” деди.

Жаҳл чиқса, ақл кетади, ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўзини қўлга ола билиши керак. Қаҳр-ғазаб билан эмас, ақл-идрок билан иш тутиш лозим. Бироқ шундай пайтлар бўладикки, жаҳл отига минган кишини фақат ва фақат интиқом тинчлантиради.

Ҳаммадан ҳам Рисолатбонуга қийин бўлди. Муштипар она на катта ўғлининг доғида куйишни, на кичик ўғлининг қилмишини кечиришни билмасди. Кимсан Тўйчи раиснинг болалари эл-юрт олдида шарманда бўлишди. Бу насоқни Рисолатбону қандай кўтариб юради? Рисолатбонунинг бошига тушган бу ғамга тош ҳам бардош бера олмаса керак. Эрининг доғидан адои таом бўлганди. Энди бу нимаси?

Бўлиб ўтган бу мудҳиш воқеадан кейин ака-уканинг болалари ўртасидаги рўй берадиган адоватни у қандай қилиб юмшатади. Улар оға-ини бўлиб яшаш ўрнига бир умр бир-бирларига душман бўлиб қолишди.

Икки ўғил фарзанд кўрганида Рисолатбону билан Тўйчи раиснинг севинчи бир олам эди. “Энди икки қанотинг бор, бир умр хору зор бўлмайсан” дея раҳматли эри уни суюнтирарди. Рисолатбону икки ўғлини оқ ювиб оқ тараб уларни кўзининг қорачиғидек асраб-авайлаб улғайтирганди. Нима жин урди уларни? Энг ёмони, Тўйчи раис йиллар давомида мисқоллаб йиққан обрў-эътиборини икки фарзанди ер билан битта қилди. Авлодига путур етди. Энди унинг оиласи шаънини тиклаш амримаҳол. Ахир икки ака-уканинг болалари

эртага вақт ўтиб бир-биридан қасд олмаслигига ким кафолат беради? Шубҳасиз, йиллар давомида “бузуқ” ва “қотил” деган тамға оиланинг бошига тушди. Бир пайтлар Тўйчи раис ва Рисолатбонусиз тўю маъракалар ўтмасди. Энди уларни наинки тўй, азага ҳам айтмай қўйишди. Энди одамлар бу авлоддан қиз олмайди ҳам, қиз бермайди ҳам. Инсонман деган кишига ҳаётда бундан-да оғир жазо бўлмаса керак. Ҳеч кимнинг бошига ҳаргиз бундай савдо тушмасин. Бу қўйга тушганларга яратган эгамнинг ўзи сабр-бардош берсин. Бу кўргиликларга тош ҳам бардош бера олмаса керак, шунинг учун бош тошдан ҳам қаттиқ дейишса керак.

Камолиддин ҳибсхонада ўзига келди. Бўлиб ўтган мудҳиш воқеаларни эслаб, айрим одамларнинг нақадар шафқатсиз, бераҳм, бебурд эканлигини ўйлаб, ич-этини ерди. Яхшиям, осмон узилиб ерга тушмайди, дарёлар тескари оқмайди, минг йиллик тоғлар бу шармандаликни кўриб жойидан силжимайди. Наҳотки ор-номус, виждон, ҳалоллик, қондошлик, садоқат деган инсоний туйғуларга дарз кетган бўлса?! Наҳотки бундай кўргиликларни кўриб коинот ўз ўқидан чиқмайди? Наҳотки бир қориндан талашиб туғишган қондош акаси, жуфти ҳалоли унга хиёнат қилса?! Бу қандай маломат? Бу маломатни юрагида ўти, ор-номуси бор бирор йигит кўтариб юролмайди. Ахир ҳайвон ҳам бундай шармандаликдан ўзини тияди. Табиатнинг султони бўлган ҳазрати инсонга нима бўлган? Виждонсиз, сурбет акаси, беҳаё хотини қилмишига яраша жазо олди. Лекин Камолиддинни болаларининг тақдири ўйлантирарди. Уларнинг аҳволи нима кечади? Ногирон ўғли, қизининг келажаги, тақдири нима бўлади? Ота-онасининг насоғини энди улар қандай кўтариб юришади? Одамларнинг юзига қандай қарашади? Ярим жон бўлиб қолган, бирваракайига икки ўғлидан ажраган хаста онаси бу ҳасратни кўтара олармикан?

Эй фалак, бечора бандангнинг бошига шундай му-
дҳиш кунларни соласанми? Қирқ ёшни кўрган Камо-
лиддинни бутун ҳаёти ёниб кул бўлди-ку! Энди у тирик
бўлиб тириклар қаторида, ўлик бўлиб ўликлар сонида
йўқ. Қуруқ сумбати бор, холос!

Ҳижрон ўтида ёниб, бедорликда тунни тонгга
улаган Камолиддиннинг барча орзу-умидлари сароб-
га айланди. У хориждан келиб касал ўғлини тузатиш,
тўй-томоша қилишни ният қилганди. Энди ўтган ҳаёти
тўғрисида фақат хотира қолди.

Ҳаётнинг пасту баландини тушунмайдиган, димоғ-
дор, кимнингдир ҳомийлиги ёрдамида мансаб курси-
сига ўтирган прокуратура терговчиси ўшқириб столни
урар, Камолиддин эса елкасини тириштириб, саволлар-
га жавоб бермай жимгина ўтирарди. У бесавод калтабин
терговчиларга кишиларнинг тақдири берилганидан
хуноб бўларди. Ахир ҳамма маҳбуслар ҳам том маънода-
ги жиноятчи эмас-ку! Кимдир нохосдан автоҳалокат со-
дир этади, кимдир ҳаётда адашиб жиноятга қўл уради,
кимдир Камолиддин сингари ноҳақликка чидай олмай
жиноят қилиши мумкин. Ана шуларни ҳуқуқ-тартибот
орган ходимлари обдан ўрганишлари керак. Бошқача
айтганда, ҳўлу қуруқни бир оловда ёқмаслик керак.

Камолиддинга очилган жиноят иши билан Ғулом
исми калондимоғ терговчи шуғулланарди. У терговчи
жиноятнинг келиб чиқиш сабаби, нима учун бу жино-
ятга қўл урганлиги, уни бу ишга нима мажбур қилган-
лигини сўраб-суриштирмай, жиноятингиз оғир, узоқ
муддатга қамаласиз деб осмондан келарди. Терговчи
ишни обдан сўраб-суриштирмай, варақни ўзича тўлди-
риб бунга имзо чекинг деб, ишни ёпди...

Хайрият, жиноят ишлари бўйича туман судининг
раиси Ўлжаев ориятли, виждонли, сермулоҳаза, адо-
латли инсон экан. У суд жараёнида жиноятнинг келиб
чиқиш сабабларини очиб беришни адвокат ва проку-

рордан талаб қиларди. Давлат қораловчиси эса “Кар эшитганини, кўр кўрганини қўймайди” қабилида иш тутиб жиноят кодекси китобини варақлаб, ундаги моддаларни пеш қиларди.

Туман судининг раиси Ўлжаев яқинда Камолиддиннинг иши бўйича Тошкентга Олий Суд раисининг қабулига кириб раис билан шу жиноят ишининг тарихини айтиб берганди. Ўшанда Ўлжаев Олий Суд раисига:

– Мени маъзур тутасиз, жиноятчи ҳақиқатан ҳам оғир жиноят содир этган. Уни бемалол узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш мумкин. Лекин мени бир нарсга қийнамоқда. Ахир жиноятчи бу жиноятни иснодга чидай олмай, шармандаликни ҳазм қилолмаганлиги учун содир қилган. Биз адолат юзасидан иш кўришимиз, гарчанд у бугун жиноятчи бўлса ҳам, авваламбор, инсон, унинг инсонийлигини ҳурмат қилишимиз, адолат юзасидан ҳукм чиқаришимиз керак. Токи у бутун умр дунёда ҳақиқат йўқ экан деб норози бўлмасин. Ҳаётдан, жамиятдан, одамлардан, ҳукуқ-тартибот ходимларидан домангир бўлмасин. Агар рухсат берсангиз, бериладиган жазо муддатини қисқартирсам, виждонимга қараб иш тутсам. Токи кишилар суд ходимларида инсонийлик туйғулари йўқ, улар манкуртга ўхшаб нуқул қонунга ёпишадилар, виждон ҳукми эсларидан чиқиб кетади. Ҳаётда ёзилган ва ёзилмаган қонунлар бор. Инсон сифатида биз ҳам шунга амал қилишимизнинг вақти келди.

Олий суд раиси анча вақт сукутга кетгандан кейин оҳиста гап бошлади.

– Мени узоқ йиллардан буён қийнаб юрган муаммони кўтардингиз, – дея гап бошлади суд раиси. – Раҳмат сизга! Қани энди ҳамма суд раислари ҳам виждонларини ишга солиб ҳукм чиқарсалар. Яқинда мухтарам Юртбошимиз жуда катта савобли иш қилдилар. Ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлганларнинг қа-

рийб уч мингтасини афв этилар. Бу катта инсонийлик ва тарбиявий ибратли ишдир. Бугун судларнинг иши нуқул қоралаш эмас, балки билиб-билмай жиноятга қўл урган кишиларни тўғри йўлга солиш, уларни ўз қилган жиноятларига пушаймон бўлиб ватанга, оиласига садоқат ҳисларини уйғотишимиз керак. Ана шунда халқ биздан рози бўлади. Улар адолат тарозибони деб бизни тан олишади. Бу ишингиз билан одамларни қийнаётган, уларни ҳаётига оғу солиб келаётган миллатимиз, урф-одатимиз шаънига доғ тушириб келаётган саволларга муносиб жавоб бўлади. Энг муҳими, ҳақиқат тантана қилади. Бу эса одамлар бизнинг соҳа кишиларидан рози бўлишларига сабаб бўлади. Тан олиб айтиш керак, кейинги йилларда жуда кўп кишилар хорижга чиқиб кетишдилар. Улар пул топаман деб, орияти, оиласи, урф-одатлари, миллий қадриятларимизни оёқости қилиб, иймони, виждони, оиласига пугтур етказмоқда. Ахир миллатимиз оғир уруш пайтида ҳам ўз ватанини ташлаб кетмаган. Бир парча ерида ишлаб шукур қилиб яшаган. Халқимиз сабр-қаноатли халқ, ахир хорижнинг фойдасидан зарари кўп-ку! Болалар тарбияси, уларнинг келажаги тарбияси ҳақида айрим ота-оналар ўйламай пул топиш учун хорижга қараб йўл олмоқдалар. Ахир меҳнат қилса ўзимизда ҳам кун ўтказиш мумкун-ку! Қаровсиз қолган болалар эса жиноятга қўл урмоқдалар.

Судда анча тортишув бўлди, давлат қораловчиси узоқ муддат сўраб оёғини тираб олди, лекин жиноят ишлари бўйича суд раиси Ўлжаев қатъий туриб одамийлик юзасидан ҳукм чиқарди...

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, ЛЕКИН...

Наргизанинг шармандали ўлими Ойша ўйинчини бир оз қайғуга солган бўлса-да, фарзандининг худойиси ўтгандан сўнг у Тўйчи раиснинг ҳовлисини олиш пайи-

да тўрт томонга югура бошлади. У қизимнинг ҳақи бор, икки нафар боласи етим қолди, уларни қарамоғимга оламан, менга ҳовлини беринглар деб югура бошлади. Касалманд Рисолатбонуни қариялар уйига топшириб, ҳовлини батамом ўз номига ўтказиб олиш учун пулини ҳам, вақтини ҳам аямади. Гоҳида ҳақиқат эгилиб, ноҳақлик тантана қилади. Худди ёз фаслида офтоб чарақлаб туриб ноҳос жала қуйгандек. Лекин у бир сониялик. Ўроқда йўқ, мошокда йўқ, хирмонда ҳозир деганларидек Ойша ўйинчи бир муддат ўз мақсадига эришди.

Баъзан ҳўрлигинг келиб кетади. Бу беш кунлик дунёда айрим одамлар шу қадар бераҳм, бешафқат, ноинсоф бўлишадики, уларнинг хатти-ҳаракати, қилаётган ишларини гапиришга одам уялади. Айрим кимсалар пул учун ҳар қандай пасткашликка боришади. Меҳр-оқибат, одамийлик деган нарсани унутишади. Бўлмаса Ойша ўйинчининг ёлғон дўмбирасига ўйнаб, пулини олиб, унга мутлақо тегишли бўлмаган ҳовлини номига ўтказишадими? Ойша ўйинчининг нияти набираларини тарбиялаш эмас, балки бир фурсат ўтиб ҳовлини сотиб набираларини болалар уйига топшириб, Тошкентдан уй олиб, қолган умрини ҳузур-ҳаловатда яшаб ўтишни режалаштирганди.

Яхшиям, дунёда ёвуз, бешафқат, бераҳм одамларнинг разил ниятлари амалга ошмайди. Яратган эгам ўз кароматини кўрсатади. Илонга оёқ бермагандек бундай разил кишиларни жирканч ниятлари амалга ошмайди. Ойша ўйинчининг бу ниятини сезиб қолган қишлоқ аҳли мард туриб берди. Ҳаммадан ҳам қишлоқ оқсоқоли Мамат:

– Қани, кўраман, бу ҳовлининг сотилганини. Ахир Тўйчи раис қуруқ ердан ўз меҳнати билан тиклаган. Тўғри, кўнгилсиз воқеа рўй берди. Лекин Камолиддин ўлгани йўқ-ку! У мард йигитнинг ишини қилди. Ҳукми қоғозга ёзган, пешонасига ёзмаган...

...Орадан йиллар ўтди. Камолиддин ўзига берилган жазо муддатини ўтаб қишлоғига қайтди. Қайнонасининг бу қилмиши уни гангитиб қўйди. Наҳотки одам деган номни олиб юрган инсон шу қадар худбин бўлса. Отаси раҳматли “Онасини қўр, қизини ол” деб ҳақ гапни айтган экан. Нарғиза Ойша ўйинчидан нусха олган экан-да.

Камолиддин энг шимариб ишга киришди. Елиб-югуриб, тегишли ҳужжатларни судга тақдим этиб, ҳовлисини қайтариб олди. Қайнонаси Ойша ўйинчини уй дафтарида чикариб, икки қўлини бошига қилиб қишлоқдан чикариб юборди. Онаси Рисолатбонуни қариялар уйидан олиб келди.

Куёвининг бу қилган ишига чидай олмаган Ойша ўйинчи қўлига қалам олиб Камолиддиннинг устидан ёза бошлади. Ойша ўйинчининг кетма-кет турли юқори идораларга ёзган шикоятлари бўйича қайта суд бошланди. Яқинда судьялик лавозимига сайланган, унинг ҳою ҳавасига учган ёш судья жиноят ишлари бўйича суд раиси Ўлжаевнинг ҳукмини бекор қилиш учун баҳона излай бошлади.

– Ахир икки кишини ўлдирган қотилга ҳам шундай оз жазо берасизми ёки унинг қариндошлари оғзингизни мойладими?

– Оғзингизга қараб гапиринг, укажон. Мен қарийб йигирма йил шу соҳада ишляпман. Ҳаётда қонуний ҳукм билан бирга виждон ҳукми ҳам бор. Биз адолат тарозибонлари шу нарсага амал қилишимиз керакки, ҳаётда виждон ҳукмини чиқаришимиз керак! Шундай иш тутсак, халқимизнинг берган нони бизга ҳалол бўлади. Мен қонун олдида ҳам, Яратган эгам олдида ҳам ўз мансабимни, қилган ишимни тўғри деб билман. Токи кишиларимиз дунёда виждон ҳукми ҳам борлигига ишонч ҳосил қилсинлар!

Azim QODIROV

Vijdon hukmi

Qissa



VIJDON HUKMI

Sokin tun. Borliq shirin uyqu og'ushida. Atrof suv quy-gandek jimjit. Kechaning farog'atbaxshligini uzoq-uzoqlar-dan, ahyon-ahyonda daydi itlarning noxush uvillashi buzib turibdi.

Qiziq bir holat. Bu ham tabiatning o'ziga xos sir-sinoati yoxud tilsimi bo'lsa, ajab emas. Ochig'i, kundan ko'ra tun donishmand kishidek ulug'vor ko'rinadi. Chunki tunning o'ziga xos siri bor. Axir shoh asarlar, buyuk ixtirolarning aksariyati tunda yaratilgani haqiqat-ku! Ijod ahli, qo'yingki, juda ko'p odamlar tunda o'z fikri-xayoliga g'arq bo'lib, o'zi-ga-o'zi hisobot beradi. Kuni bilan qilgan ishlarini baholab, ertangi rejasini tuzadi. Umuman, tunning o'ziga xos tarova-ti, latofati, sir-asrori, xususiyati bor. Yana bir tomoni shun-daki, tun o'zining ilohiyligi bilan ajralib turadi. Tong otishi-ni hech kuzatganmisiz? Ular xuddi tug'ishgan aka-ukadek har kuni bir-biri bilan arazlashib, birining o'rnini biri egal-lashga intiladi. Qiziq, har kuni shu holat takror bo'ladi. Gar-chi ular o'rtasida tortishuv, bahs qizg'in tus olsa-da, lekin ular bir-biridan o'pkalamaydi. Qondoshlik hurmatini joyi-ga qo'yishadi. Chunki tabiatning temir qonuni, koinotning hukmiga qat'iy rioya etishadi. Biroq qattiq o'yga tolgan in-son uchun tun o'ta beshafqat va andishasiz. Rahm qilmaydi kishiga. Ba'zida tunning o'tishi juda qiyin. Soat millari ham aksiga olgandek toshbaqa qadam qilib, juda sekin yuradi.

Jinoyat ishlari bo'yicha tuman sudining raisi O'ljayev shu kecha tuni bilan mijja qoqmay to'lg'onib chiqib, tun-ning bor azobini o'z boshidan o'tkazdi. Oxir-oqibat tong bilan tunning olishuvi nihoyasiga yetdi. Koinot qonuniga binoan tunning tongga taslim bo'lishdan boshqa chorasi qolmadi. Borliq uzra oppoq tong shu'lasi bor kuchini yig'ib,

avval asta-sekin hujum qilib, sal vaqt o'tishi bilan hal qiluvchi zarbani berdi, tiriklikning debochasi bo'lgan oppoq tong butun atrofga hukmronlik qilib, hokimlikni o'z qo'liga oldi.

Tuni bilan tikan ustida o'tirganday kechani bedor o'tkazgan O'ljayev tong otgandan so'ng yengil nafas olib, yana o'z xayoliga g'arq bo'ldi. Yana o'sha o'y-fikr uni iskanjasiga olib, vujudini qiynay boshladi. Bugun u mudhish qotillikni sodir etgan jinoyatchiga hukm chiqarishi kerak. Qanday jazo tayinlash esa uni chuqur o'yga toldirardi. Vaziyat o'ta murakkab. Qotil bir emas, ikki kishining umriga zomin bo'lgan. Ustiga-ustak qurbonlar uning yaqin qarindoshi, biri akasi, ikkinchisi esa turmush o'rtog'i. To'g'ri, u ko'zini yumib jinoyatchiga og'ir jazo tayinlashi mumkin. Buning uchun hech kim uni muhokama qilmaydi. Qonun jihatidan ham u haq bo'ladi.

Lekin masalaning boshqa tomoni sud raisini o'ylantirardi. Bu qotillik sodir bo'lishiga jiddiy sabablar bor. Or-nomus, erkaklik g'ururi ustun kelgan. Qotil jirkanch voqea ustidan chiqib, o'zini idora eta olmagan.

Biroq jinoyatga jazo muqarrar. Qonun – qonun. Uni chetlab o'tishga hech kimning haqqi ham, huquqi ham yo'q. Ayniqsa, adolat tarozisining taroziboni bo'lgan sudyaning...

Dunyoda or-nomus, g'urur degan insoniy tuyg'u bor. Qolaversa, har bir inson uchun nafsoniyatini himoya qilish uning vijdoni oldidagi muqaddas burchidir. O'zini bilgan oriyatli inson borki, o'z nafsoniyatini oyoqosti qilishga, uni toptashga yo'l qo'ymaydi. To'g'ri, qonun-qoida bor. Unga qarab ish tutish har bir kishining burchi. Buni inkor etib bo'lmaydi. Biroq dunyoda yozilgan va yozilmagan qonunlar bor. Hammamiz ham xom sut emgan bandamiz. Osmondan tushganimiz yo'q. Xato qilishdan chegaralanmaganmiz. Hayotda shunday vaziyatlar bo'ladiki, kishi o'z jahlini jilovlay olmay, har qanday jinoyatga ixtiyorsiz ravishda majbur bo'lishi mumkin.

Qora kursida o'tirgan jinoyatchi ham inson. U qo'lini qonga bulg'ashga majbur bo'lgan. Bekorga tug'ishgan ini, xotinining xuniga zomin bo'lmagandir. Hech kim "qotil" degan tamg'ani bir umr gardaniga olib yurishni xohlamaydi.

Sud raisi O'ljayevni ana shu kabi savollar qiynardi. Yo'q, hukmni o'qimaydi. Asosiy xulosani viloyat sudi rahbariyati bilan maslahatlashib, o'zining bu haqdagi fikrini ularga aytib, undan keyin hukm chiqaradi. O'ljayev ishxonaga ham kirmay to'g'ri viloyat markaziga qarab yo'l oldi. Sodir etilgan qotillik tafsiloti bilan jinoyat ishlari bo'yicha viloyat sudi raisining huzuriga kirdi.

– Maslahatingiz kerak, hozirgi ko'radigan ishim ikki kishini o'ldirgan qotil bilan bog'liq. Lekin u o'z g'ururi, nafsoniyatini himoya qilish uchun bu jinoyatni sodir etgan. Unga qanday jazo berish uchun siz bilan maslahatlashgani keldim. To'g'ri, jinoyatchining xatti-harakati qonun nuqtai nazaridan uzoq muddatli qamoq jazosiga loyiq. Biroq u bu jinoyatni qasddan yoki g'araz va adovat uchun qilmagan. Shu tufayli masalaning shu tomonini hisobga olib, adolat yuzasidan ish tutib yengilroq jazo tayinlasammikin?

– Nima deyapsiz, hamkasb? Qotilning xatti-harakatini mutlaqo oqlab bo'lmaydi. Qonun ham bunga yo'l qo'ymaydi. Jazoni yengillatish haqida o'ylab ham o'tirmang. Qolaversa, biz rahm-shafqat idorasida ishlamaymiz!

Arman millatiga mansub viloyat sudining raisi Agabab-yanning bu gapi O'ljayevning jazavasini qo'zg'atib yubordi.

– Men yosh bola emasman. Tushuntirishning hojati yo'q. Lekin bizning vazifamiz adolat yuzasidan ish ko'rish. Xalq shuning uchun bizni bu lavozimga saylab qo'ygan. Rahm-shafqat masalasiga kelsak, sudylar odamiylik yuzasidan odilona ish tutishlari kerak. Qolaversa, biz bilib-bilmay jinoyat qilgan odamni butunlay qoralashimiz noto'g'ri. Uni qilgan jinoyatiga pushaymon qildirish, keyinchalik bu ishga qo'l urmasligi uchun zamin yaratib berish zarur.

Yana bir gap. Tergov davrida bir tomonlama ish yuritilgan. Mendan ketguncha egasiga yetguncha ish tutilib, tergovchilar jinoyatning kelib chiqish sababi, uning nima maqsadda sodir etilganligi, qolaversa, mahalla, qo'ni-qo'shnilarning ayblanuvchi haqidagi fikr-mulohazasi mutlaqo o'rganilmagan. Hisobot uchun tergov shunchaki o'tkazilgan. Ayblanuvchiga tazyiq o'tkazilib, undan qilgan jinoyatiga iqrorligi borasida tushuntirish xati olinib, ish sudga oshirilgan. Biz sudyalari qoralovchining ham, oqlovchining ham fikrini o'rganib odilona hukm chiqarishimiz kerak. Shu tufayli ishni yana tergovga qaytarishni ma'qul ko'raman.

– Kechirasiz, ayblanuvchi o'zingiz yoki turmush o'rtog'ingizning yaqin qarindoshi emasmi? Bunchalik jon kuydirmasangiz. Yoki uning yaqinlari biror-bir katta narsa va'da qildimi? Axir har bir jinoyatchining tarafini olib insoniylik qilaman desangiz, bu lavozimda ishlamaganingiz ma'qulmi, deyman.

– Qayerda va kim bo'lib ishlashimni juda yaxshi bilaman. Lekin kasbim nuqtai nazaridan qonun oldidagi burc-him haqqi-hurmati jazo tayinlashda yetti o'lchab bir kesaman. Inson sha'ni, uning g'ururini poymol qilishga aslo yo'l qo'ymayman. Men sizning oldingizdan o'tgani keldim. Bu ishni qayta tergovga qaytaraman. Bu bizning kasb burchimiz. Qolaversa, vijdonimiz oldidagi hisobotimiz!

Viloyat sudining raisi Agobabjan O'ljayevning bu gaplaridan keyin og'iz ocha olmay qoldi.

SEVGI YOSH TANLAMAYDI

Bu ko'hna dunyoning bir sir-sinoati borki, olam yargandan buyon tabiatning buyuk mavjudoti, har qanday tilsimni o'z bilim va iqtidori bilan mag'lub qilgan hazrati inson shu paytgacha bir muammoning jumbog'ini yecha olmay lol-u hayron. Bu – tiriklikning ne'mati, ziynati, rohat-u farog'ati, sevinchi, g'am-alami, shirin-achchig'i, shodligi-yu tashvishining sababchisi bo'lgan "Sevgi" deb atalmish

haqiqat, balki afsona. Sevgi bormi, yo'qmi, ana shu javobni topa olmay hanuzgacha hamma armonda.

Chunki sevgi deb atalmish ilohiy kuch manaman degan pahlavonlarni tiz cho'ktirgan. Aqlini telba, telbani dono qilgan. Alpomish-u Farhodlar, Majnunlar, Otabeklar uning olovida yonib kul bo'lgan. Buning sababini hech kim va hech qachon anglay olmagan. Voajab. Sevgi iztirobmi, huzurmi, g'am-tashvishmi? Bu nima o'zi? Sevgining yana bir ilohiy kuchi bor. U yosh va chiroy, boylig-u mansab tanlamaydi. Uning ko'zi ko'r, diydasi qattiq, rahm-shafqati ham yo'q. Sevgi dardiga muhtalo bo'lgan insonni baxtli ham, baxtsiz ham deyish mumkin. Baxtliligi shundaki, o'z sevgisiga erishgan kishi hayotda sarmast bo'lib umrining oxirigacha rohat va farog'atda yashaydi. Baxtsizligi shundaki, sevgi dardiga muhtalo bo'lgan oshiqning bir umr bedavo dardga duchor bo'lgan bemordek bu xastalikni faqatgina diydor qutqarishidan najot kutib umid bilan yashashdan boshqa iloji va yo'li yo'q.

Eng qizig'i shundaki, hali hech kim dunyo yaralgandan buyon sevish, sevilishni man qilmagan. Sevgi shunday ajoyibotki, u kimga va qachon duch kelishini bilib bo'lmaydi.

Eh-e, dunyo yaralgandan buyon sevgi haqida qanchadan-qancha ijodkorlar she'r bitib, asar yozib uning bor bo'yini insoniyatga taqdim etmagan deysiz. "Qora xolingga baxsh etgumdir Samarqand-u Buxoroni" deb oshiq shoir ikki buyuk shaharni in'om qilganligiga nima deysiz? Dunyoni titratgan jahongirlar, podshohlar, pahlavonlar sevgi oldida tiz cho'kib, uning yongan olovida kuyib kul bo'lgan. Hali hech kimga sevgi iskanjasidan chiqib ketish nasib etmagan. Toki insoniyat tirik ekan, sevgi qalblarda mangu yashaydi. Eng qizig'i, sevgi hali mo'ylabi sabza urmagan yosh o'spirin bolaga ham, sochlariga oq oralab qolgan qariyaning ham qalbiga kirib, uni o'ziga rom etishi mumkin. Kamoliddin ham yoshligidan sevgi dardiga muhtalo bo'ldi. U birinchi sinfga borganda muallimasi o'qishning birinchi kuniyoq uni

Nargiza ismli qizcha bilan bir partaga o'tirg'izdi. Yaratgan egamning qudrati bilan shu kundan e'tiboran uning ishqini Nargizaga tushdi. Nargizaning chiroyi, uning shahlo ko'zlari, kulib turgan yuzi va yanoqlari yosh Kamoliddinning qalbiga o't yoqardi. U ertalab turib onasining qistoviga ham qaramay choy ichmasdan maktabga chopar, sinfga kiriboq Nargizani axtarardi. Gohida u kechikib kelsa, o'zini qo'yarga joy topa olmay asabiylashardi. Esida, Nargiza kasal bo'lib bir hafta maktabga kelmay qolgandi. Ana o'shanda Kamoliddinning ahvolini ko'rsangiz edi. Uning chehrasi tund, hech kimning gapi yoqmas, injiq va jahldor bo'lib qolgandi. Oxir-oqibat uning sabriga darz ketdi. Yurak yutib, bir ko'cha narida yashaydigan Nargizalarnikiga yo'qlab bordi. Tomog'ini ro'mol bilan o'rab, egniga atlas ko'ylak ilib chiqqan Nargizani ko'rib muhabbati o'n chandon oshdi. Bejirim xon atlas ko'ylagi uning chiroyiga chiroy qo'shgandi.

– Tomog'im og'ridi, ukol qilishdi, rosa og'ridi. Dushanba maktabga borsam kerak, – Nargizaning erkalani b gapi-rishi Kamoliddinga xush yoqardi. Buni qarangki, o'n besh daqiqa suhbatdan keyin Kamoliddinning ko'ngli taskin topib, chehrasi ochildi.

Tutab turgan cho'g', albatta, olov oladi. Sevgi bora-bora kuchayib, balog'at yoshiga yetganda yigit Nargizasiz yashay olmay qoldi. Faqat u qanday qilib sevgisini izhor qilishni bilmay azob chekardi. Endi u yoshlikdagi singari Nargizaga tegajog'lik qilmas, uni avaylar, ra'yiga borib, har qanday yo'l bilan bo'lmasin, ko'nglini olishga harakat qilardi. Yuqori sinfda o'qiganlarida paxta yig'im-terimiga chiqishardi. Kamoliddin erta tongdanoq nonushta qilmay dalaga chiqib o'zi uchun ham, Nargiza uchun ham etak-etak paxta terardi. Lekin yurak yutib unga dil izhorini aytolmay xunob bo'lardi. U bir narsadan qo'rqardi. Agarda Nargiza uning sevgisini rad etsa, holi nima kechadi? Ana shu savol uni azoblardi. Qo'lidagi qimmatbaho shishani avaylagan kishidek uning chilparchin bo'lishidan qo'rqib Nargizaga

sevishi haqida aytolmasdi. Kamoliddin garchand mard, qo'rqmas, pahlavon yigit bo'lishiga qaramay, bu masalaga kelganda xasta bemordek ojiz va notavon edi. Kamoliddin yaxshi o'qirdi. U sinfda peshqadam va sardor edi. Hamma fandan, ayniqsa, adabiyot fanidan uning oldiga tushadigani yo'q edi. U shoirlarning she'rini o'qib o'z dardiga malham topgandek bo'lardi.

*Ishq savdosi tushdi boshima,
Ayni balog'atga yetgan chog'ima,
Tortadurman jafosin hamon,
Ketsa-da tanimdan quvvat-u darmon.*

Nargiza ham maktabda o'ntaning bittasi edi. U maktabda bo'ladigan kechalar, hattoki, qishloqda katta-kichik tadbirlarda o'zining mayin, yoqimli ovozi bilan qo'shiq aytib hammani rom qilardi. O'sha kuni qishloq husniga xol bo'lib tushgan yangi musiqa va san'at maktabi ochildi. Ushbu marosimga bag'ishlanib konsert namoyish etildi. Ana shu marosimda Nargiza qo'shiq aytdi. Uning ohanrabo qo'shiqlari barchani o'ziga mahliyo etib, hali qo'shiq tugamasdanoq chapaklar yangrar, uni qayta-qayta sahnaga taklif etishardi. Kamoliddin Nargizaning ashulasiga mahliyo bo'lib tinglar-kan, xayol uni o'z og'ushiga oldi, u bu daryoga shunchalik chuqur cho'kkan ediki, hatto sahnada tanovar raqsini ijro etayotgan qiz ham uning ko'ziga Nargiza bo'lib ko'rinardi. Faqat yoniga kelib o'tirgan Nargizaning "Xo'sh, qalay, chiroyli o'ynayaptimi dugonam?" degan savoli uni o'ziga kelishga majbur qildi. O'shanda u bir necha soniya nima deyishni bilolmay gangib qoldi va nihoyat o'zini qo'lga olib "Dugonang Guli chiroyli o'ynarkan!" deya oldi, xolos.

Nargiza bilan Kamoliddin tashqariga chiqqanda tog' orqasidan oy mo'raladi. Xavf-xatar yo'qligiga ishonch hosil qildi, chog'i, jamolini ko'z-ko'z qilgandek ko'k narvonidan asta-sekin yuqorilay boshladi. U go'yo tun kirishini

kutaverib, horib mudrayotgandek edi. To'satdan shamol turib bulutlarni yetaklab keldi. Endi to'lin oy bamisoli oshiq-ma'shuqlarga xalaqit bermaslikka ahd qilgandek goh bulutlar panasiga yashirinar, goh ularning orasidan mo'ralab atrofni yoritardi. Yomg'ir hidi anqidi-yu, lekin undan darak bo'lmadi, g'azabi qo'zigan shamol bulutlarni parcha-parcha qilib quvib yubordi va og'ir tashvishdan xoli bo'lgandek jimib qoldi. Osmonda suzib yurgan oy endi bemalol borliqqa o'z nurini socha boshladi. Oyning shu'lasini shunchalik ravon ediki, Kamoliddin sevgilisining ruxsori-ni bemalol ko'rardi. U Nargizaning husn-jamolini suqlanib tomosha qilarkan, nimadir demoqchi bo'lib og'iz juftladi-yu, biroq to'rga tushgan bedanani uchirib yuborishdan qo'rqqan ovchi misoli gapirishga jur'at etolmasdi. Ikki sinfdosh musiqa va san'at maktabidan chiqib ancha yurganlaridan so'ng qishloq tugashi bilan o'ngga, qishloqning o'rtasidan oqib o'tadigan Damariq ustiga qurilgan yolg'izoyoq ko'prikdan o'tishdi-da, so'qmoqdan yurib Nargizaning hovlisi tomon ketishdi. Kamoliddin Nargiza bilan yonma-yon borarkan, ahyon-ahyonda uning ko'zlariga qarab qo'yardi. Bu ko'zlar shunchalik qadrdon, musaffo va suyukli ediki, sira boshqa ko'zlarga o'xshamasdi. Kamoliddin uchun Nargiza tobora ehtiyojga aylanib borardi. Uni bir kun ko'rmasa sog'inadigan, ko'ngli qumsaydigan bo'lib qolgandi. Kunduz kunlari sira ko'z o'ngidan nari ketmas, kechalari esa tushida ko'rib, uning yodi bilan yotib, u bilan uyg'onardi. Uzun kechalarda unga pinhona sevgisini izhor qilar, rizolik javobini olib, oq harir ko'ylak kiygan sevgilisini qo'liga ko'tarib hamma ko'z-ko'z qilardi. Tong otib, kun boshlanishi bilan qandaydir anglab bo'lmas kuch Kamoliddinning tilini bog'lab dardini aytishga yo'l qo'ymasdi. Uning yuragi ojizlik qilib ozor chekar, orlanar, o'zini-o'zi gohida koyir edi. "Ertaga, albatta, unga sevishimni aytaman", deb o'ziga so'z berardi-yu, lekin nimagadir tili kalimaga kelmay, biror so'z aytishga yuragi dov bermasdi.

Nihoyat, bedor o'tayotgan tunlarning birida Kamoliddin Nargizaga o'z sevgisini maktub orqali izhor etishga jazm qildi. Tun yarmidan oshgandi, o'rnidan sapchib tur-di-da, qalbidagi bor dardini oq qog'ozga to'kib sochdi. O'zi-ni Otabekka, Nargizani Kumushga qiyos qilardi. "Men sizni sevaman. Sizsiz menga yorug' kunlar qorong'u, saraton, qahraton", deb yozdi. Maktubining nihoyasida o'zi yozgan she'rini ilova qildi.

*Ey, parivash Nargizim, qilma meni ovora,
Hijroning nashtari-la etma qalbm sadpora.
Aqlim olib jonona, qilma meni devona,
Qalbm aro asrorim etdim senga oshkora.
Rahm ayla ahvolima, rohat bergil jonima,
Arz ayladim saboga, qo'msab seni, nigora.
Nochor bo'lib ahvolim, ketdi tandan madorim,
O'zingsan shifokorim, topgin dardima chora.
Ko'rgin mening holimni, etma poymol orimni,
Inobat-la zorimni bir lahza et nazzora.
Bo'lib senga intizor, ey sitamgar suvvora,
Gar istasang, etay tark iymonimni, dildora.
Aylayin sadqa sendan bu jonimni ming bora,
Qil iltifot, et barbod, ahd-paymonim bir bora,
Shunda taskin topgay Kamol qalbi, zora.*

Kamoliddin maktubni yozib bo'lib, uni qayta-qayta o'qib chiqdi. So'ng uni kostyumining cho'ntagiga avaylab solib qo'ydi. Chiroqni o'chirib to'shakka kirdi. Lekin uyqusi kelmadi. Baland osmonda miltillab turgan yulduzlar qur-shovida ohista suzayotgan oy uning xayolchan yuzini yorit-di-yu, uyqusini battar qochirib yubordi. U ertalab qanday qilib maktubni berish haqida o'ylay boshladi. Vaqt allama-hal bo'lganda shirin xayollar og'ushida uyquga ketdi. Onasi Kamoliddinni uyg'otmaganda haligacha dong qotib uxlar-kan. O'rnidan turganda vaqt allamahall bo'lgan, otasi ishga,

akasi maktabga ketib bo'lgan ekan. U shoshib yuz-qo'lini yuvib, nonushta qilmay maktabga qarab yugurdi. Maktab binosiga kiraverishdagi e'lonlar taxtasiga yopishtirilgan qog'ozga ko'zi tushib quvonib ketdi. Unda bugun kechqurun adabiy kecha o'tkazilishi to'g'risida yozilgandi. Ayni muddao, xayolidan kechirdi u. Bugun maktubni unga, albatta, beradi.

Adabiy kecha rosa maroqli o'tdi. Kamoliddin o'z she'rlari hamda Abdulla Oripov, Erkin Vohidov, Normurod Narzullayev she'rlarini yoddan o'qib berdi. Tadbir tugagach Kamoliddin Nargizani uyigacha kuzatib bordi. Qish fasli maftunkor-da. Ko'chalar oq poyandoz to'shalgandek oppoq, og'ir qorni ko'tarolmay egilgan daraxt shoxlari sinaman-sinaman degandek turibdi. Havo unchalik sovuq emas. Manzara go'zal, tarovatli. Kamoliddinni bir o'y tinch qo'ymasdi: "Maktubni bersammi yoki bor gapni shartta-shartta yuziga aytсамmi?" Biroq qani endi o'sha jasorat, qani o'sha zabon? Go'yo kimdir uni sehrlab qo'ygandek tili kalimaga kelmay, yuragi qo'ldan chiqishga urinayotgan qush misoli potirlab, gup-gup etib urardi. Nargiza ham jim, nimalar haqidadir xayol surib borardi. Balki Kamoliddinning holatini sezayotgandir, no'noqligi uchun uning ustidan kulayotgandir? Bu uning o'ziga, yolg'iz Ollohga ayon edi. Kamoliddin o'zini bosib olishga urindi. Axir hech bo'lmaganda unga xatni berish kerak edi-da. Ular Nargizaning hovlisiga yetib kelishdi. Nargiza xayrlashmoqchi bo'lib Kamoliddinga qo'l uzatdi:

– Kuzatib qo'yganing uchun rahmat, – deya kulib uyi tomon bir qadam tashladi. Kamoliddin shu onda Nargizaning ketishini xohlamas, ertalabgacha uning yonida bo'lishni istardi. Shu onda Kamoliddinda jasorat paydo bo'lib, Nargizaning momiqdek yumshoq qo'lini ushlab kafti orasiga oldi. Nargiza bir seskanib qo'lini tortib olmoqchi ham bo'ldi, lekin qandaydir g'ayritabiiy kuch bunga izn bermadi.

– Nargiza, – dedi Kamoliddin ovozi titrab.

– Eshitaman, – dedi Nargiza.

Kamoliddin o'zini yo'qotib duduqlandi, gaplarini aytolmay qoldi.

– Sovqotdingmi, Kamol, qaltirayapsan.

– Yo'q, sovqotganim yo'q, o'zim shunday... Ha, manovini ol, – deb kechqurun yozgan xatini Nargizaning qo'liga uzatdi, – o'qib javobini aytarsan...

Kamoliddin o'sha xatni bergan kecha mijja qoqmay chiqdi. Nima bo'larkan? Uning bu xatti-harakatini Nargiza qanday baholarkan? Yoki uni ahmoqlikda ayblab, xatni sinfdoshlariga o'qib berib sharmandasini tortarmikan? Ana shu o'y-xayol unga tinchlik bermasdi. Gunoh ish qilib qo'ygan yosh boladek ertasi kuni qo'rqib maktabga bordi. Sinfga kirishga yuragi dov bermay, dars boshlanishini kutdi. O'qituvchidan bir soniya oldin kirib joyiga o'tirdi. Agarda Nargiza sinfdoshlariga maktubni o'qib bergan bo'lsa, o'qituvchi sinfga kirishda kulgiga qolmaydi. Xayriyat, hech kim unga e'tibor qilmadi. Lekin Nargiza har kungidek emas. U endi sinfdoshiga nisbatan emin-erkin, do'stona munosabatda bo'lolmasdi, u og'ir, uyatchan, vazmin bo'lib qolgandi. Ajabo, bir kechada kishi shunday o'zgararmikan? Bu dars Kamoliddin uchun bir asrdek o'tishi qiyin bo'ldi. Atiga qirq besh daqiqalik dars bir umrga tengdek edi. Nargiza xafa bo'ldimikan? Bunchalik ma'yus. Do'st tutgan kishisining sevgi izhor qilishini nomardning ishi deb o'ylayotgandir. Agar shunday deb o'ylagan bo'lsa, o'n yillik qadrdon do'stlik kosasi chil-chil sinadi. Nihoyat, dars tugadi. Kamoliddinning yelkasidan tog' ag'darilgan bo'lsa-da, u Nargizaning maktubga qanday javob berishini o'ylab vahimaga tushardi. Darslar tugaguncha Kamoliddin ming bir azobda qiynalib yurdi, oxir-oqibat dars tugab, har galgidek ular ikkalasi qishloqning ovloq, yolg'izoyoq yo'lidan yurib, Nargizalarning uyi tomon asta-sekin qadam tashlab keta boshladilar.

– Xo'sh, – dedi Kamoliddin go'yo birov eshitib qolishidan cho'chigandek past ovozda, – xatni o'qidingmi?

Nargiza javob berish o'rniga qah-qah otib kulib yubordi. Kamoliddinning jahli chiqdi. Nargiza meni mazax qilyapti deb qalbi qavardi. Bir so'z ayta olmay ancha fursat dovdirab qoldi.

– Ma, ol, kechagi bergan maktubingni, – deya Nargiza unga xatni uzatdi. Endi Kamoliddinda shubha qolmagandi. Uning avzoyi buzilib bir zumda to'mtayib qoldi. Tarvuzi qo'ltig'idan tushgan kishidek o'zini yo'qotib qo'yib, qalbi-dagi o'n yildan buyon yonib turgan sevgi gulxani o'chgan-dek tuyuldi. Orqasiga burilib ketmoqchi bo'ldi-yu, biroq qandaydir g'ayritabiiy kuch ketishiga yo'l qo'ymadi. Nargizaning qo'lidagi qog'ozini yulib olib, kafti orasiga siqdi-da, alam bilan qattiq g'ijimlay boshladi.

Nargiza sinfdoshining holatini payqadi, chog'i, uning ko'zlariga mehr to'la nigohini qadadi.

– Quruq qog'ozning nimasiga javob berishim kerak, Kamol? – dedi u jilmayib. Birgina shu luqma tarang vaziyatni afsungarday bir zumda yumshatib, Kamoliddinning shubhasini parchalab yubordi. U o'zining nojo'ya o'ylaridan xijolat tortdi. Umidsizlik, tushkunlik girdobidan ishonch sohiliga qayta chiqqandek quvonib ketdi va o'zi ham Nargizaga qo'shilib miriqib kula boshladi. Darhaqiqat, Nargizaga atalgan maktub uning cho'ntagida turardi. Hammasi ayon, kecha shoshgandan o'zi yozgan sevgi maktubining o'rniga quruq qog'ozni konvertga solib berib yuborgan ekan. Kamoliddin o'sal bo'lib gangib qoldi. Bu noqulay holatdan uni yana Nargizaning o'zi qutqardi.

– Xo'sh, nima gaping bor! Dangal aytavermaysanmi, Kamol! Xat yozishga balo bormi?

Kamoliddin bu shaddod, sho'x o'n yillik partadoshiga kutilmaganda yuragidagi bor gapni ochiq-oydin aytdi.

– Men seni sevaman, – dedi u go'yo muqaddas sirni oshkor qilayotgandek ehtiyotkorlik bilan. Ehtiros bilan aytilgan bu so'zlarni eshitgan Nargizaning shahlo ko'zlari chaqnaq ketdi. Qalbi terak bargiday titray boshladi. Chunki

u ham Kamoliddinni sevardi. Kamoliddinning og'zidan se-vishi haqidagi gapni eshitib yillar davomida kutgan, kecha-lari uxlamay u haqida o'ylab to'lg'anib chiqqan kechalarini yodga oldi. Bugun u baxtli, chunki uning orzusi ro'yobga chiqdi. Shu onda u Kamoliddinni senlaganidan uyalib ketdi.

– Nega javob bermaysan, Nargiz?

Nargiza ancha sukut saqlagandan keyin iymenib, qiz-larga xos hayo va ibo bilan sekingina yarim ovozda:

– Qaydam, men ham sevaman, shekilli, – dedi.

Qizning bu gapidan so'ng Kamoliddin xazina topgan odamdek sevinchi ichiga sig'may suyunib ketdi.

– Rahmat, Nargiz, ana shu javobni sendan kutgandim, – dedi-yu, xayrlashishni ham nasiya qilib yosh boladek ortiga o'girilib chopqillab ketdi. Shu onda uning ko'ngli tanholikni qo'msar, "Meni Nargiz sevarkan", deb olamga jar solgisi kelardi. Kamoliddin qishloq oralab borarkan, quvonchini baham ko'radigan do'stlarni qidirardi. Ko'ng-liga yaqin kimsani topmagach, tog' orqasidan asta-sekin ko'tarilayotgan quyosh bilan, atrofga zeb berib, ko'ngillar-ga orom baxsh etib, qiyg'oz gullagan dov-daraxtlar bilan sirlashdi...

Nargiza ham uyiga kelib naridan-beri choy ichib o'z xo-nasiga kirdi, lekin uyqusi kelmasdi. Yoshlik, sevgi tuyg'ulari xayolini iskanjaga olib shirin o'ylarga ko'mardi. Olis osmon-da miltillab turgan yulduzlar qurshovida suzayotgan oy uning yuzini yoritdi. U Kamoliddin haqida o'ylay boshladi. Ha, Kamoliddin Nargizaning birinchi muhabbati! Naqadar totli so'z, uning toza sevgisi Nargizaning qalbiga kirib bor-di, qat'iylik bilan qaddini rostladi va yo'lida uchragan bar-cha to'siqlarni yengib rivojlana bordi. Ular bir-birovlariga jilovlab bo'lmaydigan kuch bilan intilishdi. Ularning naza-rida dunyo go'yo yolg'iz ular uchun yaratilgandek edi. Ular o'n yildan beri birga, bundan keyin ham doimo birga bo'li-shadi. Vaqt allamahol bo'lganda Nargizaning uzun kiprikla-ri jipslashdi va u uyquga ketdi.

Kamoliddin bugun odatdagidan ancha erta uyg'ondi. U hovliga chiqqanda kechasi bilan savalab yoqqan yomg'ir tingan, siyraklashgan bulutlar nafarmon osmonda kezib yurar, kuchsiz, orombaxsh shamol esib turardi. Hademay bulutlarning yirtig'idan quyosh mo'raladi. Uning shu'lası butun borliqni egallab oldi. Tabiatning bu ajoyib va serjilo go'zalligidan sehrlangan Kamoliddin bir necha daqiqa xayol surib turdi. So'ng o'ziga kelib, ko'ylagini yechdi-da, mis obtovadan muzdak suv quyib, yuvinib yaxshilab artindi. Xonasiga kirib kiyindi. Bugun u boshqacha. Kayfiyati a'lo, o'zini qushdek yengil his qilmoqda. Bunga sabab Nargiza edi. Chunki u o'n yildan buyon goh qo'rqib, goh hadiksirab, goh umidsizlikka tushib o'z sevgisini izhor qilolmay xavotirda yurardi. Endi esa har xil bo'lmag'ur xayollardan ozod, yelkasidan tog' ag'darilgan kishidek yengil. Hovlisidan chiqib atrofga suqlanib boqdi. Tog' yonbag'irlarini hisobga olmaganda hammayoqda qor erigan, qishning qilichi sinib, bahor borliqqa o'z hukmini o'tkaza boshlagandi. O'rik, shaf-toli, olcha kurtak urgan. Bodom gullagan. Billurdek moviy osmonda quyosh osilib turgandek qushlarning sayrashı bıram yoqimli. Kechasi sharros yoqqan yomg'irning daraxt shoxlarida marjondek tizilgan tomchilari uzilib, ko'lmakka tushganida ajib bir ohang kashf etib, qushlarning qo'shig'iga jo'r bo'lgandek tuyulardi. Shu tariqa Kamoliddin tabiat bilan so'zlashgandek bo'ldi. Tabiatda til ham, muhabbat ham borligiga iymon keltirdi. Bu ajib tasavvuridan o'zi quvonib ketdi.

Hademay qishloq adog'i ko'rinib, Chig'anoq dashti boshlandi. Kamoliddin dasht orqali Nargiz bilan kelishgan manziliga borardi. Yaylov go'yo turli xil gullar solingan qoqma gilam to'shalgandek serjilo va maftunkor. Yuzlarini muloyim siypalab esayotgan yoqimli shabada, o't-o'lan hidlari Kamoliddinning dimog'iga urilardi. Qo'y-echkilarning ma'rashiga cho'ponlarning "hey-hey"lab qo'ylarnı haydashı hamohang bo'lib kuy misoli quloqqa chalinardi.

Kamoliddin kelishilgan joyga yetib keldi. Biroq Nargizadan darak yo'q. Nahotki kelmasa? U tashvishlana boshladi. Lekin bezovtaligi uzoqqa cho'zilmadi. Nigohi so'qmoq yo'ldan kelayotgan Nargizaga tushdi. Uning nazdida go'yo qishloq tomondan quyosh ko'tarilib olamni nurafshon qilgandek, qalbiga iliqlik baxshida etgandek bo'ldi.

Oshiq-ma'shuqlar qo'l ushlashib Qoradaryo bilan Nahripay tutashgan so'lim go'sha tomon borisharkan, endigina qiyg'os gullagan dov-daraxtlarning tarovati ularni o'ziga mahliyo etar, orombaxsh shabada silkitib turgan anvoyi gullarning xushbo'y hidi sarxush qilar, loyqalanib oqayotgan Nahripayning shovullashi quloqlarga rohat baxsh etar edi. Ular bu go'zal va ajoyib manzarani miriqib tomosha qilishgach, ensiz ko'prik ustidan Nahripayning narigi qirg'og'iga o'tishdi. Va ko'm-ko'k maysa ustiga joylashib olib suvning o'ynoqlab oqishini kuzata boshlashdi. Kamoliddin Nargizaga suqlanib boqarkan ko'ngli orziqib ketdi. Guldor adrasdan odmi qilib tikilgan ko'ylak va qizil baxmal nimchada Nargizaning chiroyi sof tillaning jilosi yanglig' yaltirardi. Bugun uning ko'zlari o'zgacha, yuzlari shaftoli gulidek nafis, lablari oftob haroratidan bahra olib pishgan gilosni eslatardi.

Kamoliddin o'rnidan ohista turib jimgina Nargizaga yaqinlashdi va qo'lidan tutdi...

Yozgi imtihonlar ham tugadi.

Qiziq bir holat, maktabni bitirgan kuniyoq har bir yigit va qiz yashin tezligida ulg'ayib qoladi, endi uning sho'x-shodonligidan asar ham qolmaydi. Hayot deb atalmish beto'xtov oqayotgan daryoga tushib, unda suzib ko'zlagan manzilga yetib borishi uchun o'n yil olgan bilimi asqotadi. Endi o'qituvchi emas, ulardan hayotning o'zi imtihon oladi.

Kamoliddin yaxshi o'qidi. Shu tufayli ham Toshkentda oliygohga kirdi. Nargiza esa qishloqda ochilgan kompyuter kursida o'qidi. Sevishganlarning hijronli kunlari boshlandi. Yaxshiyamki, ularning baxtiga zamonaviy qo'l telefonlari

chiqqan. Har kuni Nargiza bilan Kamoliddin "SMS" orqali gaplashib turishardi. Bayramlarni Nargiza sabrsizlik bilan kutardi. Sababi Kamoliddin shu kunlari, albatta, qishloqqa kelardi.

Dunyoda ajib his-tuyg'u bor, u ham bo'lsa hijron. Bu tuyg'u ham og'ir, dardli, shirin va totli. Chunki sevgan kishingni sabrsizlik bilan kutganingda o'tayotgan har bir daqiqa asrga tengdek tuyuladi. Daqiqa, soat, kun, oylarga cho'ziladigan hijron oshiqning sevgisini mustahkamlaydi. Uning muhabbatini toblaydi. Qizig'i, hijron adog'iga yetib, diydor fursati yetgach, bir zumda sog'inish, iztirob va qo'm-sashlar unut bo'lib, ayriliq azobidan asar ham qolmaydi. Ayniqsa, ikki sevrishgan qalb uzoq muddatli ayriliqdan so'ng diydorlashsa butun borliqni unutilib, bor alamini hijrondan olgandek bir-biriga to'ymaydi. Kamoliddin to'rtinchi kursni bitirib yozgi ta'tilga qishloqqa kelganida Nargiza bilan har galgidek Narpay bo'yidagi ovloq tokzorda uchrashishdi va yoshlik ehtirosiga erk berishdi.

ISNOD

To'ychi rais bir oy mobaynida birinchi marotaba uyiga kech kirmay yetib keldi. Xo'jalikning yuki og'ir. Katta jamoaning uvol-u savobi uning gardanida. To'y-hashhammi, azami, ikki ming xonadonning xursandchiligi, g'am-g'ussasiga sherik. Buni turmush o'rtog'i Risolatbonu ham, farzandlari ham yaxshi bilishadi. To'ychi rais har kuni xo'roz qichqirmasdan erta tongda dalaga chiqib ketib yarim tunda horrib, charchab keladi. Uni bolalari oylab ko'rmasdi. Faqatgina xotinidan bolalarining xulqi, ularning o'qishini so'rab qo'yardi, xolos. Ro'zg'orning barcha tashvishi, bolalarining kiyinishi, o'qishi, bozor-o'char, hattoki hovlini ta'mirlash ham Risolatbonuning gardanida. Xamir qorish, non yopish, sigir sog'ish, nonushta, tushlik va kechki ovqat tayyorlash, umuman bor tashvish uning zimmasida.

Erining bugun barvaqt kelganidan suyunib, dilida anchadan buyon tugib yurgan bir maslahatli gapni kelishib olishga niyat qildi. Muddaosini aytishda esa qaynonasi Orzi kampirni ishga soldi. Kechki ovqat yeb bo'lingach, dasturxonga fotiha o'qildi. Bolalar birin-ketin o'z xonalariga kirib ketishdi. Bog' o'rtasida qo'yilgan chorpoyada To'ychi rais, uning onasi, turmush o'rtog'i choy ichishib, qishloqdagi yangiliklar, qo'shnilar to'g'risida suhbat qura boshlashdi. Shu payt Orzi kampir gap boshlab qoldi.

- O'g'lim, mening to'rt kunligim bormi-yo'qmi, uni yaratgan biladi. Bir oyog'im uyda, bir oyog'im go'rda. Bir kun sog' bo'lsam, uch kun kasalman. Xudoga shukur, bergan yoshiga shukur. Men ham nevara kelin ko'rsam, evaramning jajji ovozi eshitsam, armonim qolmasdi. Pishgan mevani vaqtida uzmasang, shirasi ketib, mazasi yo'qoladi. Kamoliddinning ham mo'ylabi sabza urib navqiron yigit bo'lib qolgan. Dam g'animat, fursat g'animat. O'limdan oldin hamma ishni ertasi yaxshi. To'y qilib nevaramning orzu-havasini ko'zim tirikligida ko'ray deyman-da. Meni desang Kamoliddinni uylantirasan. Kelinim Risolatbonuni ham qo'li bo'shaydi. Yo'q dema, to'y bilan imoratnikini Xudo beradi.

To'ychi rais hayron bo'ldi. Vaqtning o'tishini qarang, kechagina pildirab yurgan bolakay bugun kuyovlikka loyiq bo'libdi. Ish bilan bo'lib sezmagan ekan. Onasining gapini sukut bilan eshitib, xotini Risolatbonuga yuzlandi.

- Kamoliddin tengilarning hammasi uylandi, bolalik ham bo'lishgan. O'g'lingiz to'rtinchi kursni bitirib, xo'jalikka amaliyot o'tash uchun yo'llanma olib kelibdi. Yetti oy shu yerda bo'ladi. Yo'q demang, o'g'lingizni uylantiraylik. Tomdan tarasha tushgandek hech kutilmaganda bu gap uni o'ylovga solib qo'ydi. Ancha sukutdan keyin ohista gap boshladi.

- Kamoliddinga kelin ham topib qo'ygandirsizlar?

- Ha, Haydar novvoyning qizi Sayyora juda odobli, tarbiyali, o'n qo'li o'n hunar. Chiroyi ham kam emas. Tagli-tug-

li, iymonli oila. Ota-onasining ham zoti-zurriyoti yaxshi. Qishloqdagi obro'li oilalardan biri. Shuni ko'z ostimga olganman. Rozi bo'lsangiz, shu xonadonga og'iz solsam.

Bu gap raisga ham ma'qul tushdi.

– Haydar novvoy oriyatli, saxiy, qo'li ochiq, bama'ni odam. Oilasi mehnatkash, halol. Qishloqning yaxshi-yomon kunida o'zini hech qachon chetga olmaydi. Menga ma'qul.

– Sizlar topgan kelinlaringiz kuyovto'raga ma'qul tusharmikan? Axir yashaydigan u-ku!

– Qaysi bir zamonda ota o'g'lidan so'rab ish qilgan, – dedi Orzi kampir. – Kamoliddin hali past-balandni, yaxshi-yomonni, odamlarning nasl-nasabini qayerdan bilsin? Zar qadrini zargar biladi, chilangar qayerdan bilsin? U hali odam tanigunicha yetti qovun pishig'i bor. Har qanday yigitni ham boshini ikkita qilaman, de, qalpog'ini osmonga otadi. Senda ko'rdim o'g'il bilan maslahat qilishni. Rahmatli otang hech kimdan so'ramay Risolatbonuni kelin qilgandi. Yomonlik ko'rdingmi? Hozirgilarga hayronman! Qiz bilan yigit uch-rashsin, ko'ngliga qarab ish qilaylik, sevishgan ekan, sevganiga beramiz deb rasvo qilishdi. Nasl-nasabi, yetti pushti, zoti-zurriyotini so'ramay qo'yishdi. Sevishgan deb navini so'ramay, yosh novdalarni xor qilyapmiz. O'ldim-kuydim deb turmush qurgan sevishganlar ikki kun o'tmasdan bezor bo'lib, bir-birini otishga o'q topolmay ajrashib ketishyapti. Ilgari bunday emas edi. Zotida bangi, o'g'ri, qallob, bemor bo'lsa, boshqacha aytganda, moxov bo'lsa qiz ham olish-masdi. Yigitni ham unashtirmasdilar. Bugun farqi qolmadi. Sevgi degan balo qayerdan chiqdi o'zi? Bizlardan hech kim so'ragani yo'q “Falonchiga tegasanmi?” deb. Otang rahmatli bilan ellik besh yil umrguzaronlik qildik. Biror marotaba san-manga borganimiz yo'q. U erlik vazifasini, men xotinlik vazifamni halol bajardik. Er yarim pir deb bilib uning hurmatini joyiga qo'yib yashadim, undan beso'roq otamnigiga bormaganman. Hozirgilarni esa tili bir quloch, oyog'i olti. Hafta o'tmay ota-onasinikiga yo'l oladi. Noshud ota-ona

ham buncha serqatnov bo'lding deb dashnom bermaydi. Chiqqan qiz chig'iridan tashqari. Otangning hovlisidan qadam bosib chiqdingmi, endi sen otangning xonadonida begonasan. Kelin bo'lib tushgan joying sen uchun bir umrlik muqaddas maskan. Shuning uchun ham "Tushgan joyingda tosh bo'l, bolam" deb aytishadi.

– Onajon, hozir zamon boshqa, ilgari vaqtlar o'tib ketdi. Yoshlarni oldidan o'tish kerak, ertaga ular bizdan domangir bo'lmasin.

– Zamonga hech nima qilgani yo'q. Hamma balo odamlarning manmanligida, bilganingni qil, hozirgilarga gapir-u, qoch. Saksonga saboq, to'qsonga tovoq berishadi, – deb fотиha o'qib Orzi kampir jahl bilan chorpoyadan tushib ketdi.

– Risol, o'g'ling uydami? Chaqir! Onamning gapi to'g'ri, ota-onaning farzand oldidagi burchi u tug'ilgandan keyin yaxshi ism qo'yish, bilim berish, sunnat qilish, uylantirish kabi majburiyatlar bor. Ota bo'lish oson, otalik qilish qiyin. Otalar zimmasidagi ana shu muqaddas vazifani ayrimlar unutib qo'yishyapti. Vaqtida Kamoliddinni boshini ikkita qilib qo'yaylik!

Bog' o'rtasida qo'yilgan chorpoyaga Kamoliddin sekin kelib o'tirdi.

– Qalay, o'g'lim, amaliyotni endi boshlaysanmi? Ilm boshqa, amaliyot boshqa, ular aka-ukadek. Bir-biriga chambarchas bog'liq. Endi sen ham katta yigit bo'lib qolding. Hayotning o'z qonuni bor, vaqti-soati yetgandan keyin har bir yigit-qiz turmush qurishi kerak. Biz katta enang, onang bilan kelishib, seni uylantirishga qaror qildik.

– Haydar novvoyning qizi Sayyoraga, – deya gapga aralashdi Risolatbonu. – Ko'hlikkina, mehnatkash qiz. Qishloqda o'nta bo'lsa, bittasi. Xo'p desang sovchilikka boramiz!

Qo'qqisidan, hech kutilmaganda aytilgan onasining bu gapi Kamoliddinni dovdiratib qo'ydi. Nima deyishni bilmay ancha sukutga ketdi. Shu dam hovlining to'rida "Oyamullo, oyamullo" degan ovoz suhbatning beliga tepdi.

– Tur, qara, Nayman qishloqdagi lo'li keldi, chog'i. Gapni chuvalatmay nonmi, shirinlikmi berib, tezda izingga qayt, – deb To'ychi rais xotiniga buyruq qildi.

– Lo'lilar ham xudoning bandasi. Ular tinch-totuv xonadonga kelishadi. Beradigan arzimasi ehson uchun. Shu hovlining egasi, moli-holiga sihat tilab duo qilishadi, – deya o'ziga-o'zi gapirib Risolatbonu ovoz chiqqan tomon yo'l oldi...

– Og'zingga talqon yutganmisan deyman? Rozimisan yoki yo'qmi, bir gapingni ayt! – dedi lo'lilarni jo'natib kelgan Risolatbonu.

Kamoliddin ikki o't orasida qolgan edi. U ota-onasiga Nargiza bilan bo'lib o'tgan voqeani qanday qilib aytish yo'lini bilmay ezilardi. Bor haqiqatni aytsa, otasining jahli tez, urib yuborishi hech gap emas. Onasi ham jim turmasa kerak. Lekin bor gapni aytmasa bo'lmaydi. Chunki g'isht qolipdan ko'chgan. Hayo oynasiga qora chiziqli tortilgan, u singan. Uni yamashning iloji yo'q.

Kamoliddin ancha sukutdan keyin o'zida kuch topib sekingina yerga qarab so'z qotdi.

– Sayyora yaxshi qiz, uni bilaman, lekin men qo'shni ko'chada yashaydigan sinfdoshim Nargizani yaxshi ko'raman. Ahdlashib qo'yganmiz! Birinchi sinfdan birgamiz.

– Kim deding, kim? Narigi ko'chada yashovchi Oysha o'yinchining qizi emasmi sen aytadigan Nargizang, – deya xuddi omborga o't tushgandek jahl bilan gap boshladi onasi Risolatbonu.

– Hoy, bola, esingni yeganmisan? Uning oilasi, onasining qanaqaligini butun qishloq biladi-ku! U shahardagi eriga xiyonat qilib, Akram magazinchiga ikkinchi xotin bo'lib tegib, shu qishloqqa kelib qolgan. Akram magazinchi shu hovlini olib berib xotin qilmoqchi edi. Lekin bukrini go'r to'g'rilaydi deganlaridek Oysha o'yinchi suyuqoyoqlik qilib to'ylarga chiqib bor nag'masini ko'rsatdi. Shundan keyin Akram magazinchi uni tashlab ketdi. Nasl-nasabining

tayini yo'q o'yinchining qizini ikki dunyo bir bo'lsa ham olib bermayman. Xayolingga keltirma, – deya jahl bilan gapirdi onasi.

– Senda or-nomus, g'urur bormi o'zi? Meni isnoddan o'ldirasan-ku! Badbaxt! – deya zarda bilan gap boshladi To'ychi rais. – Ikki qulog'ing bilan eshit, xalqimizda bir gap bor: “Onasini ko'r, qizini ol, milkini ko'r, buzini ol”. Aql-hushing joyidami o'zi? Qishloqda shuncha qiz turib, sening ishqing kelib-kelib shu manjalaqining qiziga tushdimi? Osmon uzilib yerga tushsa ham senga Oysha o'yinchining qizini olib bermayman! Ota rozi, Xudo rozi. Agar aytganimni qilmay, o'yinchining qizini oladigan bo'lsang, u dunyo-yu bu dunyo sendan rozi emasman. Axir o'ylab ko'r, qishloqda nima degan odam bo'laman men. Boshimga qalpoq kiyib, belimga belbog' taqib yuribman. Aytganimni qilmasang, sendek o'g'lim yo'q! Oq qilaman seni.

Vaziyat bunday keskin tus olishini bilmagan Kamoliddin o'zini yo'qotib qo'ydi. Tili kalimaga kelmay qoldi. Bu holatdan qanday chiqish yo'lini izlay boshladi. Cho'kayotgan odam xasga yopishadi deganlaridek, noiloj qolgan Kamoliddin Nargiza bilan o'zining o'rtasida bo'lgan yaqinlikni aytmadan boshqa iloji qolmadi.

– Yigitman, va'damga vafo qilishim kerak! Xohlaysizlarmi, yo'qmi, Nargizaga uylanaman. Uni sevaman, u aqlli qiz. Onasi bilan nima ishim bor? U o'z yo'liga. Lafzimdan qaytolmayman. Uylanish kerak bo'lsa, faqat Nargizaga uylanaman. Ertaga farzandim tug'ilsa, uni yetim qilib qo'yolmayman, vijdonim chidamaydi, iltimos, meni tushuninglar.

Yetti uxlab tushiga kirmagan bu voqea To'ychi raisni ham, Risolatbonuni ham gangitib qo'ydi. Aqlli, esli-hushli o'g'lining bu qilmishi ota-onani bepichoq so'yib chalajon qilib qo'ydi. Voqeadan xabar topgan Orzi kampirga Xudo kuch-quvvat berdimi, shaxt bilan o'z xonasidan chiqib bog'da o'tirgan Kamoliddinning yuziga shapaloq tortib yubordi.

– Uyatsiz, behayo! Axir bizlarni tiriklayin go'rga tiqing-ku, juvonmarg. Shunchalikka ham borasanmi, yigit o'lgur, – deya jazavasi tutdi Orzi kampirning. Yetti pushtimga o't qo'yding-ku! Oq boshdan o'tin, sayoq yurgan xotinning qizidan kelin chiqmaydi. Otangning obro'yini o'ylamadingmi? Rais degan nomi bor. "Tanlab-tanlab toziga uchradi" deb qishloq odamlari otangning ustidan kulmaydimi? Qurib ketgur, orqa-oldingga qarab qiz tanlamaysanmi? Isnodga qoldirding oilamizni.

– Ena, sevgining ko'zi ko'r! Men Nargizani sevsam nima qilay? Boshqasini tasavvur ham qilolmayman. Agar qayta tug'ilsam yana Nargizani tanlardim.

– Oysha o'lgur yigitni issiq-sovuq qilibdi-da. Jodugar! Uning qo'lidan keladi. Kelin, og'zingni ochma, Kalqo'rg'on-da O'lmas mulla bor. Nafasi o'tkir, ertaga unga borib dam solib qaytarma qil, – deya Orzi kampir keliniga buyruq qildi.

Bo'ladigan bu mashmashadan boshini ushlab qolgan To'ychi rais vaziyatni o'nglash uchun murosaga o'tdi.

– O'limdan boshqasining yo'li bor, ilojini qilsa bo'ladi. Onasini gapga olamiz. O'yinchi, otarchi ayolning xudosi ham, payg'ambari ham pul. Qizini ko'ndir, qancha ketsa ham, mayli. Uyat o'limdan qattiq. Davlatim ketsa-ketsin, obro'yim ketmasin. Sen ertaga Toshkentga jo'na. Muallim bilan gaplashib amaliyotni boshqa viloyatga ol! Tushundingmi?

– Yo'q, g'irromlik qilolmayman. Sevgimga xiyonat qilmayman o'ldirsangiz ham. Ovora bo'lmang!

– Oxirgi gaping shumi? O'g'lim, hayot sen o'ylagandek, hind filmlaridek emas. Azal-azaldan ota-bobolarimiz teng tengi bilan, tezak qopi bilan deb behuda aytishmagan. Bir kun kelib bu qilgan ishingdan afsus qilasan. Keyingi pus-haymon o'zingga dushman. Hech qachon beda ekib, sholi ololmaysan. Yoshlik qilayapsan. Bir marta xato qilding, ikkinchi xatoga yo'l qo'yma. Olma olmadan uzoq tushmay-

di. Ikki qulog'ing bilan eshit! Bo'rining bolasi bo'ri bo'ladi, lekin sher bo'lib tug'ilmaydi! Mayli, bilganingni qil. Lekin mening hovlimda to'y bo'lmaydi. Qayerda kim bilan to'y qilasan, bu – o'zingning ishing. Esingda bo'lsin, otaning qarg'ishi o'q. Bir kun emas bir kun buni isbotini ko'rasan.

– Qarg'ish olgan bolaning ikki dunyoda ham kosasi oqarmaydi. Duo bilan ko'karasan, qarg'ish bilan so'lasan, – deya Orzi kampir nabirasiga gapirib, uni shashtidan tushirmoqchi bo'ldi. Yo'q, foydasi bo'lmadi. Shunda Orzi kampir bir hikoyatni nabirasiga so'zlab berdi. Yosh yigit dunyodan o'tibdi. Uni qo'ni-qo'shnilar dafn etib kelishibdi. Shu kuniyoq yigitning go'ridan tinmay olov chiqarmish. Buni ko'rgan go'rkov bu ne sir-sinoat deb mahalla domlasiga murojaat qilibdi. U kishi ham bundan hayron bo'lib, “Qani, go'riga suv sepinglar, unda ham o'chmasa tuproq tashlanglar”, deb maslahat beribdi. Domullo aytganini qilishsa ham go'rdan chiqayotgan olov kuchaysa-kuchayibdiki, lekin pasaymahdi. Shunda qishloqda yashayotgan diniy bilim sohibi donishmand kekxa cholga maslahatga kelishibdi. Qariya vafot qilgan yigitning mahallasidagi oqsoqol bir kishini topib kelishni buyuribdi. Donishmand cholning aytganini qilishib, shu ko'chada yashaydigan bir mo'ysafidni olib kelishibdi. Ko'pni ko'rgan zukko qariya qazo qilgan yigitning xulqi, oilasidagi muhiti, ota-onasi haqida batafsil gapirib berishni iltimos qilibdi.

– Topish-tutishi yaxshi edi yigitning. Lekin xotining gapiga kirib, onasini behurmat qilar, hattoki bir kuni unga qo'l ko'tarib urgandi ham. Mushtipar ona shundan dili qavarib, ko'ch-ko'ronini olib qarindoshlarinikiga ketibdi. Shunda ham nodon o'g'il onasidan xabar olmabdi. Eng yomoni, bir kun kelib otamdan qolgan boylikni ber deb kampirning o'limligiga deb yig'ib qo'ygan pulini olib ketibdi. “Bergan sutim ko'r qilsin, u dunyo-yu bu dunyo kuyib o'tmasang, rozi emasman” deb qarg'agan ekan...

– Bo‘ldi, go‘rda olovning o‘chmasligining sababini bildim. O‘sha kampirni topib, qabristonga olib borib o‘g‘lining gunohidan o‘tishini so‘ranglar. Agar onaxon noshud o‘g‘lining qilmishini yuragidan chiqarib duo qilsa, olov o‘chadi. Agar duo qilmasa, u o‘chmaydi.

Xuddi shunday ish tutishibdi. Onaxonning huzuriga borib vaziyatni tushuntirishibdi. Lekin nafsoniyati toptalgan, xo‘rlangan, o‘z farzandidan tayoq yegan kampir kechirishni xohlamabdi. Shunda “Agar siz o‘g‘lingizning gunohini kechirmasangiz, abadul-abad olov o‘chmaydi”, deyishibdi.

Onaxon farzandining gunohini kechirib, sidqidildan duo qilgan ekan, shu zahoti go‘rdagi olov o‘chibdi... Bu rivoyat, lekin uning zamirida haqiqat bor. Mayli, qo‘shganing bilan qo‘sha qari. Hayot seniki, lekin bir narsani unutma, rozi-rizolik bilan qilingan ish xayrli bo‘ladi. Avvalambor, nafsingni tiymay gunoh ish qilding, ikkinchidan, ota-onangni rozi qilmay uylanayapsan. Bir kun kelib bu mahmadonalingingning jabrini tortasan.

O‘LJANI QO‘LDAN CHIQARMA, QIZIM!

Nargiza haqiqatan ham o‘yinchi Oyshaning qizi edi. U onasining o‘tmishidan xabardor bo‘lsa-da, lekin tuqqan onadan hech kim hali yuz o‘girmagan. Oyshaning onasi tatar, otasi o‘zbek edi. Uning otasi Rustam taksichi bo‘lib odamlarning xizmatida bo‘lgan inson edi. Temiryo‘l vokzalining restoranida ofitsiantka bo‘lib ishlaydigan Oyshaning onasi Ravila har kuni ishdan kech qaytardi. U shaharning bir chekkasida yashaganligi uchun majbur bo‘lib mashina yollab uyiga yetib borardi. Rustam haydovchi asosan kechqurun kira qilardi. Shaharga kelgan mehmonlarni manziliga yetkazish, sayohatga ketayotganlarini temiryo‘l vokzaliga olib borib qo‘yardi. Ana shunday kunlarning birida Rustam haydovchi ofitsiant Ravila bilan topishdi. Avvaliga do‘stlikdan boshlangan munosabat sevgiga aylanib, ular bir-birisiz yashay olmay qolishdi. Rustam qishloqdagi

ikki bolasi bilan xotinini tashlab Ravilanikiga ko'ch-ko'roni bilan ko'chib keldi. Ular nikoh o'qitib er-xotin bo'lishdi. O'rtada Oysha tug'ildi. Oysha ona mehriga, otasining erkashlariga zor bo'lib o'sdi. Chunki onasi Ravila ofitsiantkaligi uchun har kuni erta tongda ketib, yarim tunda ishdan qaytardi. Otasi Rustam tong otguncha ishlab, kuni bilan uyquni urardi. Yolg'iz qizaloq o'z ixtiyori bilan o'sib, uni tergaydigan biror kishi bo'lmagani uchun xohlagan ishi bilan band bo'lib kunini o'zi bilganicha o'tkazardi. Dunyoda bekorchilikdan mudhishrog'i yo'q. Barcha bezorilikning onasi bekorchilik. Oysha ham bekorchiligi uchun mahalladagi tarbiyasi buzuq bolalarga qo'shilib maktabga ham yolchitib bormay, kunini ko'chada o'tkazardi. Qizining tarbiyasi bilan mutlaqo qiziqmagan Ravila o'n olti yoshda homilador bo'lib qolgan Oyshani behayolikda ayblab, uni hovlisidan haydab yubordi. Oysha Asad ismli yigit bilan o'ynab qo'ygani uchun unikiga benikoh, beto'y, zo'ravonlik qilib kirib yashay boshladi. Oradan ko'p o'tmay Nargiza dunyoga keldi. Buni qarangki, yangi kelgan chaqaloqning ko'zlari shahlo, kun desa kun, oy desa oydek chiroyi bor edi. Tabiat undan hech narsani ayamagandi. Endi tili chiqib, yurishni o'rganganidan so'ng Oysha bolasini qaynonasiga tashlab, bangi eri Asad hech qayerda ishlamaganligi uchun, ro'zg'or o'tkazish uchun to'ylarga chiqa boshladi. Harqalay asosan ko'chada emin-erkin o'sgan Oysha yangi kasbga tezda moslashdi. O'z chiroyi, ko'z suzishi, qosh o'ynatishi, jilvasi va maqomi bilan har qanday erkakni o'ziga asir qilib maf-tun etardi. Pul o'lsin. Asta-sekin to'ylarda ayrim noshud odamlarning xunuk qiligi, aroq solingan stakanga pulni qistirib, avval o'yinchiga aroq ichishni majbur qilar, undan keyin unga pul tutqazardi. Bora-bora Oysha aroq ichishga o'rganib qoldi. Oyshaning jazmanlari kundan-kun ko'payib bordi. Oysha shaharda nom chiqargan Akram magazinchi-ning qo'ynida yotganida eri Asad uni ushlab oldi. Oyshani sog' joyi qolmaguncha rosa do'pposlab, yosh qizi Nargiza

bilan ko'chaga haydab chiqardi. Ana shunda Akram magazinchi odamgarchilik qilib ko'chada qolgan Oysha va uning qizi Nargizani qishloqdan hovli sotib olib berdi. O'rgangan ko'ngil o'rtansa qo'ymas deganlaridek Oysha o'tayotgan kuniga shukur qilmay to'ylarga chiqib, yana yengiloyoqlik qilayotganligidan xabar topgan Akram magazinchi hovlini unga tashlab ketdi, qaytib qorasini ko'rsatmay qo'ydi...

Bugun esa Nargiza bilan Kamoliddin o'rtasida bo'lib o'tgan noma'qul ishdan xabar topgan Oysha o'yinchi qizini puxtalay boshladi.

– O'tgan ishga salovat. Xushtoring raisning o'g'li ekan. Bu yog'iga mahkam bo'l. Kamoliddinni mahkam ushlasang, hech qayerga borolmaydi. Hamma gap senda.

– Nimalar deyapsiz, oyi? Biz Kamoliddin bilan bir-birimizni sevamiz. Mensiz u, usiz men yashayolmayman. Uning aytishicha, uydagilari rozi bo'lishmabdi. Qiyin bo'lsa ham shaharda biror-bir uyni ijaraga olib yashamoqchimiz. To'g'ri, u hali o'qiydi. Bir ilojini qilarmiz, men ishlarman, ertaga ona bo'laman, axir...

Nargizaning kundan-kun ko'ylagi torayib, odamlardan qochadigan bo'lib qoldi. Ular har kuni o'zlarining ovloq joyida uchrashar, Kamoliddin uyidagi gaplarni unga aytar, Nargiza esa kundan-kun bola kattarayotganini unga hasrat qilardi. Buni qarangki, ularning xufiya uchrashuvlari qishloqqa oshkor bo'ldi. Yoshlar qanday yo'l tutishni bilmay gangib qolishdi.

SULTON SUYAGINI XO'RLAMAYDI

Kamoliddin bilan Nargizaning munosabati butun qishloqqa ayon bo'ldi. Ilgari chekka-chekkalarda odamlar bir-biri bilan shivirlab sevishganlarni muhokama qilib yurgan bo'lsalar, endi bu mavzuning tagiga olov yoqib, alanga oldirdilar. Hammadan ham qishloqda gap yashin tezligida tarqaladi. Bekorchilikdan axborotchilikni kasb qilib olganlarga xudo beradi. Shimi chiqsa bo'ldi, bas. Unga

ko'ylak-ishton kiygizib, yolg'onni chindek, chinni ko'pirtirib rosa olib qochishadi. Oyni etak bilan yopib bo'lmaganidek Nargizaning homiladorligidan endi hamma xabar topdi. Davralarning to'rida o'tirib ko'pchilikka gap bermaydigan, kimsan To'ychi raisning onasi qulog'iga ham bu gaplar yetib keldi.

- O'g'lim, har qancha qilsa ham pushti kamaringdan bo'lgan farzandingni bolasi bo'ladi? Bosh yorilsa do'ppi ostida. To'y qilib bermasang, sharmanda bo'lamiz. Bo'lgan ish bo'lgan, osmon baland, yer qattiq. Bolang qilg'ilikni qilib qo'ygan, endi ilojing yo'q. Yaratgan egamning xohishi shu bo'lgan. Bolangning uvoliga ham, savobiga ham sen sheriksan. Elga boshsan, yo'q dema, jon bolam. Aytganimni qil. Ertaga sovchi yubor. Rasm-rusumini qil. Odamzot bir marta dunyoga keladi. Hammaning ham orzu-havasi bor. Mayli, o'ksimasin. Har kim tabiati tortgan ovqatni yeydi. O'g'lingning ishq shu qizga tushibdimi, nailoj. O'zi pishirgan osh, aylanib ham, o'rgilib ham ichaversin. Shahzodaning ishq qurbaqaga tushgan ekan. Hayot-da bu, o'g'lim. O'ylanma, to'yni qil. Axir o'rtada begunoh go'dak bor. U sening zurriyoding, odamlar gapirsa gapirar. Elning og'ziga elak tutib bo'lmaydi. Dunyoda uvoli, savob degan narsa bor. Yaratgan egam ko'rib turibdi. Bilaturib jabr qilish eng katta gunoh. Bizning avlodimizdan haligacha g'irrom va nomard kishi chiqmagan va chiqmaydi ham. Bu dargohdan hech kim norozi bo'lmagan... To'ychi rais oro yo'lda qoldi. Nima qilishni, qanday ish tutishga hayron. Nahotki, aqlli, esli-hushli o'g'li shunday noma'qulchilikka qo'l urgan bo'lsa. Xom sut emgan banda-da deya o'ziga taskin berib haqiqatan sevgini ko'zi ko'r-da, deb qo'ydi. Nargizaning onasi Oysha o'yinchini butun qishloq biladi. Nahotki shuni o'g'li bilmagan bo'lsa, hammadan ham xotini Risolatbonuga qiyin bo'ldi, u bu gapni eshitib bir kunda so'lib qoldi. Erkalatib, ardoqlab o'stirgan Kamoliddin qovun tushirib qo'ydi. Katta o'g'li

Dostonning qaynota va qaynonasining oldida nima degan odam bo'ladi? Kelib-kelib endi Oysha o'yinchi bilan quda bo'ladimi? Yor-u birodarlari, qo'ni-qo'shnilar nima deydi, axir. Ana shularni o'ylab to'y haqidagi gap chiqqan kundan ikki hafta ichida o'zini adoyi tamom qilib ozib-to'zib ketdi. Kechalari uxlay olmay tunni bedor o'tkaza boshladi.

Eng yomoni, Kamoliddin uyidagilari bilan chappa teskari bo'lib qovog'idan qor yog'ib bag'ri-dili ochilmay qoldi. Nahotki, uni hech kim tushunmasa! Axir dunyoda sevgi degan muqaddas tuyg'u bor-ku! Uning onasi zot-zurriyoti bilan nima ishi bor? U Nargizani sevadi. Ana shuning o'zi kifoya. Boshqa narsa uni qiziqtirmaydi. Qassobga moy qayg'usi, echkiga jon qayg'usi deganlaridek Kamoliddinning sevgilisining diydoriga yetishdan ko'ra boshqa dard-alami, tashvishi yo'q.

Oxiri To'ychi rais taslim bo'ldi, taqdirga tan berdi. Oilaning ikkinchi farzandi Kamoliddin bilan Nargizaning to'yi-ni qilib berishdan boshqa iloji qolmadi...

SHUMOYOQ KELIN

Insonning ko'ngli nozik. U darz ketsa, uni to'g'rilash qiyin. Igna bilan quduq qazsang ham, xafa qilgan odamingning ko'nglini ololmaysan. Yangi kelinni To'ychi raisning oilasi xushlamay kutib oldi. Harqalay yoshlarning sabrsizligi tufayli muqaddas urf-odatimizga to'g'ri kelmaydigan ahvol ro'y bergan edi. Kelinning homilador bo'lib kuyovnikiga kelishi, ayniqsa, qishloq joyda noodatiy bo'lib, u katta gunoh hisoblanardi. Shu tufayli ham qaynona va qaynotaning Nargizaga munosabati haminqadar edi. Lekin yoshlar baxtli edi, ular bir-birining visoliga yetganlari, ko'p yillik orzulari ro'yobga chiqqanligidan benihoya xursand edilar. Dunyoni suv bossa, o'rdakka ne g'am deganlaridek, uydagilarning ularga bo'lgan munosabati ularni zarracha tashvishga solmasdi. Yoshlar sevgi og'ushida mast edilar.

Buni qarangki, hech kutilmaganda to'ydanda bir oy o't-gach, "paxta ishi" degan mashmasha boshlandi. O'rmonga o't ketsa, ho'l-u quruq baravar yonadi. Paxta ishining vabosi qishloqqa ham yetib keldi. Yarim kechada yuzlariga niqob kiyib olgan barzangilar To'ychi raisni qo'liga kishan solib olib ketishdi. Unga tergovchi nima desa imzo chekasan, bo'lmasa, bu yerdan o'liging chiqadi, deb har kuni po'pi-sa qilishardi. Xizmatga tuhmat deganlari shu bo'lsa kerak. Tun-u kun daladan beri kelmagan, uch-to'rt oylab bolalari-ni ko'rmagan, haftalab oyog'idan etigini yechmay na yo-tish, na yeyishida halovati bo'lmagan rais bilan birga qa-malgan bosh hisobchi va xazinachini ham barzangilar tinch qo'yishmadi. Berilgan zarbaning og'rig'iga chidolmay:

– Aka, bu ketishda bu yerdan o'ligimiz chiqadi, raykom-ga bir million so'm pul berdik, – deb yozib beraylik.

– Xudodan qo'rqmaysanmi, nomard. Qanday qilib bi-rovga tuhmat qilasan. Ertaga vijdoning oldida qanday qilib javob berasan? Ko'ra-bila turib birovga jabr qilish eng katta kechirilmas gunoh-ku! Oyning o'n beshi qorong'u, o'n beshi yorug'.

To'ychi raisning xotini Risolatbonu va onasi Orzi kam-pirni ering o'jarlik qilib, ko'rsatma bermayapti, deb hibsga olib, qiynoqqa solishdi. Markazdan kelganlarning xusho-madgo'ylari tillo, pullarni topib ber, deb qari kampir va uning kelini Risolatbonuga qo'l ko'tarib, yuz-ko'zini ko'kar-tirib yuborishdi.

– Odam bolasimisan? Bizda pul, tillo nima qilsin? Seni ham ona tuqqan-ku! Shunchalik ham berahm bo'lasanmi? Saksonga kirgan kampirning gapiga ishonmaysanmi? Xu-doning qahriga uchrama. Qilayotgan jabr-sitamingning bir kun javobi bo'ladi. Afsuski, Orzi kampirning aytgan gaplari tergovchiga zarracha ham ta'sir qilmadi. Risolatbonu bilan To'ychi raisni yuzlashtirishdi. Xotining ahvolini ko'rib rais aybini bo'yniga olsa, deb o'ylashgan edi.

– Dadasi, o'zingizni tuting, haqiqat egiladi, bukiladi, lekin sinmaydi. Bu kunlar ham o'tadi.

Risolatbonuning ahvolini ko'rib To'ychi rais quyushqondan chiqib ketdi.

– Erkakmisan, xotin kishiga ham qo'l ko'tarasanmi, nomard, maraz, – deb To'ychi rais o'zi o'tirgan kursini olib tergovchiga qarab uloqtirdi. Bir zumda to's-to'polon bo'lib ketdi. Navbatchilikda turgan soqchilar yugurib kelib raisning qo'lini qayirib, yiqitib, ayamay do'pposlab tepa boshlashdi. Boshi qonagan tergovchi vahshiylashib dedi:

– Endi boshingga it kunini solaman, turmada chirita-man seni. Sichqonning inini ming tangaga sotib olasan, iflos.

– Osmon qo'lingda bo'lsa, tashlab yubor, boshga tushganini ko'z ko'radi. Nima qilsang meni qil, onam bilan xotinimga nima deysan, xumpar? Markazdan kelganlar ham ketar, sen shu yerda qolasan. Ularga ham, senga ham boqqan balo bor. Shu gapim esingda bo'lsin.

Erini do'pposlashayotganini ko'rib chiday olmagan Risolatbonu soqchilarga tashlanib, ularning yuz-ko'zini yulib, stol ustida turgan choynakni olib tergovchining yuziga qarab otdi.

– Olib chiq bu vahshiy er-xotinlarni, – deb baqirdi tergovchi.

Orzi kampir qamoqdan chiqqandan keyin uzoqqa bormadi. O'g'lining g'am-alamini ko'tarolmay, or-nomusi top-talganiga chiday olmasdan vafot etdi.

Risolatbonu ham dardmand bo'lib qoldi. Chap qo'li bilan oyog'i ishlamay "Insult" degan dardga giriftor bo'ldi. Odamzodning hayoti ham xuddi yilning to'rt fasliga o'xsharkan. Shodlik ham, g'am-tashvish ham bir kelsa qo'shaloq kelarkan.

Tergovchi aytganini qilib To'ychi raisning boshiga itning kunini soldi. Turmada maxsus mahbuslarni jazolaydigan, hech qanday shart-sharoiti yo'q karserga tashlashdi.

Dahshatlisi, yarim tunda baquvvat yigitlar kelib, uni o'laksa qilib rosa do'pposlashardi.

– Raykom Toshmurod Qalandarovga kolxozning kasasidan besh ming so'm yozib ber – olam guliston. Nima ketadi sendan? Yozib bersang ham, yozib bermasang ham raykomga naqd o'n besh yil, o'zingga oson bo'ladi.

– Bilaman, sen sho'rlikka ham qiyin, agar kattalaringni aytganini qilmasang, lavozimingdan ayrilasan, sendaqalar uchun lavozim or-nomusdan ham, qonundan ham, hatto-ki iymondan ham ustun. Sendaqalar hali ko'zi ochilmagan mushuk bolasidek unga yopishib olgansanlar. Go'yo sizlarni lavozimlaringdan olishsa osmon uzilib, sizlarni bosib qoladigandek. Birovga tuhmat qilmayman, meni Buxoroning minorasidan tashlasangiz ham yolg'on guvohlik bermayman.

Bu gapni eshitib, tergovchi ham g'azab to'nini kiyib uning yuz-ko'ziga ura boshladi.

– Xudodan emas, mendan qo'rq, axir sho'ringga sho'r-va to'kiladi-ku! Bo'lmasa o'liging qamoqdan chiqadi. Omon qaytishing gumon. Xudo deysan, yordam berarmikan o'sha xudoying? Sen uchun men xudoman. Istasam bor qilaman, bo'lmasa yo'q qilaman.

– Xudoga shak keltirma. Haddingdan oshma. Sen ham oq sut emgan bandasan. Bu dunyoda hamma narsaning javobi bor.

– Yozmaysanmi, o'zingdan ko'r. Aytganimni qilmadi deb protokol tuzaman.

– Bilganingni qil. Men vijdonimga qarshi bormayman.

To'ychi rais ham qamoqdan chiqib yarimjon bo'lib qoldi. Dard filni ham pashsha qilarkan. Uzun bo'yli, basavlat To'ychi raisning o'tgan ikki yil ichida avvalgi gavdasidan asar ham qolmagandi. U ozib-to'zib ketdi. Uning vijdonini bir narsa kemirardi. Qamoqdaligida u uchun aziyat chekib, sha'ni toptalib, nohaqliklarni ko'tara olmay dunyodan o'tgan onasini o'ylab, ezilardi. Onasi qishloqdagi ayollar-

ning malikasi edi. Uzun bo'yli, qosh-ko'zi qop-qora, naqsh olmadek yuzi, uning yonidagi xoli bir chiroyiga o'n chiroy qo'shib turardi. Bama'ni, aqlli va dono, o'z obro'-e'tibori bilan hurmat topgan ayol edi. Onasini oxirgi yo'lga kuza-ta olmaganidan armonda edi. Ustiga-ustak To'ychi rais-ning turmush o'rtog'i Risolatbonu ham bedavo dardga du-chor bo'lib qoldi. O'zining ham qon bosimi ko'tarilib, bosh og'rig'i tez-tez xuruj qiladigan bo'lib qoldi. Shunday payt-larda do'sti Akram samovarchi:

– Polvon, uyat bo'ladi, bu yotish senga yarashmaydi, – deb uni har kuni choyxonaga olib chiqib ketardi.

Akram samovarchining xolasining qizi Risolatbonu uning xotini edi. Boshqacha aytganda To'ychi rais Akram samovarchiga pochcha edi.

Risolatbonu yoshligida juda chiroyli qiz edi. Qishloqda unga oshiq bo'lmagan yigitning o'zi yo'q edi. Risolatbonu bosiq, qat'iyatli, odob-axloqi bilan ko'pchilikning hurma-tini qozongan qiz edi. Hammasi o'sha maktabda o'tgan adabiyot kechasidan boshlandi. Maktabning o'ninchi "A" sinfnig sardori To'ychi bo'lsa, to'qqizinchi "B" sinfnig sardori esa Risolat edi. Bellashuv keskin o'tdi. Mushoirada ikkala sinfnig o'quvchilari bo'sh kelishmadi. Hay'at a'zo-lari baholash va o'rin berishda ikkilanib qolishdi. Chunki kuchlar teng kelgan edi. Shunda yutuqni qo'lga kiritish ra-islarga bog'liq bo'lib qoldi. Kim ko'p she'r va g'azal aytsa, g'oliblik o'shanga nasib etardi. Aytishuv to'xtovsiz bo'ldi. Garchand bir sinf past bo'lsa-da, Risolatbonu bo'sh kelmay To'ychidan ustun kela boshladi. Lekin To'ychi ko'p kitob o'qiganligi, ko'p she'r bilganligi tufayli g'oliblikni qo'lga ki-ritdi. Ana o'shanda To'ychining ishqiq Risolatbonuga tushib qoldi. Zehnli, zukko yigit Risolatning ham yuragidan urdi. Avvaliga ko'z urishtirish, salom-alikdan boshlandi. Yangi yil kechasida o'tkazilgan tadbirda ular birga she'r aytish-di. Tadbir tugagandan keyin To'ychi Risolatni uyiga kuzatib qo'yib dilidagini tiliga chiqardi.

– Men sizni sevaman, xoh ishonimg, xoh ishonmang. Sizsiz kunduzim qorong‘u, hayotim ma‘nosiz, Risolat, ishonimg mening gapimga. Sevgimni rad qilmang, Risolat.

– Sizni ishontira olmayman, ixtiyorim o‘zimda emas, uydagilarda. Ular nima desa shu.

– Risolat yaqinda keyin maktab tugaydi. Toshkentga qishloq xo‘jaligi institutiga o‘qishga kirmoqchiman. Ota-onamning yolg‘iz farzandiman, baxtim chopib o‘qishga kirsam, onamni sovchilikka yuboraman. Uydagilaringiz yo‘q demaydi?

– Juda o‘zingizga bino qo‘yib yubordingiz, To‘ychi aka. Ular ro‘yxush bergan taqdirda ham men rozilik bermay oyoq tirsam, nima deysiz?

– Sodiq qulingizga rahm-shafqat qilarsiz, jonim. Ishq o‘tida yonib kul bo‘lishimga yo‘l qo‘ymassiz!

– Bilmadim, yaxshi yigit, bilmadim, – deya kulib-kulib xayrlashdi Risolatbonu.

Oilasini, farzandlarini ko‘rmay tong oqarishi bilan har kuni uydan chiqib horib-charchab yarim tunda kirib keldigan To‘ychi raisga hayot notantilik qildi. Jon berib, jon olib ishlaganligi evaziga hayot uni “taqdirladi”.

Qishloqning yetti yoshdan yetmish yoshigacha raisning janozasida tik turishdi. Uning ortidan bo‘zlamagan odam qolmadi. Chunki u raislik davrida hammaga yaxshilik qilgan. Birovga yer bergan, birovning to‘yiga yordam qilgan yaxshi va yomon kunida xo‘jalik ahliga kamarbasta bo‘lgan inson edi. Umuman el-yurtning koriga yaragan uning og‘irini yengil qilgan, yetmaganiga yeng bo‘lgan.

BAXT VA BAXTSIZLIK EGIZ!

Keksalar “Farzandning, kelinning poyqadami qutlug‘ bo‘lsin”, deb duo qilishadi. Balki Nargizaning aybi yo‘qdir, lekin u shu xonadonga kelin bo‘lib tushgandan keyin oilaning boshiga qora kunlar yopirilib keldi. Paxta ishi degan vabo chiqib, dastlab qaynotasi To‘ychi raisni, undan keyin qayno-

nasi Risolatbonuni, hattoki Orzubonu kampirni ham hibsga olishdi. Endi ro'zg'orning yuki Kamoliddin bilan uning akasi Dilmurodning zimmasiga tushdi. Yaxshiyam, yoshligida tumandagi haydovchilar tayyorlaydigan kursda o'qib hujjat olgan ekan. Kamoliddin qurilish tashkilotiga haydovchi bo'lib ishga kirdi. Dilmurod esa tuman markazidagi oziq-ovqat do'koniga sotuvchi bo'lib ishga kirdi. Hayot davom etardi. Kech tushishi va tong otishi hayotning temir qonuni. Shu zaylda oylar kunlarni quvib o'ta boshladi. Bu oilaning boshiga tushgan qora kunlarning sharpasi asta-sekin tarqalla boshladi. Lekin uning ta'siri dilni xira qilardi. Bu orada Nargizaning ko'zi yorib o'g'il ko'rdi. Nargiza sal fursat o'tib, ro'zg'ordan nolib janjal chiqaradigan, pashshadan fil yasab qaynonasi Risolatbonu bilan san-manga borib qolardi. Raisning vafotidan keyin bu ro'zg'ordan qut-baraka uchdi. Axir bir kun janjal bo'lgan joyda qirq kun baraka uchadi deganlaridek bu xonadonning ilgarigi fayzi quyosh bulut orqasida yashirilib so'ngandek yo'qoldi. Ota-bobolarimiz uyda janjal bo'lsa, balosi tog'-u toshlarga ketsin deb kelishmovchilikka nuqta qo'yishga harakat qilishadi. Har kuni bo'ladigan janjallar bir kuni kimgadir kasri urishi, bir falokatni shu oila boshiga solishi mumkin. Buni qarangki, Nargizaning: "Men senga raisning o'g'lisan, sen bilan yashasam, bir umr to'kinlikda yashayman, deb o'ylab turmushga chiqqanman. Shu tufayli senga ko'ngil qo'yanman. O'shanda haydovchiga tegaman, uning qachon oylik olishini kutib-kutib, tishimning kirini so'raman deb sira o'ylamaganman. Er bo'lsang, bizni boq. Qayerdan pul topish esa sening muammong! Odam dunyoga bir marotaba keladi. Yoshlik ham bir marotaba beriladi. O'ynab-kulib to'kinlikda yashamasang, qariganda boylikning nima keragi bor?" – dedi. Shunda Kamoliddin jahl bilan xotiniga: "Shukr qil, sabr-qanoatli bo'!" – dedi.

Oqibatda Nargizaning noshukurligi kasri uning o'g'li Ulug'bekka urdi. Bolakay tut yeyman deb daraxtdan yiqilib tushib, umurtqa pog'onasiga shikast yetdi, yurolmay qoldi.

O'g'lini darddan xalos qilish uchun Kamoliddinning bormagan joyi, uchramagan shifokori qolmadi.

– Bu juda og'ir dard, orqa miya qisilib, undan qon to'plangan. Uning so'rilishi uchun uzoq muddat talab etiladi. Agar bemor davolanmasa, hayoti xavf ostida qolib, o'lim bilan tugashi mumkin. Dori-darmon berishni to'xtatib qo'ymaslik kerak. Bu kasallikni xorijda yoki Rossiyada malakali shifokorlar davolashi mumkin.

Endi Kamoliddin chuqur g'amda qoldi. U ko'zining oq-u qorasi, yer-u ko'kka ishonmaydigan o'g'lini qanday bo'lmasin davolatishi kerak. Lekin bitta oylik bilan o'g'lini xorijga olib chiqib davolashga imkoniyati yo'q. Nachora, osmon baland, yer qattiq. U boshi berk ko'chaga kirib qoldi. Noiloj qolgan Kamoliddin savdoda ishlaydigan akasi Dilmuroddan yo'l xarji uchun qarz olib Rossiyaga ishga jo'nashga majbur bo'ldi.

Hayot qiziq ekan, ertaga nima bo'lishini yolg'iz Yaratganning o'zi bilarkan. Bugungi boyvachcha ertaga gado bo'lishi hech gap emas ekan. Kecha raisning o'g'li, yegani oldinda, yemagani ketida bo'lib kamchilik ko'rmay o'sgan Kamoliddin musofirchilikda pul topishga majbur. Kamoliddin maktabda a'lo baholarga o'qiganligi, rus tilini yaxshi bilishi unga qo'l keldi. U qo'rqmay Rossiya tomon yo'l oldi. Rahmatli buvisi "Musofirning qorni to'ysa ham, ko'ngli to'ymaydi", "Birovning yurtida shoh bo'lguncha o'z yurtingda gado bo'l" deb ko'p gapirardi. Lekin kerak bo'lsa, qirq yillik terak ham yiqiladi deganlaridek Kamoliddinning boshqa chorasi yo'q edi. Xotini Nargizaning ro'zg'ordan kamchilik topib kunora mojaro qilishi, o'g'lining to'shakka mixlanib qolganligi uni o'zga joylarga ketishga majbur qildi.

MUSOFIRNING QORNI TO'YSA HAM, KO'NGLI TO'YMAydi!

Kamoliddin o'tgan yili yozda qishloqqa kelgan sinfdoshi Umarning Novokuznetskiy shahrida ishlayotganligi, mehnati og'ir bo'lsa-da, yaxshi maosh olishi haqidagi gap-

larini esladi. U Umarning uyidagilardan qo'l telefonini oldi. Kamoliddin Umar bilan qo'shni bo'lib, birga o'ynab-kulib ulg'ayganlar. Umar sho'x, bir qop yong'oq, chaqqon, gapga chechan, mehnatsevar, chapani yigit edi. U harbiy xizmatni tugatib kelgach, bir muddat xo'jalikdagi qurilish brigadasida ustachilik qilib kosasi oqarmadi. Qaramog'ida qari otasi, onasi, turmush o'rtog'i, bolalari bor. Bir tovuqqa ham don, ham suv kerak deganlaridek ustachilik bilan uning kosasi oqarmadi. Ustiga-ustak katta o'g'lini sunnat to'yi qilib qarzga kirib ketdi. Birovdan kam bo'lmay deb, hotamtoylik qilib uch kun to'y berib, oxirida ko'pkari aytib katta solim qo'ydi. "Chumchuq laylak bo'laman deb buti yirilgan ekan", bir to'y qilib Umarning bo'lgani bo'ldi. Shuning uchun Umar qarzini uzish, yuzini yorug' qilish uchun to'rt yildan buyon musofirchilikda yuribdi.

Umar sinfdoshi Kamoliddinning qilgan qo'ng'irog'idan hayratga tushdi. Kimsan To'ychi raisning o'g'li Rossiyaga ishga kelsa-ya! Axir Kamoliddin aqlli, esli, hushli, farosatli, maktabda a'lo baholarda o'qigan, oliygohda tahsil olgan edi. Uni nima jin urdi ekan? Yoki Nargiza bilan ajrashgani uchun g'amini unutish uchun bu yerga kelayaptimikan?

Novokuznetskiy Sibirning o'ta sovuq, qishi anchagacha cho'ziladigan joy. Eng qizig'i, bu yerda tong otishi tushga borib taqaladi, kun yorishishi amrimahol. Yorug' kun esa bir tutam edi.

Ayni Navro'z arafasida Kamoliddin yo'lga otlandi. Jonajon qishlog'ini, ayni bahor kelib, butun borliq yashillikka burkangan, yangi kelinchakdek yasangan o'lkasini tashlab ketish qanchalik qiyin. Hali oilasi yo'q, bolalari ham yo'q yigit uydan hatlab chiqib harbiy xizmatga ketarkan, ko'zlarida bir zumga yosh yiltillaydi. Kamoliddinning esa sevikli xotini, ikki nafar farzandi bor. Ayniqsa, unga kasalmand o'g'lini tashlab ketayotganligi og'ir botdi. Onasi Risolatbonu esa unga yalinib-yolvordi.

– Tish bergan xudo rizqini ham beradi, o'g'lim. O'zimizda ham zo'r do'xtirlar bor, qarz-havola qilib o'g'lingni

chetga olib davolatsang bo'ladi. Asta-sekin ishlab qarzingni uzarsan. Ketma, jon bolam. Mening ahvolimni ko'rayapsan, yarim jon bo'lib qolganman. Bir oyog'im yerda bo'lsa, bir oyog'im go'rda. Akang bilan ikkovingga ana shu hovli yetib ortadi. Shu uyda otangning chirog'ini yoqib o'tiringlar, bolam.

– Oyijon, hali yoshman, bilagimda kuch bor. Rozi bo'ling, biroz ishlab kelay. Har kuni o'g'limga qarab ezilaman. Uning najot istab, mo'ltirab menga qarashi yurak-bag'rimni kemirib, qalbimga xanjardek botadi. Buning ustiga kelininigiz qiliq chiqargan. To'rt-beshta dugonalarining shohona yashashi, gap-gashtak o'ynashiga havas qilib, pul top, deb kunaro mojaro qiladi. Nima qilay, onajon, menga oson tut-mang. Qadrdon qishlog'imni, bolalarimni, sizni tashlab ketish menga juda og'ir.

– Ketishga qat'iy qaror qilgan ekansan, xudo yo'lingni oq, yo'ldoshingni haq qilsin. Safaring bexatar bo'lsin, bolam.

NOVOKUZNETSK

Kechki soat o'nlarda Kamoliddin o'tirgan samolyot to'rt soat deganda Toshkentdan Novokuznetsk aeroportiga kelib qoldi. Havo kemasi qo'nishidan oldin styuardessa shaharda havo harorati ellik gradus sovuqligi, quyuq tuman, yo'llar sirpanchiqligini xabar qildi. Haqiqatan ham samolyot eshigi ochilgandan keyin ichkariga urgan sovuq havo etni junjiktirib, butun tanaga o'z xanjarini suqib oldi. Havoning bu darajada sovuqligi Kamoliddinning yetti uxlab tushiga kirmagan edi. Do'sti Umar ham bu haqida unga aytmagan ekan. Kamoliddin ancha yupun kiyingan, yengil plashda edi. U aeroport binosidan chiqib, do'sti Umarni kuta boshladi. U bor-yo'g'i sovuqning zo'riga o'n daqiqa chiday oldi, xolos. Sovuq uning et-u tirnog'igacha muzlatib, mazasini qochirdi. Esayotgan izg'irin uning etini yalab, bir soniya ichida mo'ylabigacha muzlatib tashladi, tishi-tishiga

tegmay qaltirab qoldi. Kamoliddin sovuqqa chiday olmay o'zini aeroport binosining ichkarisiga urdi. Bu yerda ham havoning zahri baland edi. Ustiga-ustak oyog'idagi kuzgi tuflidan sovuq o'tib, a'zoyi badaniga igna sanchganday bo'ldi. Birinchi kuniyoq uning bo'lgani bo'ldi. Sovqotmaslik uchun sakrab qonini yuritishga harakat qila boshladi. Chamasi ikki soatlardan keyin do'sti Umar aeroportga kirib keldi. Kamoliddin uni ko'rishi bilan ko'zidan yosh chiqib ketdi.

– Kechirasan, o'rtoq, yo'l sirpanchiq, ustiga-ustak mashina buzilib qoldi. Shuning uchun kechikdim. Vodiyya aylangani kelgandek yengil kiyinib olibsan. Bu yer Sibir, tuf desa tupuging yerga tushmay muzlab qoladi. Obbo, sen-ey. Yur, mashinaga chiq, manavi samogondan ichib ol, iching isiydi, tanangda qon aylanadi.

Kamoliddin noiloj do'sti olib kelgan samogon butilkasidan ichib yubordi. Ular yo'lga chiqishdi. Mashinaning g'ildiragi yaxmalakda aylana-aylana qiyinchilik bilan joyidan qo'zg'aldi. Yoqqan qorning qalinligi bir metr dan ziyod. Shu tufayli ham haydovchi mashinani ehtiyotkorlik bilan sekin haydab borardi. Esayotgan kuchli izg'irin hay-hay demasa mashinani ag'daradi. Hammadan ham daraxtlarning shoxlaridagi yaxlab qolgan novdalari tarvuzdan ham katta bo'lib osilib yotardi. Mashinada sal isib uyquga ketgan Kamoliddin ancha fursatdan keyin uyg'onib, shahar uzra katta-katta trubalardan burqsib chiqayotgan tutunlar butun borliqni egallab olgan. Qora va ko'kimtir bug'lar havoni buzib, erkin nafas olishga xalaqit berardi. Shu yerda yashovchilar bunday havoga ko'nikma hosil qilib erkin nafas olishardi. Lekin endigina kelgan Kamoliddinga o'xshaganlar bu havoga o'rgana olmay, boshiga og'riq kirardi.

– Jo'ra, Novokuznetskning havosi og'ir. Chunki zavodlar, ko'mir ishlab chiqaradigan shaxtalar ko'p. Dastlab kelganimda men ham bir oylar chamasi havoga ko'nika olmay qiynalgandim. Hechqisi yo'q, o'rganib ketasan havosiga, sovg'iga chidasang, ishlab ketasan.

Gurung ancha qizib shahar chetidagi Umar yashaydigan vagonchaga kelib qolishganini bilmay qolishdi. Umar haydovchini rozi qilib do'stini vagoncha tomon boshladi.

– Mana shu yerda yashaymiz, marhamat. Biz o'n kishimiz. Tojik, qirg'iz, o'zbek bolalar. Hammasi yaxshi yigitlar, tanishib olasan.

Kamoliddin vagon uyga kirishi bilan bu yerdagilar uni quchoq ochib kutib olishdi. Kamoliddin ham uzoq Sibir o'lkasida o'z yurtdoshlarini ko'rganidan sevinib, O'zbekistondan olib kelgan Samarqand noni, mayiz, yong'oq, turshak, sho'rdanak, pomidor, bodring kabi noz-ne'matlarni dasturxonga qo'ydi. Buni ko'rgan yigitlarning ko'zlari quvnab, yurtining nafasi ufurgan ne'matdan totishdi. Farg'onalik G'ulomjon degan yigit quling o'rgilsin oshni damlab qo'ygan ekan.

– Umar aka, ancha hayalladingizlar, osh lanj bo'b qoldi-yov. Qani, dasturxonga marhamat, – dedi qashqadaryolik Tolib degan yigit.

– Bu yer O'zbekiston emas, osh ham dumba yoki zig'ir yog'idan tayyorlangan emas. Iloji yo'q. Oling, mehmon, – deb iltifot qilishdi.

Bir-ikki piyola aroq ichgandan keyin yigitlarning gapxaltasi ochildi.

– Ikki yil bo'ldi shu joylarga kelganimga. Yigirma yoshga qaridim. Havosining dastidan tishlarim tushib, boboyga o'xshab qoldim, – deb gap boshladi sirdaryolik Usmon. – Pulku topayapmiz, lekin sog'liqni yo'qotayapmiz. Bilmadim, topgan pulimizga sog'lig'imizni sotib olamizmi, yo'qmi? Uyi kuysin musofirchilikning. Odam hisobida ko'rishmaydi. Qimorda katta pul yutqazganim uchun bu yerlarda yuribman. Qarz bo'lmaganimda zanjir bilan bog'lab qo'ysa ham bu yurtida bir daqiqa turmasdim.

– Hozir O'zbekistonda havo ilib, atrof ko'm-ko'k bo'lib ketgandir. Bu yerda may oyida qor yerdan ketmay, qattol qish bo'ladi, – deb gapini davom etdi Usmon.

Kim bilan suhbatlashmang, hammasining boshiga mu-shkul ish tushib, boshi berk ko'chaga kirib qolgach, muso-firchilikni bo'yniga olgan. Vodiylik G'anijon oshni sayratib yuboribdi. Qo'li dard ko'rmasin. Qizg'in suhbat anchagacha davom etdi. Yurtdoshlar Kamoliddindan O'zbekiston haqi-da so'rab-surishtirib, entikib-entikib suhbat qurishardi.

– Xo'sh, qayerda ishlamoqchisan? Shaharning o'zida qolaman desang, alyumin zavodda ish bor. Oyligi zo'r, lekin sog'liq uchun zararli, – dedi do'sti Umar. – Elektr simlarini tortadigan maxsus qurilish tashkiloti bor. Men o'sha yer-da ishlayman. O'n besh kun ko'chma vagon-mashinalarda quyuq o'rmonlar, biyday dala-dashtlar, tog' tepaliklarida temir stolba o'rnatib, elektr simini tortamiz. Sharoiti og'ir, lekin oyligi yaxshi. G'anijon ishlaydigan neftchilarning qu-rilish brigadasi bor. Ular ham tog', o'rmonlarda, qayer to'g'ri kelsa, o'sha yerda ariq qazib katta-katta trubalarni tashla-shadi. Bu yerda payvandlovchi haydovchilar kerak. Maoshi yaxshi-yu, lekin ishi xavfli va og'ir. O'ylab ko'r, do'stim. Erta-ga men vaxtaga chiqib ketaman, – dedi Umar.

– Biz bilan yura qoling. Tyagachga haydovchi kerak. Boshlig'imiz aytgandi, – deb gapga aralashdi G'anijon. – Ko'r-magan joylaringizni ko'rasiz. Haqiqiy Sibir, uning ajoyib ta-biati bilan tanishasiz. Quyuq o'rmon, odam yashamaydigan qishloqlar, haqiqiy qahratonni ko'rasiz. Men oshpazman, ovqatning go'shti, tovoqning kattasi sizniki bo'ladi, – deb hazil qildi. Ish naqd bo'lgani uchun Kamoliddin G'anijon bi-lan ketishga rozi bo'ldi. Ertalab shahar chetidagi peshtoqiga "Nefti gaz" deb yozilgan tashkilotga kelishdi. Haqiqatan ham bu yerda "Tyagach" rusumli og'ir yuk mashinasiga haydov-chi kerak ekan. Korxona boshlig'i Kamoliddinning bir-ikki og'iz so'zidan aqlli, farosatli yigitligini bildi. Shu kuniyoq uni vaxtaga jo'nab ketadigan brigadaga qo'shdi. Ikki soatlar chamasida bitta avtobus hamda ikkita yuk mashinasida or-tilgan ish anjomlari, oziq-ovqat mahsulotlari, bir yuk mashi-nada ulangan ko'chma vagon-uy bilan yo'lga chiqishdi.

Haqiqatan ham Sibir o'lkasining tabiati boy ekan. Shahardan chiqib, besh kilometr yo'l bosib o'tilgandan so'ng quyuq o'rmon boshlandi. Bu yerda shaharning shovqin-suronidan asar ham yo'q. Butun atrofda sokinlik. Ahyon-ahyonda daraxtlarning shoxidagi qarg'alarning qag'-qag' etgan ovozi tinchlikni buzib turardi. Ketma-ket yoqqan qor tufayli o'rmon oppoq libosga burkangan. Uning chiroyi ko'z-ni qamashtiradi. Qariyb uch soatdan keyin bepoyon o'rmonning ichkarisiga kirib, yolg'izoyoq yo'ldan bug'u, tulki, bo'ri kabi hayvonlar mashinaning oldini kesib o'tardi. Tabiatning sirli-sinoatli ishlari bor. Millionlab tub daraxtlar ko'chatini hech kim bu yerga ekmagan, lekin qalin o'rmon hosil bo'lgan. Ba'zi daraxtlar o'n qavatli uyning balandligiday.

Qariyb besh soatdan keyin ular "Sosnovka" deb yozilgan qishloqqa kirib kelishdi. Kamoliddin tyagach haydovchisi Andrey ismli yigitdan mashinani qabul qilib oldi. Andrey mashinaga oltmish gradus sovuqda muzlamaydigan antifris solingan bo'lishiga qaramay kechasi turib bir-ikki marotaba motorni ishlatib qo'yish lozimligini, bo'lmasa motordagi moy yaxlab qolishini tushuntirdi.

Shu kundan e'tiboran Kamoliddin uchun qizg'in ish boshlandi. Haqiqatan ham og'ir ekan. Odam yursa oyog'i, qush uchsa qanoti muzlaydigan quyuq o'rmonlar orasidan katta hajmdagi gaz quvurlarini tortib o'tish kerak. Eng qiyini tyagachniki ekan. Botqoq, loy, eng yomoni, aldamchi ko'm-ko'k o't bo'lib turgan ko'lmakdagi "top"larga duchor bo'lish. Chunki bu "top" ko'lmaklari asta-sekin o'z domiga tortib ketadi, undan omon chiqib bo'lmaydi. Ekskavator mashinalar, butun texnikaga ish frontini ochib berish tyagachning gardanida. Shu tufayli brigadaning oldida yuradigan "razvetkachi"lar ko'rsatmasi, ular chizib bergan yo'ldan yurish kerak. Bir metr adashsangiz, bas, falokat yuz berishi mumkin. Bu yerning sovug'iga chidab bo'lmaydi, tuflagan tufuk yerga tushmay muzlaydi. Sovuqning qahrini yengish uchun ham bu yerda ishlovchilar aroq ichib jon saqlar

ekanlar. Lekin Kamoliddinga ichish mumkin emas. U katta yo'ldan adashsa butun brigada falokatga uchrashi mumkin.

Odamzod hammasiga chidarkan. Jazirama issiqqa ham, qahraton qishga ham bardosh beradi. Har qanday faslda jasorat ko'rsatib ishlaydi. Kamoliddin bir hafta rosa qiynaldi. Baxtiga G'anijon bor ekan, ishdan keyin unga issiq choy damlab, g'amxo'rlik qilardi.

Dunyoda odamzodning qadami tegmagan joy, odamzodning qilmagan ishi qolmagan. Quyuq o'rmon ichidan gaz quvuri yotqizish aytishgagina oson. Botqoq, serdaraxt, hatto piyoda yurishning iloji bo'lmagan joydan chuqur qazib, katta hajmdagi truba tashlash murakkab ish. Xoxlovka qishlog'ining adog'ida quvur tortilayotgan paytda bir ko'ngilsiz voqea ro'y berdi. "Rezvetkachi" Petro tushlikda aroqdan jinday ziyod otganligi uchunmi yoki uni quyuq qor qoplanib yotganligi chalg'itganmi, "top" botqoqligiga to'g'ri kelishdi. Kamoliddinning baxti bor ekan, yarim metr tyagachini chap tomondan haydab ko'lmakka tushmadi. Lekin uning ortidan kelayotgan "Ural" yuk mashinasining haydovchisi Nikolay ichganligi uchun uning ortidan izma-iz haydamay "Top" ko'lmagiga tushib ketdi. Butun brigada oyoqqa turdi. Brigada boshlig'i Andrey butun kalonnani to'xtatib, hammani Nikolayni qutqarishga jalb qildi. Tabiatning aqlbovar qilmaydigan sir-sinoati bor. Ahyon-ahyonda bo'lsa ham o'rmonlarda uchrab turadigan "top" ko'lmaklari istalgan narsani o'z domiga tortib ketishi sababini hali-hanuz hech kim aniqlamagan. Sal harakat qilinmasa, uning iskanjasidan qutilib bo'lmaydi. Yaxshiyam, Nikolay mashina kabinasidan bir iloj qilib chiqdi. Yigitlar daraxt shoxini tashlab bor-yo'q kuchi bilan uni quruqlikka tortib chiqarishdi. Lekin "top" mashinani o'z domiga tortib ketdi. Brigada hamshirasi Nastya yordamga keldi. Xudo Nikolayni bir asradi.

Yangi yil arafasida esa ajabtovur bir voqea ro'y berdi. Tushga yaqin hech kutilmaganda kuchli izg'irin ko'tarilib,

qor uyumlari butun borliqni batamom egallab olib, hech narsani ko'rib bo'lmay qoldi. Kabinada yo'lni ko'rishning iloji qolmadi. Kamoliddin mashinani noiloj to'xtatdi. Shu payt uning izidan kelayotgan oziq-ovqat ortilgan yuk mashinasi uning orqasidan kelib urilib, oldi qismi pachiq bo'ldi, radiatoridan suv otilib mashina to'xtab qoldi. Andreyning mikrofon orqali bergan buyrug'iga asosan kalonna to'xtab, izg'irin tinishini kutdi. O'n oltinchi kuni vaxta o'z ishini yakunlab, vagon-uyga qaytdi.

- Boboyga o'xshab soqol qo'yib olibsan, - deb do'sti Umar Kamoliddinga hazil qildi. - Qalay, ish yoqdimi? Sovuq qanday? Ana shunday qiyin ahvolda pul topamiz, lekin uyimizdagi xotinlar buni bilishmaydi. Ularning xayolida bu yerda pul ariqdan oqadi-yu, biz uni chelaklab olamiz. Kecha xotinim janjal qildi. "Birontasini topib olgansan, oylikning cho'g'i har galgidan kam, bolalar katta bo'lib qolishgan. Katta-katta yeyman, kiyaman deydi. Qizingga sovchi kelayapti. Unga, kuyovga bosh-oyoq sarpo qilish kerak. Bularning hammasi pul. Tarallabedod qilib yurmang, ishlang" deydi. Bu xotinlarga boshing bilan quduq qazisang ham bilishmaydi. Yur, biror joyga borib ko'ngil ochaylik, bu yerda qizlar ko'p, ularni ham, o'zimizni ham xursand qilamiz. Yoshlik o'tib ketadi, o'ynab-kulib qolish kerak.

Besh bolaning otasi ham shunday kaltafahm bo'ladimi? Kamoliddin charchaganligini bahona qilib uning taklifiga rozi bo'lmadi.

Yarim kecha Kamoliddinni shirakayf Umar uyg'otdi.

- Ikki jonon topdim, o'z uylari bor ekan. Yur, ertalabgacha maishat qilamiz. Ular bizni pastda kutib turishibdi.

Hammamiz xom sut emgan bandamiz. Umarning tixirligi hamda uydan kelganiga bir yilcha bo'lib qolgan Kamoliddinning ko'ngli yumshab do'sti bilan tashqariga chiqdi. Qizlarning biri unga yoqib qoldi. Garchand rus millatiga mansub bo'lsa-da, qosh-ko'zi qop-qora, lekin sochi sariq. Qiz sutga chayib olgandek oppoq, yuzlari naqsh olmadek

qip-qizil. Shuncha vaqt sabr qilib yurgan Kamoliddinning qizni ko'rib fe'li aynidi. Ular qishloqning chetidagi Veronika ismli qizning uyiga borishdi.

– Shunday chiroyli yigit Sibirda adashib nima qilib yuribdi? – deb gap boshladi Susanna. – Bu yerning sovug'iga biz chidaymiz. Chunki shu yerda tug'ilib o'sganmiz. Men do'konda sotuvchi bo'lib ishlayman. Yurtingiz haqida gapirib bersangiz, Kamoliddin, sizlarda juda havo issiq deysindi. Qanday chidaysizlar? Men issiqda yashashni tasavvur qilmayman.

– Sizlar shunday sovuqda qanday chidab yashasanglar, biz ham issiqda shunday chidab yashaymiz, – deb gap boshladi Kamoliddin. – O'zbekistonga bormabsiz, bu dunyoga kelmabsiz. Uning noz-u ne'matlarini aytmaysizmi? Tilimi tilni yoradigan qovunlari, bir tishlasang ta'mi bir umr esda qoladigan mevalari, odamlarning bag'rikengligi, mehmondo'stligini aytmaysizmi? To'ylarimizda yuzlab odamlar qatnashadi. Ularning xursandchiligini so'z bilan ta'riflash qiyin.

– To'ylarda yuzlab kishilarga nima uchun bepul osh berasizlar? – deb hayron bo'ldi Susanna. Uzoq Sibir o'lkasining quyuq o'rmonlaridagi Mixaylovka qishlog'ida tug'ilib o'sganligi uchun Susannaga Kamoliddinning O'zbekiston haqida aytgan gaplari qiziq tuyulardi.

– Susanna, O'zbekistonga, albatta, boring, pushaymon qilmaysiz. Bizning odamlarimiz muloyim, xushgap, mehmondo'st. Ulardan faqat mehr-muruvvat ko'rasiz.

– Sizning muomalangizdan ko'rib turibman. Xushgapligingiz, madaniyatli ekanligingizning o'zi aytib turibdi. Ayollarga nisbatan hurmat bilan qilayotgan munosabatlaringiz shundan dalolat berib turibdi.

Boshida tortinib o'tirgan Kamoliddinni Susannaning ochiqqligi, xushchaqchaqligi, soddaligi, bir gapirib o'n kuli-shi rom etdi, uning qulfi dilini ochdi. Dastlab qittak-qittak ichishdi. Keyin mayin musiqada raqs tusha boshladilar. Er-

talab ular yuz yildan buyon tanishdek, bir-birining pinjiga kirib, quchoqlashib choy ichishdi...

ONASINI KO'R, QIZINI OL

Donishmand xalqimiz biror maqolni bejiz aytmaydi. Maqollar yuz yillar davomida o'z isbotini topib kelgani uchun ham yashab, xalqning tilidan tushmaydi. Aytaylik, xalqimizda "Onasini ko'r, qizini ol" degan maqolning negizida katta ma'no va inkor qilib bo'lmaydigan haqiqat yotadi. Nargizaning onasi Oyshani bilgani sababli ham To'ychi rais o'g'liga o'yinchining qizini olib bermayman, deb qattiq turib, norozi bo'lganligida jon bor edi. "Olma olmadan uzoq tushmaydi", "Qush uyasida ko'rganini qiladi" deganlari rost ekan. Nargiza turmushga chiqishdan oldin vazmin, iboli qiz edi. Lekin keyin o'zgarib ketdi. U raisga kelin bo'laman, yeganim oldinda, yemaganim ketimda, shohona yashayman, harqalay Kamoliddin raisning kichik o'g'li, hovli-joy, butun boyligi unga qoladi, deb reja qilgandi. Kamoliddin bilan ilk tanishgan kuni Nargiza bor gapni yashirmay onasiga aytgandi.

- Qizim, yo'qchilikni, kamchilikni, xo'rlikni, zorlikni men ko'rganman. Bir so'm topgunimcha ona sutim og'zimga kelgan. To'yda raqs tushib, unga o'tirgan ayrim boyvachchalardan pul olish o'limdan qattiq bo'lgan. Ular aroq solingan piyoladagi aroqni ichsang, mana bu pulni olasan, deb meni rosa beobro' qilishgan. Boshlig'imiz ham bizlarni ko'proq ana shu boyvachchalar oldida o'ynashga majbur qilardi. Ayolni yaratmasin ekan. Agarda nasl-nasabli, badavlat oila malikasi bo'lsang, berdi xudo. Bo'lmasa bir umr kosang oqarmay xor-zor bo'lib tirnog'inggacha kuyib bu dunyodan o'tasan. Kamoliddin senga ko'ngil qo'yibdimi, do'ppingni osmonga ot. To'ychi raisning davlati yetti pushtiga yetadi. Kamoliddin esa uning erkatoiy kenjasi. Raisning bor davlati, katta bog'-rog'i, hovlisi oxir-oqibat seniki bo'la-

di. To'ychi raisni ham, Risolatbonuni ham, Orzu kampirni ham bog'lab qo'ygani yo'q. Baxting chopganida uni mahkam ushla, bo'sh ketma. Jilovni qo'yib yuborma. Manman degan erkak ham xotin oldida taslim bo'ladi. Dunyoda erkak kishi uchun ota-onadan ham, qavm-qarindoshdan ham, aka-ukadan ham xotini yaqini bo'ladi. Ilojini qilsang, Kamoliddin gah desang qo'lingga qo'nadi.

O'sha kuni Oysha o'yinchi qiziga ayollarga xos hiyla-nayrangning barchasini o'rgatdi. Nargiza bir yuz-u bir xil noz-karashma bilan yigitni o'ziga batamom asir qilib, uni fikri-xayoli, aqli-hushini o'g'irlab o'ziniki qilib oldi. Boshqacha qilib aytganda, uni Majnunga aylantirib qo'ydi. Kamoliddin "Uyda gilar rozi bo'lmayapti" deganida Nargiza uni qarmoqqa ilintirish uchun o'z qizlik iffatini hech narsadan tap tortmay hadya qildi. Reja amalga oshdi, ona-bolaning tuzgan qopqoniga Kamoliddin ilindi. Bo'lib o'tgan bu voqeadan keyin To'ychi rais taqdirga tan berib to'y-tomosha qilib berishdan boshqa iloji qolmadi.

Biroq charxpalakning charxi teskari aylanib, kutilmaganida To'ychi rais oilasining boshiga qayg'uli kunlar tushdi. G'araz bilan qilingan ish bir kuni kelib o'z kasrini ko'rsatadi. Nargizaning niyatlari sarobga aylangandan keyin bor alamin eridan ola boshladi. Ustiga-ustak o'g'ilchasi kasalmand bo'lib qoldi. U har kuni bir bahona topib, uyda janjal ko'tarardi. Besh kunlik dunyoda shohona yashashni, bir kiyib bir yechishni, hech kimdan kam bo'lmasligini, qishloqning oldi bo'lishini, dugonalarining oldida ajralib turishni xohlab erini ko'p pul topishga majbur qilardi. Har gal "Qarang, akangizning yashashini, xotinining yurishini, minib yurgan mashinasini ko'ring, siz bir umr ishlasangiz ham biringiz ikki bo'lmaydi, kosangiz oqarmaydi. Barakasi yo'q yigitsiz. O'ziga tegishli hovlini qasr qilib olgan. Bir og'iz aytsangiz, sizni ham yoniga oladi. Harqalay yo'lini topib tuman markazidagi bahaybat supermarketning direktori bo'lib oldi".

– Yo‘q, men halol yashab, halol luqma yeyman. Birovning haqi – baloning o‘qi. U bugun bo‘lmasa, ertaga, albatta, teshib chiqadi.

– Maktabda ham gapga usta edingiz. Chiroyli gap bilan qorin to‘ymaydi. Kim aytadi sizni raisning o‘g‘li deb.

Kamoliddin xotining ana shu kunaro qiladigan mojaralaridan qochib do‘sti Umarning oldiga ketgan edi. Har qancha qiyin bo‘lsa ham har oy uch yuz-to‘rt yuz AQSh dollari uyiga jo‘natardi. Lekin Nargiza eridan kelgan pulni o‘g‘liga ishlatmay, o‘zining aysh-u ishratiga sarf qilardi. Tuman markazida yashovchi o‘z tengi suyuqoyoq xotinlarni topib, ular bilan do‘st kirishib birga o‘tirib, birga turadigan bo‘lib qoldi. Bir kuni Nargiza dugonalari bilan navbatdagi ziyofatdan shirakayf bo‘lib chiqib, qayinakasi Dilmurodning ishxonasiga bordi. Qabulxonada kotiba: “Bir oz o‘tirib turing, Dilmurod To‘ychiyevich bandlar. Siz kimsiz? Nima masalada kelgansiz?” deb uni so‘roqqa tutdi. Yaxshiyam, kelgan mehmonni jo‘natish uchun Dilmurodning o‘zi yo‘lakka chiqdi. U kelinini ko‘rib, huzuriga taklif etib alohida dam oladigan xonasiga boshladi. Bedana tuxumidan tortib ikra, qazi, meva-chevalar bor. Stol ustida turgan qimmatbaho konyak ochilgan. Bo‘shagan ikki butilka konyak shishasi stolning tagida yumalab yotardi.

– Keling, kelinmullo, keling, qani, marhamat, – deya Dilmurod Nargizani ichkariga taklif qildi. Kotibaga “Bugun ertaroq ketavering, qorovulga tayinlang, hech kimni kiritmasin”, deb tayinladi.

Dam olish xonasiga cho‘g‘day gilam solingan. Qimmatbaho divan, kreslo, televizor qo‘yilgan. Podshohlarning xilxonasidek hashamatli.

– Keling. Kamoliddin bilan gaplashib turibsizmi, sog‘lig‘i qalay ekan? Ish bilan bo‘lib so‘ray olmayman. Jiyaning ahvoli yaxshimi?

– Akamullo, bir tovuqqa ham don, ham suv kerak deganlaridek ukangiz yuborgan bir-ikki so‘m pul dori-dar-

monga ketayapti. Ro'zg'or o'tkazishga qiynalayapman. Meni shu yerga sotuvchilikka ishga olsangiz.

Shayton degan maxluq ne-ne manman degan aqlli kishilarni ham yo'ldan adashtirib o'z yo'liga solmagan deysiz. Dilmurod ham shu kuni shaytonning gapiga kirdi. U ro'parasida o'tirgan parivash kelinining oq bilaklari, sutga chayib olingandek oppoq badani, qop-qora ko'z-qoshlari, bir gapirib o'n kulishi, har qanday erkakni adoyi-tamom qiladigan sehrli nigohi Dilmurodning aqlini olib o'ziga rom etdi.

– O'ylab ko'ramiz, kelin, bir kelib qolibsiz. Konyakdan qittak oling, ish bo'lsa, bir gap bo'lar.

Nargiza dugonalari bilan ham ichganligi uchun qaytar-may oldi. Ikki-uch qadah ichilgach, o'rtadagi ibo, tortinish chekinib, Dilmurod Nargizani divanga yayrab o'tirish uchun taklif etdi, o'zi ham uning yoniga o'tirdi.

– Yosh umringizni xazon qilib ishlab nima qilasiz? Mening topganim yetti pushtimga yetadi, sizga o'zim homiylik qilaman, harqalay begona emassiz, – deya Dilmurod Nargizaning bilaklaridan ohista tutdi. U bu huriliqo tug'ishgan ukasining xotini ekanligini batamom unutib, uni o'ziga tortdi. Erining ketganligiga bir yildan oshganligi, konyakning ta'sirida Nargiza ham Dilmurodning xatti-harakatiga monelik qilmadi. Lazzatli onlardan so'ng qayinaka va kelin bir muddat uyalgandek bo'lishdi. Lekin tezda o'zlarini oqlashga o'tdilar.

– Kamoliddin ham shuncha payt “tinch” yurmagandir. Biror-bir rus qizini topib, aysh-u ishrat qilib yuribdi-da. Harqalay erkak-ku! Nargiz, o'ylamang, oramizda bo'lib o'tgan voqeani hech kim bilmaydi. Eng muhimi, bizlarning bu ishimiz hech kimning yetti uxlab tushiga kirmaydi. Mana, ro'zg'or uchun besh yuz ming. Ishlatib turing. Yetmasa, kelasiz.

– Men ham tirik mavjudotman, temir yoki robot emasman. Odamning sog'ligi uchun bu ham juda kerak. Agar bi-

rov bilan gap bo'lsam, nasog'i sizga ham tegadi. Shu tufayli ham rozi bo'ldim, aka, – deya u yana uning quchog'iga kirdi.

O'rgangan ko'ngil o'rtansa qo'ymas deganlaridek, Dilmurod bilan Nargizaning pinhona uchrashuvlari kundan-kun avj olib odat tusiga kirdi. Nargiza bolalarini onasi Oysha o'yinchiga qoldirib qayinakasi bilan birga dam olishlarga ketardi.

Qayinaka bilan kelinning “muhabbat mojarolari” haqidagi gaplar asta-sekin shoyon bo'la boshladi. Garchand ular pinhona uchrashib yurishsa-da, oshiq-ma'shuqlarning uchrashuvlari bolalab ketib, Dilmurodning xotini quloqlog'iga yetib bordi. Nargizaning ovsini Hikoyat yeng shima-rib jangga kirdi. U dastlab eriga hujum qildi.

– O'z tug'ishgan ukangizning xotini bilan don olishib yurgani uyalmaysizmi? El-ulus, qishloqdoshlar, qo'shnilar, qavm-qarindoshlar nima deydi? Eshitgan quloqqa yomon. Ertaga ukangiz bilib qolsa, uning yuziga qanday qaraysiz? Sizda sharm-hayo, or-nomus, odamiylik bormi? Shunchalik ham pastkash bo'ladimi kishi? Ukangiz kelsa sizni ham, xotinini ham sog' quymaydi. Esingizni yig'ing vaqtida, bu yo'ldan qayting, dadasi.

– Senda aql bormi? Odamlarning yolg'on-yashiq gaplariga ishonib valdirayverasanmi? Ular ko'rolmaganliklaridan ham har xil uydirmalarni to'qib chiqarishadi, – deb Dilmurod o'zini oqlay boshladi.

– Odamlar tuhmat qilayapti, deb o'ylaylik ham. Lekin men yigirma yillik yostiqdoshingizman. Yurish-turishingiz, muomalangiz o'zgarib qolgan. Boshqalarning gapi bilan ishim yo'q. Xotin kishini ikki dunyoda aldab bo'lmaydi. U erining hididan biladi. Meni alday olmaysiz. Oysha manjallaqining qizi suyuqoyoq Nargizaning kunini ko'rsataman. Ayol nomiga isnod keltirdi u tagi past.

– Qani, bir og'iz gapirib ko'r-chi? Bu kuningdan u kuningni battar qilaman. Seni so'yib tashlayman. Besh bolang yetim qoladi. Senga nima yetmayapti? Yeganing oldingda.

Yemaganing ketingda. Malikalardek yashaysan. Noshukurlik qilma. Bevaning boshini silash savob. Axir uning nogiron o'g'li bor.

– Uyalmay-netmay savob haqida gapirasizmi? Bir oilani buzayapsiz. O'z jigaringizning oilasini buzayapsiz. Oyingizning yuziga qanday qaraysiz?

– Sening ishing bo'lmasin. Uvol-u savobiga men javob beraman. Kasalmand oyimni, bolalaringni o'ylasang, bu ishni qilmaysan. Nargizaga bir og'iz gapirmaysan. Tamom-vassalom!

Hikoyat baqir-chaqirning foydasi yo'qligini sezdi. Eri Nargizaning chiroyi, qaddi-qomatiga asir bo'lgan. Osmon uzilib yerga tushsa ham foydasi yo'q. Undan ajrala olmaydi. Hikoyat xudoning o'zi bir kun insof berar deb yaratganning ixtiyoriga tashlab qo'ydi. Qolaversa, bolalarining taqdirini o'yladi. Dunyoda eng katta boylik sabr-qanoat deb o'zini ovutdi. Turmush o'rtog'ini yo'lga solib olgan Dilmurodga xudo berdi. Ilgari u qochib-pisib birovlarining uyida, ko'pincha Oysha o'yinchining xonadonida Nargiza bilan uchrashib yurgan bo'lsa, endi u yarim kechasi devor oshib ukasining uyiga o'ta boshladi.

HIJRONING DAVOSI DIYDOR.

LEKIN...

Kamoliddin roppa-rosa ikki yil ishlagandan keyin Umar bilan birga qaytishga otlandi. U do'stiga:

– Uydagilarga “syurpriz” qilamiz. Qachon va qay vaqtda borishimizni sir tutamiz. Kutilmaganda uyga kirib boramiz. Boradigan kunimizning vaqtini aytsak, uydagilarning tinchi yo'qoladi, har bir soniyani sanab qiynaladilar, – deb ikki do'st samolyotga chipta olishdi.

Kamoliddin vataniga qaytish uchun chipta olganidan so'ng ko'zidan uyqu qochdi. U har kuni tush ko'rar, tushida Nargiza bilan bog'-u rog'larda qo'l ushlab yurardi. Bir kuni tushida Kamoliddin Nargiza bilan toqqa lola sayriga

chiqishibdi. U Nargizani quvlab borarkan, bexosdan oyog'i toyib yiqilib, jarlikka osilib qolibdi. U qutqarishni so'rab Nargizaga qo'l cho'zsa, Nargiza yuzini burishtirib chappa qarab ketayotgan emish. Kamoliddin bardosh bera olmay jarga qulabdi. U ko'rgan tushidan cho'chib uyg'ondi. Xayriyat, tush ekan-ku, deb o'zini tinchlantirdi. Musofirlikda yurgan kishi yaxshi sharoitda bo'lsa ham, o'zining kindik qoni to'kilgan maskaniga uchib borgisi keladi. Xayriyat, uyiga qaytadigan kun ham keldi. U ertalab barvaqt uyg'onib, garchand hali uchishga o'n soat bo'lsa ham yosh bolalardek o'rnidan sakrab turib narsalarini yig'ishtira boshladi. Hat-toki tomog'idan ovqat o'tmadi. U bolalardek xursand edi...

– Hoy jinni, aeroportga sakkiz soat oldin borib nima qilamiz? – deb Umar bemalol soqolini ola boshladi. – Bora-sanda o'sha huriliqo xotiningning oldiga. Undan ko'ra yo'l oldidan qittak-qittak qilib olaylik.

Shu onda Kamoliddinning ko'ziga Umar yomon ko'ri-nib ketdi. U nima dardda-yu, do'sti nima dardda. Ko'ngilga aroq sig'armidi?

Haqiqatan ham ular aeroportga erta kelganliklari uchun rosa ezilib o'tirishdi. Shoshganda vaqtning o'tishi juda qiyin. Samolyotga chiqquncha Kamoliddinning bo'l-gani bo'ldi. Ular o'tirgan samolyot kechasi soat o'n birlar-da Toshkentga kelib qo'ndi. Samolyot qo'nib, styuardessa uning eshigini ochganda kabinaga yoqimli havo kirdi. Xud-di hushsiz bemor yotgan kishiga havo yuborilib, unga jon ato etgandek bo'ldi. Kamoliddin o'z kindik qoni to'kilgan yurtning havosidan to'yib-to'yib nafas ola boshladi.

Ular yuklarini olib chiqqanda soat o'n ikkigaya yaqinlash-gandi. Nasib etsa, ular ikki soatda uyiga yetib olishadi. Aeroportdagi kirakashlar bilan savdo qilishga ham toqati bo'lmay, haydovchining aytgan narxiga rozi bo'lib do'sti bilan mashinaga o'tirdi. Haydovchi ham chaqqon yigit ekan, ularni ko'z ochib yumguncha qishloqqa olib kelib qo'yishdi.

Kamoliddin o'zining qadrdon qishlog'iga yetib kelgach, o'tgan ikki yilda bo'lgan o'zgarishlarga ham e'tibor bermay, do'sti Umar bilan xayr-ma'zurni ham nasiya qilib, hovlisi-ning bog' tomondagi devoridan oshib tushdi. Yuragi hap-riqib, o'zining uyi tomon oyoq uchida yurib bora boshladi. Chamasi ikki-uch qadam qolganda ularga ajratilgan xilvatxonaning chirog'i yoqilganini ko'rib esa hayron bo'ldi. U yerdagi sharpalar xayolini battar buzib yubordi. U o'zini Nargiza kasalmand o'g'liga qarayotgan bo'lsa kerak, deb tinchlantirib, xilvatxona tomon yura boshladi. Xilvatxonaga yaqinlashgach, u yerdan kelayotgan ovoz uni dahshatdan muzlatib qo'ydi.

– Men sizni har kuni besabrlik bilan kutaman. Kecha olib bergan bilaguzugingizga hammaning havasi keldi, begim, – degan tanish ovoz Kamoliddinning qonini qaynatib yubordi. Uning ko'zi xonasidan chiqib ketdi. Shaxt bilan xilvatxona eshigini ochdi. Ne ko'z bilan ko'rsinki, uning joyida tug'ishgan akasi Dilmurod bilan xotini Nargiza yotardi.

Kamoliddinning qo'qqisidan kirib kelishi tushiga kirmagan akasi Dilmurod va xotini Nargiza taxta bo'lib qotib qolishdi. Ularning tili kalimaga kelmay, joylaridan qo'zg'al-may qotib qolishdi. Bu holatni ko'rgan Kamoliddin chiday olmay qahr-g'azab bilan akasiga tashlandi.

– Hayvon, shu darajada ham pastkashmisan? Nahotki o'z ukangning xotiniga ko'z olaytirding? – deb akasining yuz-ko'zi aralash ayamay tepib ketdi. Bu manzarani ko'rib chinqirib turib qochmoqchi bo'lgan xotining sochidan tortib, uni ham ayamay ura boshladi. Tayoq jonidan o'tgan akasining kayfi tarqab ukasidan kechirim so'rash o'rniga o'dag'aylay boshladi:

– Uddasidan chiqsang, xotin ol edi, nomard. Boqa ol-masang, kiyintira olmasang, bu huriliqoning uvoliga qolib nima qilasan? Sen erkak bo'lsang, xotiningni ikki yil yolg'iz tashlab ketasanmi? Xotinlarini tul qoldirib ularning uvoliga qolayotgan senga o'xshagan yigitchalishlarning kasofati bu.

Bu bechoralar nima qilsin? Ular ham tirik jon. Dunyoning ne'matidan bahramand bo'lishlari kerak. Sen ham bekor yurmagandirsan? Nechta mallasoch bilan aysh-ishrat qilib kelgansan?

Akasining bu gapi Kamoliddinni quyishqondan chiqarib yubordi. U o'zini tiya olmay oshxonadan pichoq olib chiqdi. So'ngra akasining bo'g'ziga pichoq tortib yuborga-nini o'zi ham bilmay qoldi.

Shu orada hali mastligi tarqamagan Nargizaning ko'zi ochildi. Kamoliddinning qo'li qonligini ko'rib, eriga baqirib ketdi:

– O'z akangni o'ldirdingmi, nomard?! Avloding, oilang, sening yigitlik sha'ningga dog' tushmasin deb begona erkak bilan emas, akang bilan bo'lgandim. Ro'zg'orga yordam qildi, bolalaringga otalik qildi. Yaxshilikni bilmagan, nonko'r.

U eriga tashlanib o'tkir tirnoqlari bilan uning yuz-ko'zini yula boshladi. Sharmandalikni qilib, yana sirtiga suv yuqtirmay behayolarcha uni ayblayotgan xotinining gapi Kamoliddinni vahshiylashtirib yubordi. U xotiniga ham ketma-ket pichoq ura boshladi. Bu voqea shunchalik tez ro'y berdiki, uni anglab yetish, mushohada qilishga Kamoliddinning aqli ojizlik qildi.

Bo'lib o'tgan bu voqea ertalab yashin tezligida butun qishloqqa, tuman va viloyatga tarqaldi. Ro'y bergan qotillikni har kim o'zicha mushohada qila boshladi. Kimdir "Da'yus akasini, bevafo xotinini o'ldirib to'g'ri qilibdi" desa, ayrimlar "Shunchalik ham odam vahshiy bo'ladimi? Bolalarini o'ylamabdi-da" dedi.

Jahl chiqsa, aql ketadi, har qanday sharoitda ham inson o'zini qo'lga ola bilishi kerak. Qahr-g'azab bilan emas, aql-idrok bilan ish tutish lozim. Biroq shunday paytlar bo'ladiki, jahl otiga mingan kishini faqat va faqat intiqom tinchlantiradi.

Hammadan ham Risolatbonuga qiyin bo'ldi. Mushtipar ona na katta o'g'lining dog'ida kuyishni, na kichik o'g'lining

qilmishini kechirishni bilmasdi. Kimsan To'ychi raisning bolalari el-yurt oldida sharmanda bo'lishdi. Bu nasdaqni Risolatbonu qanday ko'tarib yuradi? Risolatbonuning boshiga tushgan bu g'amga tosh ham bardosh bera olmasa kerak. Erining dog'idan adoyi tamom bo'lgandi. Endi bu nimasi?

Bo'lib o'tgan bu mudhish voqeadan keyin aka-ukaning bolalari o'rtasidagi ro'y beradigan adovatni u qanday qilib yumshatadi. Ular og'a-ini bo'lib yashash o'rniga bir umr bir-birlariga dushman bo'lib qolishdi.

Ikki o'g'il farzand ko'rganida Risolatbonu bilan To'ychi raisning sevinchi bir olam edi. "Endi ikki qanoting bor, bir umr xor-u zor bo'lmaysan" deya rahmatli eri uni suyun-tirardi. Risolatbonu ikki o'g'lini oq yuvib oq tarab ularni ko'zining qorachig'idek asrab-avaylab ulg'aytirgandi. Nima jin urdi ularni? Eng yomoni, To'ychi rais yillar davomida misqollab yiqqan obro'-e'tiborini ikki farzandi yer bilan bitta qildi. Avlodiga putur yetdi. Endi uning oilasi sha'ni-ni tiklash amrimahol. Axir ikki aka-ukaning bolalari ertaga vaqt o'tib bir-biridan qasd olmasligiga kim kafolat beradi? Shubhasiz, yillar davomida "buzuq" va "qotil" degan tamg'a oilaning boshiga tushdi. Bir paytlar To'ychi rais va Risolatbonusiz to'y-u ma'rakalar o'tmasdi. Endi ularni nainki to'y, azaga ham aytmay qo'yishdi. Endi odamlar bu avloddan qiz olmaydi ham, qiz bermaydi ham. Insonman degan kishiga hayotda bundan-da og'ir jazo bo'lmasa kerak. Hech kimning boshiga hargiz bunday savdo tushmasin. Bu ko'yga tushganlarga yaratgan egamning o'zi sabr-bardosh bersin. Bu ko'rgiliklarga tosh ham bardosh bera olmasa kerak, shuning uchun bosh toshdan ham qattiq deyishsa kerak.

Kamoliddin hibsonada o'ziga keldi. Bo'lib o'tgan mudhish voqealarni eslab, ayrim odamlarning naqadar shafqatsiz, berahm, beburd ekanligini o'ylab ich-etini yerdidi. Yaxshiyam, osmon uzilib yerga tushmaydi, daryolar teskari oqmaydi, ming yillik tog'lar bu sharmandalikni ko'rib joyidan siljimaydi. Nahotki or-nomus, vijdon, halollik, qon-

doshlik, sadoqat degan insoniy tuyg'ularga darz ketgan bo'lsa?! Nahotki bunday ko'rgiliklarni ko'rib koinot o'z o'qi-dan chiqmaydi? Nahotki bir qorindan talashib tug'ishgan qondosh akasi, jufti haloli unga xiyonat qilsa?! Bu qanday malomat? Bu malomatni yuragida o'ti, or-nomusi bor biror yigit ko'tarib yurolmaydi. Axir hayvon ham bunday shar-mandalikdan o'zini tiyadi. Tabiatning sultoni bo'lgan haz-rati insonga nima bo'lgan? Vijdonsiz, surbet akasi, behayo xotini qilmishiga yarasha jazo oldi. Lekin Kamoliddinni bolalarining taqdiri o'ylantirardi. Ularning ahvoli nima ke-chadi? Nogiron o'g'li, qizining kelajagi, taqdiri nima bo'ladi? Ota-onasining nasog'ini endi ular qanday ko'tarib yurisha-di? Odamlarning yuziga qanday qarashadi? Yarim jon bo'lib qolgan, birvarakayiga ikki o'g'lidan ajragan xasta onasi bu hasratni ko'tara olarmikan?

Ey falak, bechora bandangning boshiga shunday mud-hish kunlarni solasanmi? Qirq yoshni ko'rgan Kamoliddin-ni butun hayoti yonib kul bo'ldi-ku! Endi u tirik bo'lib tirik-lar qatorida, o'lik bo'lib o'liklar sonida yo'q. Quruq sumbat bor, xolos!

Hijron o'tida yonib, bedorlikda tunni tongga ulagan Ka-moliddinning barcha orzu-umidlari sarobga aylandi. U xo-rijdan kelib kasal o'g'lini tuzatish, to'y-tomosha qilishni ni-yat qilgandi. Endi o'tgan hayoti to'g'risida faqat xotira qoldi.

Hayotning past-u balandini tushunmaydigan, di-mog'dor, kimningdir homiyligi yordamida mansab kursi-siga o'tirgan prokuratura tergovchisi o'shqirib stolni urar, Kamoliddin esa yelkasini tirishtirib, savollarga javob ber-may jimgina o'tirardi. U besavod kalabin tergovchilarga kishilarning taqdiri berilganidan xunob bo'lardi. Axir ham-ma mahbuslar ham tom ma'nodagi jinoyatchi emas-ku! Kimdir noxosdan avtohalokat sodir etadi, kimdir hayotda adashib jinoyatga qo'l uradi, kimdir Kamoliddin singari no-haqlikka chiday olmay jinoyat qilishi mumkin. Ana shularni huquq-tartibot organ xodimlari obdan o'rganishlari kerak.

Boshqacha aytganda, ho'l-u quruqni bir olovda yoqmaslik kerak.

Kamoliddinga ochilgan jinoyat ishi bilan G'ulom ismli kalondimog' tergovchi shug'ullanardi. U tergovchi jinoyatning kelib chiqish sababi, nima uchun bu jinoyatga qo'l urganligi, uni bu ishga nima majbur qilganligini so'rab-surishtirmay, jinoyatingiz og'ir, uzoq muddatga qamalasiz deb osmondan kelardi. Tergovchi ishni obdan so'rab-surishtirmay, varaqni o'zicha to'ldirib bunga imzo cheking deb, ishni yopdi...

Xayriyat, jinoyat ishlari bo'yicha tuman sudining raisi O'ljayev oriyatli, vijdonli, sermulohaza, adolatli inson ekan. U sud jarayonida jinoyatning kelib chiqish sabablarini ochib berishni advokat va prokurordan talab qilardi. Davlat qoralovchisi esa "Kar eshitganini, ko'r ko'rganini qo'y-maydi" qabilida ish tutib jinoyat kodeksi kitobini varaqlab, undagi moddalarni pesh qilardi.

Tuman sudining raisi O'ljayev yaqinda Kamoliddinning ishi bo'yicha Toshkentga Oliy Sud raisining qabuliga kirib rais bilan shu jinoyat ishining tarixini aytib bergandi. O'shanda O'ljayev Oliy Sud raisiga:

- Meni ma'zur tutasiz, jinoyatchi haqiqatan ham og'ir jinoyat sodir etgan. Uni bermalol uzoq muddatga ozodlikdan mahrum qilish mumkin. Lekin meni bir narsa qiynamoqda. Axir jinoyatchi bu jinoyatni isnodga chiday olmay, sharmandalikni hazm qilolmaganligi uchun sodir qilgan. Biz adolat yuzasidan ish ko'rishimiz, garchand u bugun jinoyatchi bo'lsa ham, avvalambor, inson, uning insoniyligini hurmat qilishimiz, adolat yuzasidan hukm chiqarishimiz kerak. Toki u butun umr dunyoda haqiqat yo'q ekan deb norozi bo'lmasin. Hayotdan, jamiyatdan, odamlardan, huquq-tartibot xodimlaridan domangir bo'lmasin. Agar ruxsat bersangiz, beriladigan jazo muddatini qisqartirsam, vijdonimga qarab ish tutsam. Toki kishilar sud xodimlarida insoniylik tuyg'ulari yo'q, ular manqurtga o'xshab nuqul

qonunga yopishadilar, vijdon hukmi eslaridan chiqib ketadi. Hayotda yozilgan va yozilmagan qonunlar bor. Inson sifatida biz ham shunga amal qilishimizning vaqti keldi.

Oliy sud raisi ancha vaqt sukutga ketgandan keyin ohista gap boshladi.

– Meni uzoq yillardan buyon qiynab yurgan muammoni ko'tardingiz, – deya gap boshladi sud raisi. – Rahmat sizga! Qani endi hamma sud raislari ham vijdonlarini ishga solib hukm chiqarsalar. Yaqinda muhtaram Yurtboshimiz juda katta savobli ish qildilar. O'z qilmishidan chin dildan pushaymon bo'lganlarning qariyb uch mingtasini afv etilar. Bu katta insoniylik va tarbiyaviy ibratli ishdir. Bugun sudlarning ishi nuqul qoralash emas, balki bilib-bilmay jinoyatga qo'l urgan kishilarni to'g'ri yo'lga solish, ularni o'z qilgan jinoyatlariga pushaymon bo'lib vatanga, oilasiga sadoqat hislarini uyg'otishimiz kerak. Ana shunda xalq bizdan rozi bo'ladi. Ular adolat taroziboni deb bizni tan olishadi. Bu ishingiz bilan odamlarni qiynayotgan, ularni hayotiga og'u solib kelayotgan millatimiz, urf-odatimiz sha'niga dog' tushirib kelayotgan savollarga munosib javob bo'ladi. Eng muhimi, haqiqat tantana qiladi. Bu esa odamlar bizning soha kishilaridan rozi bo'lishlariga sabab bo'ladi. Tan olib aytish kerak, keyingi yillarda juda ko'p kishilar xorijga chiqib ketishdilar. Ular pul topaman deb, oriyati, oilasi, urf-odatlari, milliy qadriyatlarimizni oyoqosti qilib, iymoni, vijdoni, oilasiga putur yetkazmoqda. Axir millatimiz og'ir urush paytida ham o'z vatanini tashlab ketmagan. Bir parcha yerida ishlab shukur qilib yashagan. Xalqimiz sabr-qanoatli xalq, axir xorijning foydasidan zarari ko'p-ku! Bolalar tarbiyasi, ularning kelajagi tarbiyasi haqida ayrim ota-onalar o'ylamay pul topish uchun xorijga qarab yo'l olmoqdalar. Axir mehnat qilsa o'zimizda ham kun o'tkazish mumkun-ku! Qarovsiz qolgan bolalar esa jinoyatga qo'l urmoqdalar.

– Sudda ancha tortishuv bo'ldi, davlat qoralovchisi uzoq muddat so'rab oyog'ini tirab oldi, lekin jinoyat ishlari bo'yi-

cha sud raisi O'ljayev qat'iy turib odamiylik yuzasidan hukm chiqardi...

HAQIQAT EGILADI, LEKIN...

Nargizaning sharmandali o'limi Oysha o'yinchini bir oz qayg'uga solgan bo'lsa-da, farzandining xudoyisi o'tgandan so'ng u To'ychi raisning hovlisini olish payida to'rt tomonga yugura boshladi. U qizimning haqi bor, ikki nafar bolasi yetim qoldi, ularni qaramog'imga olaman, menga hovlini beringlar deb yugura boshladi. Kasalmand Risolatbonuni qariyalar uyiga topshirib, hovlini batamom o'z nomiga o'tkazib olish uchun pulini ham, vaqtini ham ayamadi. Gohida haqiqat egilib, nohaqlik tantana qiladi. Xuddi yoz faslida oftob charaqlab turib noxos jala quygandek. Lekin u bir soniyalik. O'roqda yo'q, moshoda yo'q, xirmonda hozir deganlaridek Oysha o'yinchi bir muddat o'z maqsadiga erishdi.

Ba'zan xo'rliqing kelib ketadi. Bu besh kunlik dunyoda ayrim odamlar shu qadar berahm, beshafqat, noinsof bo'lishadiki, ularning xatti-harakati, qilayotgan ishlarini gapirishga odam uyaladi. Ayrim kimsalar pul uchun har qanday pastkashlikka borishadi. Mehr-oqibat, odamiylik degan narsani unutishadi. Bo'lmasa Oysha o'yinchining yolg'on do'mbirasiga o'ynab, pulini olib, unga mutlaqo tegishli bo'lmagan hovlini nomiga o'tkazishadimi? Oysha o'yinchining niyati nabiralarini tarbiyalash emas, balki bir fursat o'tib hovlini sotib nabiralarini bolalar uyiga topshirib, Toshkentdan uy olib, qolgan umrini huzur-halovatda yashab o'tishni rejalashtirgandi.

Yaxshiyam, dunyoda yovuz, beshafqat, berahm odamlarning razil niyatlari amalga oshmaydi. Yaratgan egam o'z karomatini ko'rsatadi. Ilonga oyoq bermagandek bunday razil kishilarni jirkanch niyatlari amalga oshmaydi. Oysha o'yinchining bu niyatini sezib qolgan qishloq ahli mard turib berdi. Hammadan ham qishloq oqsoqoli Mamat:

– Qani, ko‘raman, bu hovlining sotilganini. Axir To‘ychi rais quruq yerdan o‘z mehnati bilan tiklagan. To‘g‘ri, ko‘ngilsiz voqea ro‘y berdi. Lekin Kamoliddin o‘lgani yo‘q-ku! U mard yigitning ishini qildi. Hukmni qog‘ozga yozgan, peshonasiga yozmagan...

...Oradan yillar o‘tdi. Kamoliddin o‘ziga berilgan jazo muddatini o‘tab qishlog‘iga qaytdi. Qaynonasining bu qilmishi uni gangitib qo‘ydi. Nahotki odam degan nomni olib yurgan inson shu qadar xudbin bo‘lsa. Otasi rahmatli “Onasini ko‘r, qizini ol” deb haq gapni aytgan ekan. Nargiza Oysha o‘yinchidan nusxa olgan ekan-da.

Kamoliddin yeng shimarib ishga kirishdi. Yelib-yugurib, tegishli hujjatlarni sudga taqdim etib, hovlisini qaytarib oldi. Qaynonasi Oysha o‘yinchini uy daftaridan chiqarib, ikki qo‘lini boshiga qilib qishloqdan chiqarib yubordi. Onasi Risolatbonuni qariyalar uyidan olib keldi.

Kuyovining bu qilgan ishiga chiday olmagan Oysha o‘yinchi qo‘liga qalam olib Kamoliddinning ustidan yoza boshladi. Oysha o‘yinchining ketma-ket turli yuqori idoralarga yozgan shikoyatlari bo‘yicha qayta sud boshlandi. Yaqinda sudyalik lavozimiga saylangan, uning hoyu havasiga uchgan yosh sudya jinoyat ishlari bo‘yicha sud raisi O‘ljaevning hukmini bekor qilish uchun bahona izlay boshladi.

– Axir ikki kishini o‘ldirgan qotilga ham shunday oz jazo berasizmi yoki uning qarindoshlari og‘zingizni moyladimi?

– Og‘zingizga qarab gapiring, ukajon. Men qariyb yigirma yil shu sohada ishlayapman. Hayotda qonuniy hukm bilan birga vijdon hukmi ham bor. Biz adolat tarozibonlari shu narsaga amal qilishimiz kerakki, hayotda vijdon hukmini chiqarishimiz kerak! Shunday ish tutsak, xalqimizning bergan noni bizga halol bo‘ladi. Men qonun oldida ham, Yaratgan egam oldida ham o‘z mansabimni, qilgan ishimni to‘g‘ri deb bilaman. Toki kishilarimiz dunyoda vijdon hukmi ham borligiga ishonch hosil qilsinlar!

МУНДАРИЖА

Виждон ҳукми	3
Севги ёш танламайди	7
Иснод	19
Ўлжани қўлдан чиқарма, қизим!	28
Султон суягини хўрламайди	31
Шумоёқ келин	33
Бахт ва бахтсизлик эгиз!	38
Мусофирнинг қорни тўйса ҳам, кўнгли тўймайди!	41
Новокузнецк	42
Онасини кўр, қизини ол	51
Ҳижроннинг давоси дийдор. Лекин... ..	56
Ҳақиқат эгилади, лекин... ..	64

Vijdon hukmi.....	3
Sevgi yosh tanlamaydi.....	71
Isnod	83
O'ljani qo'ldan chiqarma, qizim!	91
Sulton suyagini xo'rlamaydi	93
Shumoyoq kelin	95
Baxt va baxtsizlik egiz!.....	100
Musofirning qorni to'ysa ham, ko'ngli to'ymaydi!	102
Novokuznetsk	104
Onasini ko'r, qizini ol	112
Hijronning davosi diydor. Lekin... ..	117
Haqiqat egiladi, lekin... ..	125

Адабий-бадиий нашр

АЗИМ ҚОДИРОВ

ВИЖДОН ҲУКМИ

Қисса

Муҳаррир: *Д. Худойқулова*

Бадиий муҳаррир: *А. Мамасолиев*

Мусахҳиҳ: *К. Болтабоева*

Саҳифаловчи: *А. Қайимов*

"MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI"

Нашриёт лицензияси № АИ 282. 11.01.2016

100129, Марказ-15, 1/90-уй.

e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2018 йил 6 ноябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 ¹/₃₂". Офсет босма.

"Cambria" гарнитураси. Шартли босма
табоғи 6,71. Адади 2000 дона.

«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳжўчаси, 44,

Tel.: (+99871) 276-37-00. Буюртма №357.